

ФАРХОД ИСОМИДИНОВ
ЖОНИМИРЗО МИРЗАЕВ

ЎЗБЕК
АДИБЛАРИНИНГ
УНВОНЛАРИ



ФАРҲОД ИСОМИДДИНОВ
ЖОНМИРЗО МИРЗАЕВ

ЎЗБЕК АДИБЛАРИНИНГ УНВОНЛАРИ



«YANGI NASHR»

2013

УЎК: 398(575.172)

64.5(5Ў)

Ф 86

Исомиддинов, Фарход
Ф 86 Ўзбек адибларининг унвонлари / Ф. Исомиддинов, Ж.
Мирзаев; масъул муҳаррир: Х. Қудратуллаев; – Тошкент:
«Yangi nashr», 2013. – 280 бет.

ISBN-978-9943-22-126-0

КБК 64.5(5Ў)

Масъул муҳаррир

Ҳасан Қудратуллаев,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Ҳамиджон Ҳомилов,

филология фанлари доктори, профессор

Жумакул Ҳамроев,

филология фанлари доктори, профессор

*Ўзига хос таъкир услубида ёзилган унвон китобда муштов ва ҳозирги
замон ўзбек адабиёти вакиллари уларга берилган фахрий унвонлар ёки
улар ифтихор қозонган унвонлар асосида таснифланган. Унвон тартибда
таъкир тузиш бобида илк таъкир бўлган унвон рисоли ўзбек адиблари-
нинг маълум бир қисминигина ўз ичига олади.*

ISBN-978-9943-22-126-0

© Фарход Исомиддинов

© «YANGI NASHR», 2013 й.

КИРИШ

1. «Исм» арабча сўз бўлиб, бирор шахсни аниклаш учун бериладиган от, исмдир. Исм, асосан, ота-она ёки яқин қариндошлар томонидан янги туғилган фарзандга берилади. Исм қўйишда ота-оналарнинг орзу-умидлари, хоҳиш-истаклари ўз ифодасини топади. Табиийки, ҳар бир ота-она фарзандини бахтиёр, гўзал, соғлом, кучли, қаҳрамон, мўмин, мустақил, раҳбар, бой ва бадавлат бўлишини орзу қилади. Айтиш жойизки, исм бу лақаб ҳам, тахаллус ҳам эмас.

Насаб

«Насаб» арабча сўз бўлиб:

1. Насл.
2. Насаб жиҳатидан шахснинг муайян сулола, силсила, авлод, оила ёки хонадонга тегишли эканлигини билдиради.

Унвон

«Унвон» арабча сўз бўлиб, қуйидаги маъноларни англатади:

1. Сарнома, сарлавҳа; китобнинг номи ёхуд китобнинг бир қисмининг номи, мақола ёхуд бошқа ёзма ишларни ифодалайдиган сўз. Мисол учун: унвони билан, ушбу унвон остида ва ҳоказо.
2. Конверт устида ёзилган ёзув ва бошқалар.
3. Бирор шахсга махсус берилган ном; бирор соҳада малакали мутахассис бўлган кишининг даражаси. Унвон шахснинг даражаси, мартабаси ва унинг жамиятдаги мақомини белгилаб беради.

Унвонлар бир неча хил бўлади: Илмий унвонлар: доцент, профессор, академик. Ҳарбий унвонлар: лейтенант, капитан, майор, генерал, маршал ва ҳоказо. Мумтоз адабиётимизда шоир ва ёзувчиларга турли унвонлар берилган. Жумладан: Ҳазрат, Аллома, Мавлоно, Мавлавий, Мулло, Амир, Мирзо, Малик уш-шуаро, Қози, Ҳожи, Хожа, Саййид ва бошқа унвонларни уларнинг мартабаларига қараб берганлар. Бизнинг давримизда эса доцент, профессор, академик, Халқ шоири, Халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими ва бошқа унвонлар билан тақдирланмоқда.

Ушбу китобда маълум даражада ўзбек адабиёти намояндаларининг унвон ва даражаларини аниқлаш ва таснифлашга ҳаракат қилдик.

Тахаллус

«Тахаллус» арабча сўз бўлиб, кўйидаги маъноларни билдиради: 1) холислик, кутилмоқ;

2) махсус олинган исм бўлиб, шоирлар ва ёзувчилар ўзларига муносиб кўриб танлаган. Масалан, Алишер Навоий, Хожа Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Муқимий, Фурқат, Рўдакий, Фирдавсий, Хайём ва бошқалар.

Нисбат

«Нисбат» арабча сўз бўлиб, шахснинг наслу насаби ва қайси жуғрофий маконга мансублигини билдиради.

Адиблар кўпинча ўзларининг қайси жуғрофий маконга мансублиklarини кўрсатиш учун ўзларига нисбат олганлар: Масалан, Яссавий, Бухорий, Термизий, Ҳиротий, Бадахший, Кўкандий, Самаркандий ва ҳоказо.

Куния

«Куния» арабча сўз бўлиб, номларнинг аввалида абу (ота), умм (она), ибн (ўғли), бинт (қизи) қўшилиб, ном-насабни биргаликда ифода этади. Масалан: Абу Али (Алининг отаси), Ибн Сино (Синонинг ўғли), умму Гулсум (Гулсумнинг онаси), бинти Раҳим (Раҳимнинг қизи). Бадавий араблар одатига биноан биринчи фарзандларини ўзларига абу ва умм оркали нисбат берар эдилар ва кичкиналарига ибн ва бинт қўшиб чакирар эдилар. Бугунги кунда ҳам бадавий араблар орасида бунақа чакириш мавжуд. Араблар Мовароуннаҳрни забт этгач, бу одат айрим одамлар томонидан фойдалана бошланган. Агар аниқроқ қилиб айтсак, куния бизларда фахрий лақаб ўрнида ҳам ишлатилган. Асосан, бунақа ном қўйиш XIII асргача одат тусига кириб, кейинги даврларда номларга «дин» жузъини қўшадиган бўлдилар. Камолиддин, Шамсиддин, Низомуддин; абду: Абдурраҳмон, Абдували; Аллох: Самияллох, Асадуллох, Ғайбулло каби сўзларни ҳам қўшимча тарзда ишлатганлар. Кейинроқ эса номларга Али ва Муҳаммад жузъларини қўйиш, яъни: Шерали, Аҳмадали, Муҳаммадшариф, Муҳаммадсодиқ анъана ҳукмига кирган. XVII асрдан кейин эса бундай ном қўйиш айрим одамларнинг хос номига айланиб қолди. Оддий қилиб айтганда, арабий ном қўйишни куния деганлар.

Лақаб

«Лақаб» арабча сўз бўлиб, ном, унвон маъноларини билдиради. Лақаб, аслида, сифат бўлиб, одамларга уларнинг хулку атворига қараб асосий номидан кейин қўшиладиган номдир. Лақаб, одатда, ифтихор тариқасида ё ҳазил тарзида, ёхуд ҳажву мазаммат тариқасида қўйилади. Лақабни одамларнинг касб-кори ва юриш-туришига ҳам қараб берганлар. Масалан, Аҳмад Донишнинг калласи катта бўлгани боис уни Аҳмади Калла деганлар. Абдулқодирхожа Савдонни мушукларни яхши кўргани боис Савдои Пишак деб атаганлар. Лақаб билан тахаллуснинг фарқи шуки, лақабни бошқалар кўяди, тахаллусни шоирларнинг ўзлари танлайдилар.

ХАЗРАТЛАР РАВЗАСИ

Ҳазрат

«Ҳазрат» сўзи луғатларда қуйидаги маъноларда келган:

1. Ҳозирланмоқ, ҳузур.
2. Даргоҳ, остона.
3. Муътабар кишиларнинг номларини зикр этишдаги таъзим ва эҳтиром сўзи (пайғамбарлар, подшоҳлар ва баланд мартабали инсонлар).

Ҳазрат Алишер Навоий

Исми – Низомиддин.

Лақаби – Алишер.

Тахаллуслари: Навоий, Фоний.

Нисбати – Ҳиротий.

Насаби – Гиёсиддин Кичкина ўғли.

Кунияти – Низомиддин.

Унвонлари: ҳазрат, амир, мавлоно, аллома, шеърят мулкининг султони.

Ҳазрат Алишер Навоий 1441 йилда Ҳирот шаҳрида таваллуд топган. 1501 йилда Ҳиротда оламдан ўтган. Ўзбек адабиётининг бутун тарихи Алишер Навоий номи билан боғланган. Алишер Ҳусайн Бойқаро билан мактабда бирга таҳсил олган. Лекин Шохрух ўлимидан сўнг мамлакатда юз берган ички низолар туфайли Алишернинг оиласи вақтинча Ироққа кўчиб кетади. Уч йилдан кейин оиласи Ҳирот шаҳрига қайтиб келади. Алишер жуда ёш чоғидаёқ ўзбек тили ва адабиёти билан бир қаторда, форс-тожик, араб тили ва адабиётини чуқур ўргана бошлайди. У бадий адабиёт билан чекланмасдан, замонасининг улуғ кишилари мураббийлигида фалсафа, тарих, адабиётшунослик, мусиқа, рассомлик, хаттотлик билан ҳам жиддий шуғулланади.

Хусайн Бойқаро Ҳирот тахтига ўтиргач, дўсти Алишерни катта мансабларга таклиф қилади. Алишер Навоий бир муддат вазирлик ва ҳокимлик вазифаларида ишлайди. Шоир сарой аҳлининг пасткашликларидан ранжиб, вазирликдан истеъфо беради ва бутун куч-қувватини ижодга бағишлайди.

Алишер Навоий ижодининг дурдонаси саналган «Хамса» («Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonлари) асари шу та-наффус даврида яратилган.

У сочилиб ётган ғазал, рубоий, мухаммас, мусаддас, соқийнома каби лирик асарларини тўплаб, улкан бир девон ҳолига келтиради. «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадое ул-васат», «Фавоид ул-кибар» номли тўрт девоннинг умумий номи «Хазойин ул-маоний»дир. Бу тўпламлар кейинги вақтларда «Чор девон» номи билан шуҳрат қозонган. Шоирнинг «Насоим ул-муҳаббат», «Хамсат ул-мутаҳайрин», «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарлари машҳурдир. Булардан ташқари, Навоийнинг форсий ғазалларидан ташкил топган “Девони Фоний”си ҳам мавжуд.

Ғазалларидан намуна:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Буки, онинг аҳду паймонида мен ўлсам доғи,
Яхши фурсат топсанг, ул аҳду паймонимға айт.

Буки, онинг зулфи зуннорида диним ҳосили,
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номусулмонимға айт.

Буки, килмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.

Буки, юз жон садқаси килсам, пушаймон бўлмоғум,
Васлига бир ваъда қилгондин пушаймонимга айт.

Буки, юз минг фитна кўзлук бўлса пайдо онсизин,
Қилмоғум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимга айт.

Буки, чок айлаб ёко усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб эл жон топар, бебоки нодонимга айт.

Даҳр боғи гулларин ҳуснин вафосиз эрканин
Юзи гул, жисми суман, кўйин гулстонимга айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи суҳанлонимга айт. (Ўз. ад. тар. 2. ж. –
170- б.)

Тожикча ғазалларидан намуна:

Татаббўи Хожа Ҳофиз

Ту хубу хулки ту, тақаллумат ҳам хуб,
Набуда чун ту ба хубий касе ба олам хуб.

Ба ҳусн беҳ зи парий одамигарий бартар,
Нагашта мисли ту пайдо зи насли одам хуб.

Куший ба хубиву жон бахший аз суҳан, ки чу ту
Набуда, Аллах-Аллах, Масехи Марям хуб.

Ба дил муҳаббати ту бештар шавад ҳар дам
Ки бештар бинамои ба чашм ҳар дам хуб.

Анису ҳамдам агар ҳаст хуб, хубтар аст,
Ки дар жаҳон ба кас афтад анису ҳамдам хуб.

Зи хайли мажмаи хубон ба Фонни бедил
Вафову меҳр бувад хубу зулму кин ҳам хуб. (Гулш. ад. 3- ж.)

Ҳазрат Юсуф Хос Ҳожиб

Исми – Юсуф.

Тахаллуси – Хос Ҳожиб.

Нисбати – Болосоғуний.

Унвони – Ҳазрат.

Юсуф Хос Ҳожиб XI асрнинг улуғ шоири ва етук ёзувчисидир. У Етгисой яқинидаги Болосоғун шаҳрида туғилган. Юсуф Хос Ҳожиб Қашғар хонлари саройида вазирлик лавозимида ишлаган. Адиб тарих, риёзиёт, тиббиёт, фалакиёт ва адабиётшунослик фанларидан яхши хабардор бўлган. Ундан бизгача фақат ягона асари «Қутадғу билик» («Саодат келтурувчи билим») мерос қолган. Юсуф Хос Ҳожиб бу асарини қорахонийлар хонадонидан бўлган Бўғро Қорахонга бағишлаган эди.

«Қутадғу билик»дан парча:

Билиб сўзлаган сўз биликка сонур,
Биликсиз сўзи ўз бошини еюр.

Ўтуш сўзда ортук осиг қўрмадим,
Яна сўзламишда осиг бўлмадим.

Ўтуш сўзлама сўз бирор сўзла ёз,
Туман сўз тугунин бирор сўзда ёз.

Киши сўз била қўбти, бўлди малик.
Ўтуш сўз бошиғ ерга қилди кулик.

Тилиғ каз кудозғил кудозилди бош,
Сўзингни қисарғил узатилди тош.

Биликсиз қароғу турур бўлгулук.
Юри ан биликсиз билик ол улук.

Туғуғли ўтар кўр қолир белги сўз,
Сўзинг азғу сўзла ўзунг ўлгусўз.

Ўқушқа биликка бу тилмочи тил,
Ёруточи эрни йўрук тилни бил.

Кишиг тил оғирлар бўлуи кут киши,
Кишиг тил ужузлар борир эр боши.

Тил арслон турар кўр эшигда ётир,
Аё эвлук арсияг ишингни стур. (Ўз. ад. т. 2. – 5- б.)

Ҳазрат Сайид Аҳмад

Сайид Аҳмаднинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV асрнинг охири XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган адибдир. Сайид Аҳмад теурийлар хонадонидан бўлиб, насаб жихатидан Амир Темурга набира бўлади. яъни Мироншоҳнинг ўғлидир. Сайид Аҳмаднинг отаси Мироншоҳ Амир Темурдан илгари вафот этган. У давлат ва ҳарбий ишларга салоҳиятсизлигиданми ё бўлмаса бундай ишларга кизикмаслигиданми, ҳар нечук бирор вилоятга узок вақт ҳоким бўлиб тургани маълум эмас. Бу шахзода амакиси Шохрух замонида факирона ҳаёт кечирган. Навоий маълумотига биноан, Сайид Аҳмад ҳам зуллисонайн шоир бўлган. Унинг ўзбекча ва форсчатожиқча девони бўлган, лекин улар бизгача етиб келмаган. Шоирнинг машхур асари «Таашшукнома» деб аталади.

Шеърларидан намуна:

Вафо боринда, эй шўхи суманбар,
Жафо кўп қилма охир, эй санавбар.

Латофат бирла нозуклук ичинда,
Белингдур, сочу сочинг мушку анбар.

Агар оҳ урсам, оҳим шуъласиндин
Эзилгай Қоф, эригай кўҳн Хайбар.

Кўнглунг лавҳида ишқингнинг сифотин
Битибтурлар азалдин ўқуб азбар.

Унутмайдур баён Сайди суюнур,
Неча жабру жафо кўп қилса дилбар. (2- ж. –148- б.)

Ҳазрат Заҳириддин Бобур

Исми – Заҳириддин.
Лақаби – Муҳаммад.
Тахаллуси – Мирзо Бобур.
Нисбати – Андижоний.
Насаби – Умаршайх ўғли.
Унвонлари: ҳазрат, амир, мирзо.

Заҳириддин Бобур 1483 йилда Андижонда туғилган. 1530 йилда Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида оламдан ўтган. Кейинчалик эса, ўзининг васиятига кўра, жасади Кобулга олиб келиб дафн этилган. Бобурнинг отаси Умаршайх Амир Темурнинг набираси бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳокими эди.

Заҳириддин Бобур сарой муҳитида яшаб, яхши мураббий ва устозлардан таълим ва тарбия олган. 1495 йилда Умаршайх оламдан ўтади ва 12 ёшли Бобур отасининг ўрнига тахтга ўтиради. Бобур йирик давлат арбоби ва саркарда бўлиши билан бирга, истеъдодли олим ва шоир ҳам эди. Унинг лирик шеърлари ўзининг мазмундорлиги ва бадиийлиги жиҳатидан ўзбек адабиёти тарихида Лутфий, Атойи, Саккокий ва ўша даврнинг бошқа йирик шоирла-

ри билан бир катордан ўрин олади. Алишер Навоий адабий-бадиий анъаналарини давом эттиради. Бобурнинг «Бобурнома» номли мемуари Шарк тарихи, жуғрофияси бўйича ғоят муҳим маълумотларга эга подир илмий-адабий ёдгорликдир. (3- ж. – 43- б.)

Шеърларидан намуна:

Хуршед юзунг бирла буқун, эй махи тобон,
Даъви гар этар бўлғуси кун сўнгра пушаймон.

Сен гул киби то ғамзадасен, хуснунга мағрур,
Булбул киби мен ғамзадамен, хуснунга хайрон.

Гул юзунг эрур лола, вале лолан худрўй,
Тор оғзинг эрур ғунча, вале ғунчаи хандон.

Гохи кулоғинг тўлғади, гаҳ юзунга келди,
Зулфунгни йиғиштурки баса бўлди паришон.

Чун бўлди сочи ториға жон риштаси пайванд,
Бобур, кўнгул узмак сочидин эмди не имкон. (Ўз. ад. – 32- б.)

«Мубаййин» асаридан:

Хароботию ринду майпарастам,
Ба олам харчие ғўянд хастам.
То ба зулфи сияҳаш дил бастам,
Аз парешонии олам растам. («Музаккир ул-аҳбоб». – 53- б.)

ШАЙХЛАР РАВЗАСИ

Шайх

«Шайх» арабча сўз бўлиб, маънолари: пир, ёши улуғ киши; кўчма маъноларда: тойифа, қабила ва диний оқимнинг пешвоси, сардори.

Тасаввуф таълимотида хонақоҳларда соликларга тариқату маърифатдан таълим берган. Шу боис муридлар уларни муқаддас ҳисоблаб, ўлганларидан кейин қабрларини зиёратгоҳларга айлантирганлар.

Адабиётда эса дин аҳкомини яхши билган ва эл эҳтиромига сазовор бўлган шоирларни ҳам шайх деб атаганлар. Масалан, Шайх Саъдий Шерозий, Шайх Фаридиддин Аттор ва бошқалар.

Бундан бўлак ўтмишда алломалар, нуфузли тасаввуф аҳли, фақиҳлар, илоҳиётшунос олимларни ҳам шайх ул-ислом унвони билан аташган.

Тарозий

Исми – Аҳмад.

Насаби – Ибни Худойдод.

Тахаллуси – Тарозий.

Нисбати – Мовароуннаҳрлик.

Унвони – шайх.

Тарозий – Шайх Аҳмад ибни Худойдод XIV асрнинг иккинчи ярми–XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда таваллуд топиб, яшаб, ижод қилган адибдир. Ўша даврнинг машҳур шоирлари Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Саккокийларга замондош бўлган. Тарозий фақат туркий тилдаги эмас, балки араб ва форс тилларидаги адабиёт назариясига оид асарларни ҳам ўрганган. «Фунун ул-балоға» асарини Улуғбекка бағишлаб ёзган. (Ўз. энц. 8- ж. – 285- б.)

Шайх Убайдуллохон

Исми – Абулғози.

Насаби – Ибни Махмуд Султон.

Лақаби – Убайдулло.

Тахаллуси – Убайдий, Кул Убайдий, Убайдуллох.

Нисбати – Хоразмий.

Унвони – шайх, амир.

Убайдулло Султон (Убайдий)нинг асл исми Шайх Абулғозий Убайдуллох Баходирхон ибни Махмуд Султон ибни Шох Будог Султон ибн Абулхайрхон бўлиб, 1486 йили Хоразмда таваллуд топган. 1540 йилда Бухорода вафот этган. Зулҳиссонини шоир бўлиб, икки тилда – форс-тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Шайбонийлар сулоласидан. Отасининг илтимосига биноан унга Хожа Убайдуллох Ахрори Вали ўз номини берган. Отаси Махмуд Султон Хоразм ва Бухоро ҳокими бўлган. Убайдуллохон яссавия ва накшбандия тарикатларига эътиқод қилиб, Шайх сифатида муридлар ҳам тарбиялаган. Убайдий, Убайдуллох, Кул Убайдий тахаллуслари билан араб, форс-тожик ва туркий тилларида шеърлар ёзган. «Шавкнома», «Ғайратнома», «Сабрнома», «Девони Убайдуллохон», «Масоил ус-салот» каби асарлар муаллифи. Убайдий Бухоро яқинида жойлашган Баҳоуддин мажмуасидаги Дахмаи шохондаги Шайбонийлар хилхонасида дафн этилган. (Ўз. энц. 9- ж. – 33- б.)

Шайх Абдуллатиф

Исми – Абдуллатиф.

Насаби – Ибн Аҳмади Жомий.

Тахаллуси – Шайхулислом.

Нисбати – Жомий.

Унвони – шайх.

Шайх Абдуллатиф Шайхулислом Аҳмади Жомийнинг авлодларидан. Ҳасанхожа Нисорийнинг маълумотларига биноан, XVI асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган шоирдир. Зуллisonайн шоир туркий ва форсий тилларда шеърлар ёзган.

Форсча-тожикча шеърларидан намуна:

Муҳаккиқ сифати ту аҳли маъниро,
Ба махтоб чи ҳоҷат шаби тажаллиро.

Ўзбекча шеърларидан намуна:

Лолалар чикти кизил тож ила шохлар каби,
Чекти савсан тиглар сунний сипоҳлар каби. («Музаққир ул-ахбоб».
– 195- б.)

Сўфи Аллоҳёр

Исми – Аллоҳёр.
Насаби – Ибни Аллоҳкули.
Лақаби – Сўфи.
Тахаллуси – Сўфи Аллоҳёр.
Нисбати – Самарқандий.
Унвони – шайх.

Шайх Сўфи Аллоҳёр ибни Аллоҳкулий 1630 йили Самарқанд атрофида таваллуд топган. 1723 йилда Бухорода вафот этган. Зуллisonайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Бошланғич таълими Самарқандда олиб, кейинроқ Бухорога бориб таҳсилни давом эттирган. Сўнгра Жуйбор шайхларига мурид бўлиб, ўзи ҳам шайхлик мақомига эришган. Унинг машҳур асарлари: «Маслак ул-муттақин», «Сабот ул-оҷизин», «Шарҳи Маснавий», «Махзан ул-мутенин». Ўзбек ва тожик тилларида ғазал, мухаммас, рубоийлар битган. Унинг охириги асари «Мурод ул-орифин» бўлиб, тасаввуф йўналишида ёзилган. (19–149- бетлар.)

Шайх Сулаймон Бухорий

Исми – Сулаймон.
Насаби – Ибни Қудратуллох.
Лақаби – Ал-Қундузий.
Тахаллуси – Накший.
Нисбати – Бухорий.
Унвони – шайх.

Шайх Сулаймон Бухорий Қудратуллох ал-Қундузий 1821 йили Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида таваллуд топган. 1880 йилда Бухорода вафот этган. Тилшунос олим, шоир, элчи ва сайёх. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилган. 1846 йили уни Бухоро амири Насруллохон Усмонли турк султонлигига элчи ва Истамбулдаги ўзбек кавми раиси қилиб тайинлаган. Ўша ерда бир муддат яшаб, ишлаб, «Луғати чиғатойи ва турки усмоний» (2 жилдли) луғатини тузади. Шайх Сулаймон «Накший» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Туркий халқларнинг этнографияси ва халқ оғзаки ижодини тўплаш ҳамда ўрганиш билан шуғулланган. (Ўз. энц. 8- ж. – 120- б.)

Ҳазиний Хўқандий

Исми – Зиёвуддинхон.
Насаби – Каттахожа ўғли.
Лақаби – Тўра.
Тахаллуси – Ҳазиний.
Нисбати – Хўқандий.
Унвони – шайх.

Зиёвуддин Каттахожа ўғли Ҳазиний 1867 йили Қўқонда таваллуд топган. 1923 йилда Қўқонда вафот этган. Шоир ва шайх. Қўқондаги Жомеъ мадрасасида таҳсил олган. Қуръон, хадис, таф-

сир, фикх, калом, адабиёт илмларини чуқур ўзлаштирган. Тасаввуф таълимоти билан изчил шуғулланган. Ўз даврининг етук кодирия тарикати шайхи сифатида эътироф этилган. «Муршиди Фарғона» номига мушарраф бўлган. Ҳатто валийлик унвонига эга бўлган. Дехқончилик билан кун кечирган. Боғлар барпо этган. Унинг «Баёзи Ҳазиний» асари бизгача етиб келган. (11- ж. – 266- б.)

Шайх Пошохожа

Исми – Абдулваҳҳобхўжа.

Насаби – Пошохожа ўғли.

Тахаллуси – Хожа.

Нисбати – Балхий.

Унвони – шайх.

Абдулваҳҳобхўжа Пошохожа ўғлининг таваллуд тошган ва вафот этган йили маълум эмас. Маълумотларга биноан, Балх ҳокими Жонибек ўғли Қистон Қора Султон (1556 йилда вафот этган) саройида шайх ул-исломлик вазифасини бажарган. Хожа ҳам назм, ҳам наср жанрларида ката маҳорат эгаси бўлган. У–«Гулзор», «Мифтоҳ ул-адл», «Мақсад ул-анвор» номли асарлар муаллифи.


Шеърятидан намуна:

Кундуз авқотим санинг ҳажрингла нолон кечадур,
Кечалар зулфунг каби холим паришон кечадур.

Анбарин зулфунг ҳаёлидин кўзумга, эй пари,
Йилу ою соату кун бори яксон кечадур.

Улки жондин кечадур шамъи висолингни кўруб,
Ваҳ на хушвакту на хуш соат, на осон кечадур.

Хожа янглиғ нола қил зулфи ғамидин кечалар,
Ким маҳалли нолаю фарёду афғон кечадур. (Ўз. ад. 4- ж. – 275- б.)



АЛЛОМАЛАР РАВЗАСИ

Аллома Маҳмуд Кошғарий

Исми – Маҳмуд.

Насаби – Ибни Хусайн.

Тахаллуси – Маҳмуд Кошғарий.

Нисбати – Кошғарий.

Унвони – аллома.

Маҳмуд Кошғарий ибни Хусайн ибни Муҳаммад XI асрда яшаб ижод қилган. Таваллуд топган йили аниқ эмас. 1126 йили вафот этган. Туркий тилшунослик илмининг асосчиси, филолог олим ва этнограф. Қорахонийлар сулоласидан. Отаси Барсғаннинг амири бўлган. Кошғар мадрасаларида таълим олган. Араб, форс, турк, умуман, 8 тилни пухта билган. Кейинроқ Самарқанд, Бухоро, Марв, Нишопурда илмини оширган. Унинг машҳур асари «Девону луғотниг турк»дир. Туғилган жойи Ўшда аждодлари мақбарасида дафн этилган. Мақбара ҳозиргача «Ҳазрати Мулломо мазори» номи билан машҳур. (10- ж. – 77- б.)

Аллома Аҳмад Югнакий

Исми – Аҳмад.

Тахаллуси – Аҳмад Югнакий.

Кунияти – Бишми Маҳмуд.

Нисбати – Югнакий.

Унвони – аллома.

Шоирнинг таваллуд топган ва вафот этган йили маълум эмас. Манбалар маълумотларига кўра, адиб XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида яшаб ижод қилган. Аҳмад Югнакийдан бизга

унинг машхур асари «Ҳийбат ул-хақойик» деган достони колган. Адиб ушбу асарида халк оғзаки ижодига хос ҳаёт фалсафаси масаласини ёритиб берган. Алишер Навоий «Насоим ул-муҳаббат» асарида ушбу китобни муҳаббат билан тилга олган.

Шеърятидан намуна («Ҳийбат ул-хақойик»дан парча):

Биликтин аюрман, сўзумга ула,
Биликка ё дўст, ўзунгни ула.

Билик бирла бирдур саодат йўли,
Билик бил саодат йўлни бўла.

Баҳолик динор ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз–баҳосиз биши.

Сўнгатка йиликтак эранга билик,
Эран кўрки ақл, ул сўнгатнинг йилик.

Биликсиз–йиликсиз сўнгаттак қоли,
Йиликсиз сўнгатка сунулмас алик.

Билик билти бўлти эран белгулук,
Биликсиз тирикла йитук кўркулук.

Биликлик эр ўлти–оти ўлмату,
Билик эсан эркан оти ўлук. (2- ж. – 25- б.)

Аллома Улуғбек

Исми – Муҳаммад.
Насаби – Ибни Тарағай.
Тахаллуси – Улуғбек.
Нисбати – Самарқандий.

Ушвонлари: аллома, мирзо.

Мирзо Улуғбек Муҳаммад Тарағай 1394 йили Султония шаҳрида таваллуд топиб, 1449 йилда Самарқанд шаҳрида вафот этган. Аллома, буюк олим, астроном, математик, давлат ва жамоат арбоби. Шохруҳнинг ўғли, Амир Темурнинг набираси. Улуғбек Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дупё фақининг энг юкори пағопасига олиб чиқди. Самарқандда илмий мактаб ташкил этди. У томонидан Самарқандда иккита мадраса бино этилган. Унинг «Зиж», «Осор ул-боқия» асарлари илм оламида машҳур. Улуғбек фақат фалакиётшунос олим бўлмасдан, балки тарих, адабиёт ва мусиқа илмини ҳам эгаллаган. Улуғбек зуллисонайн олим бўлиб, ўзбек ва форс-тожик тилларида асарлар ижод қилган. Улуғбек форс-тожик тилини ҳам яхши билган ва бу тилда шеърлар ёзган. Эрон мамлақатидаги Машҳад шаҳрининг биноларининг бирида унинг қаламига мансуб ушбу байти топилган:

Ҳарчанд мулки ҳусн ба зери нигини туст,
Шўхий макун, ки чашми бадон дар камини туст. (Ўз. энц. 9-ж. – 76-б.)

Ўзбекча шеърларидан намуна:

Эй хуш, ул кунларки кўнглум васлидан хушқол эди,
Ахтарим фархундаву бахтим ҳумоюнфол эди. («Музаккир ул-аҳбоб». – 138-б.)

Аллома Олтинхон Тўра

Исми – Маҳмуд.

Тахаллуси – Олтинхон Тўра.

Кунияти – Ибни Сайид Назир ат-Тарозий.

Нисбати – Тарозий.

Ушвони – аллома, адиб, таржимон, муфассир.

Олтинхон Тўра, Махмуд ибни Сайид Назир ат-Тарозий тахминан 1894 йилда Авлиё Ота, хозирги Тароз шаҳрида таваллуд топиб, 1991 йилда Макка шаҳрида оламдан ўтган. Дастлабки таълимни отасидан, сўнгра Шайх ибн Камол Носирхон Тўра Косонийдан олган. Хўжанд, Тошкент ва Бухоро мадрасаларида ҳам таълим олган. Араб, форс, турк тилларини барча лаҳжалари билан билган аллома мударрис даражасига етган. Макка шаҳридаги Ҳарами Шарифда ва Мадинаи Мунавварадаги Масжид ул-набавийда мударрислик қилиб, Қуръон ва ҳадислардан сабоқ берган. Олтинхон Тўра тафсир, ҳадис, фикҳ, адабиёт ва илмининг бошқа соҳаларига оид 20 дан ортиқ асарлар муаллифи ва таржимонидир. Аллома Қуръони каримни ҳозирги замон ўзбек тилига илк бор таржима қилиб, тафсир ёзди. Адиб Имом Абу Закариё ан-Набавийнинг пайғамбар ҳадисларига бағишланган «Риёз ус-солиҳин», Имоми Аъзамнинг «Фикҳ ул-акбар», «Ақоиди исломия» «Ҳизб ул-аъзам» каби асарларини ўзбек тилига таржима қилган. (11–530- б.)

Аллома Алихонтўра

Исми – Алихонтўра.

Насаби – Шокирхўжа ўғли.

Тахаллуси – Соғуний.

Нисбати – Тўқмоқлик.

Унвони – аллома.

Алихонтўра Шокирхўжа ўғли Соғуний 1885 йили Тўқмоқда таваллуд топиб, 1976 йили Тошкент шаҳрида оламдан ўтган. Дин ва жамоат арбоби, уламо. Мадина ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Давр ўзгариши билан муҳожир сифатида аввал Қашғарда паноҳ топди, лекин Хитой маъмурияти томонидан умрбод камок жазосига маҳкум бўлди. 1941 йили адлиявий тафтиш натижасида озод қилинди, ва умрининг охиригача Тошкентда яшади. Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вақоеъ», Али Чангийнинг «Муסיқа

рисоласи»ни тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Унинг «Девони Соғуний» шеърӣй тўплами ва «Тарихи Муҳаммадий», «Шифо ул-илал» каби асарлари бор.

Абдурауф Фитрат

Исми – Абдурауф.

Насаби – Абдурахим ўғли.

Тахаллуси – Фитрат.

Нисбати – Бухорий.

Унвони – аллома.

Абдурауф Фитрат – Абдурауф Абдурахим ўғли 1886 йили Бухоро шаҳрида зиёли оиласида туғилиб, 1938 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Аллома, ёзувчи, тарихчи, тилшунос, санъатшунос, давлат ва жамоат арбоби, маърифатпарвар.

Фитрат адабиётимиз тарихида шоир ва олим, драматург, ўқитувчи ва маърифатпарвар сифатида муҳим ўрин эгаллаган. У тожик, ўзбек ва араб тилларини мукамал билгани боис Шаркнинг буюк алломалари ижодини яхши ўзлаштиради. 1909 йили Туркияга бориб, Истамбул дорулфунунида таҳсил олган. Шоир зулличсонайн бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида асарлар ёзган. Унинг «Сайҳа», «Ҳинд сайёҳи», «Мунозара» номли дастлабки тўпламлари, «Ҳинд ихтиролари», «Темур сағанаси», «Ўғизхон», «Або Муслим», «Турк тили» каби асарлари, ҳамда «Қон», «Бегижон», «Чин севиш», «Восъ қўзғолони», «Рўзалар» каби драмалари мавжуд.

Фитрат йирик олим, адабиётшунос сифатида «Адабиёт қондалари», «Эски ўзбек адабиёт намуналари», «Аруз ҳақида» каби илмий асарлар муаллифидир.

Алишер Навоӣй номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1991 й.). (24–21-б.)

МАЛИК УШ-ШУАРОЛАР РАВЗАСИ

Малик уш-шуаро

Малик уш-шуаро машхур расмий фахрий унвон ҳисобланиб, сарой доирасидаги атоқли шоирларга берилган. Саройда малик уш-шуаро мартабаси вазир лавозимидан юкори турар эди. Бу унвон Ғазнавийлар давридан бошланган. “Малик уш-шуаро” унвонини биринчи бўлиб Унсурий олган экан. Унсурийдан кейин Амъаки Бухорий, Абдулмалик Бурхоний, Амир Муиззий, Абулаълои Ганжавий, Мавлоно Бадахший, Ғаззоли Машҳадий, Файзи Дақаний, Толиби Омулий каби форс-тожик адиблари сазовор бўлган. XVI асрдан XIX асргача адабиётда Мушфикий ва Султонхожа Адодан бўлак ҳеч ким бу унвонга сазовор бўлгани маълум эмас. Эронда XVI асрдан кейин бу унвонга сазовор бўлганларнинг энг охиргиси Малик уш-шуаро Баҳор эди. Шу даврда Афғонистонда Бетоб номли шоир ҳам бу унвонга сазовор бўлган. Саройга ҳар бир янги келган шоир, аввал шеърини Малик уш-шуарога кўрсатар ва унинг ижозати билан шоҳ олдида ўқиб берар эди. Малик уш-шуаро ҳар бир давру замонда ўзининг синонимларига эга эди. «Одам уш-шуаро», «Амир уш-шуаро», «Султон уш-шуаро», «Тоғ уш-шуаро», «Хотимат уш-шуаро», «Шариф уш-шуаро», «Саид уш-шуаро», «Устод уш-шуаро», «Имом уш-шуаро», «Султон ул-фузало», «Малик ул-калом», «Халлок ул-маони» деган унвонлар ҳам мавжуд эди. Ушбу унвонлар истеъдодли, донишманд, фозил адибларга насиб бўлар эди.

Малик уш-шуаро Бадр Чочий

Исми – Бадриддин.

Тахаллуси – Бадр Чочий.

Нисбати – Тошкандий (Чочий).

Унвони – малик уш-шуаро.

Бадриддин Чочий 1285 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1344 йилда Дехли шаҳрида оламдан ўтган. Зуллisonайн шоир. Форсий ва туркий тилларда ижод қилган. Дехлида Сулон Муҳаммад Туғлуқ саройида хизмат қилди. Султонга атаб қасидалар ёзди. Шоҳ томонидан унга «Малик уш-шуаро», «Фахруз-замон» деган унвонлар берилди. Унинг «Қасидаи шитоия», «Қасидаи сайфия», «Қасидаи раббия» номли асарлари мақбул бўлган. Бадр Чочийнинг биргина «Шарҳи қасоиди Бадри Чочий» асари сақланиб қолган.

Малик уш-шуаро Муҳаммад Солиҳ

Исми – Муҳаммад.

Насаби – Нур Саид ўғли.

Тахаллуси – Муҳаммад Солиҳ.

Нисбати – Хоразмий.

Унвони – малик уш-шуаро

Муҳаммад Солиҳ Нур Саид ўғли 1455 йилда Хоразмда туғилган, 1506 йили Бухоро шаҳрида оламдан ўтган. У Ҳиротга келиб, ўз даврининг буюк мутафаккири Абдурахмон Жомий қўлида таҳсил олишга мушарраф бўлган адибдир. Отаси Ҳусайн Байқаро томонидан ўлдирилган. Шоир Шайбонийхон дарборида кўп илтифотлар топади, ва унга «Амир ул-умаро» мансаби ва «Малик уш-шуаро» унвони берилади. У «Шайбонийнома» асари билан машҳур.

Муҳаммад Солиҳ ҳам зуллисонийн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ижод қилган. Афсуски, бу девонлари бизгача етиб келмаган. (3- ж. – 7- б.)

Малик уш-шуаро Нисорий

Исми – Ҳасанхожа.

Насаби – Пошохожа ўғли.

Тахаллуси – Нисорий.

Нисбати – Бухорий.

Унвони – малик уш-шуаро

Ҳасанхожа Пошохожа Нисорий 1516 йили Бухорода таваллуд топиб, 1597 йилда Бухорода оламдан ўтган. Бухоро мадрасаларида таълим олган. Адабиётдан бўлак риёзиёт, хандаса, тиббиёт, муסיқа илмларини пухта ўрганган. Адиб «Малик уш-шуаро» унвонига ноил бўлган адиблардандир.

Адибни машхур қилган асари «Музаққир асҳоб» номли тазкирасидир.

Адибнинг «Музаққир асҳоб» асари Давлатшоҳи Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» ва Алишер Навоийнинг «Мажолис унафоис» асарларидан кейин учинчи ўринда туради. Нисорий зул-лисонайн шоир бўлиб тожик ва ўзбек тилларида девонлар тuzган, бироқ бу девонлар бугунги кунга қадар топилмаган. (11- ж. – 364- б.)

Малик уш-шуаро Фазлий Намангоний

Исми – Фазлиддин.

Тахаллуси – Фазлий.

Нисбати – Намангоний.

Унвони – малик уш-шуаро.

Фазлий Намангонийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIX асрда яшаб ижод қилган адибдир. У ҳам зул-лисонайн шоир бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. У Қўқонга келиб Амир Умархон саройида хизмат қилди ва «Малик уш-шуаро» унвонига сазовор бўлди. Уни машхур қилган асари «Тазкират уш-шуаро» асаридир.

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Юз офарин сўзунга лубби лубоб кўрмай,
Арзи жамол эгарму ойна об кўрмай?

Мастуран суханға пўшидалиғ муносиб,
Маъни арусини бас, мен бениқоб кўрмай.

Майгун лабинг ҳадиси маст этти ғойибона,
Кайфият ўлди зоҳир жоми шароб кўрмай.

Мундоқки нуктадонсен, ким эрди устодинг?
Ой касби нур қилмас, то офтоб кўрмай.

Бир нукта айла зоҳир, Фазлийни кўйма маҳзун,
То кетмайин Намангон сендин жавоб кўрмай.

Тожикча шеърларидан намуна:

То ниҳон шуд он ба рух чун офтоб аз чашми ман,
Рехт анжумҳои ашки беҳисоб аз чашми ман.

Риштаи тори назар банди ниқоби ҳусни туст,
Он жамоли бенишон дорад ҳижоб аз чашми ман.

Наргиси жодуи ў то ҳамнишини сурма гашт,
Рўзи ман гардид чун шаб, рафт хоб аз чашми ман.

Бе жамоли ёр, агар ин аст, Фазлий, гиряам,
Хонаи мардум шавад яксар хароб аз чашми ман. (19- ж. – 257- б.)

АМИРЛАР РАВЗАСИ

Юсуф Амирий

Исми – Юсуф.
Тахаллуси – Амирий.
Нисбати – Ҳиротий.
Унвони – амир.

Юсуф Амирийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XV асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган адибдир. Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида уни Саккокий, Атойи ва Лутфийлар қаторида тилга олган.

Шоир ўзбекча ва тожикча асарлар ёзган. Шоирнинг ўзбек тилида битган асарларидан бизгача «Девон», «Дахнома», «Банг ва чоғир мунозараси» асарлари етиб келган.

Ғазалларидан намуна:

Эй, кўзда юзунг хайрати осори тамошо,
Наззораи хуснинг гули беҳори тамошо.

Кўнглим тапиши айлади савдо элини хуш,
Девона эрур равнақи бозори тамошо.

Муфт ўлди ҳавас ахлина савдойи висолинг,
Бемоя топар суд харидори тамошо.

Кўнглим қушини зоғларинг қилди музайян,
Шавқ этти бу товусни гулзори тамошо.

Дил дийдаси бирла кўраин ёр юзини,
То ўлмая ағёр хабардори тамошо.

Кўнглимни қилиб қасри вафо ишк, Амирий,
Кўз манзарасин айлади анвори тамошо. (2- ж. – 82- б.)

Амир Азизий

Азизий – Убайдуллохоннинг ўғли Абдулазизхон 1515 йилда Бухорода туғилган. 1551 йилда вафот этган. 1538 йилда Урганч ҳокими бўлган. Отаси вафотидан кейин 1539 йилда амир (хон) бўлди. Абдулазизхон саройида Ҳофиз Султон, Али Убаҳий, Восифий, Мажлисий, Кавкабий, Шайдо, Афсарий каби шоирлар шуҳрат қозондилар. Абдулазизхон уларга ғамхўрлик қилар эди. Навоий ва Бобурларга эргашиб шеърлар ҳам ёзарди.

Шеърятидан намуна:

Хуш эрди манга бўлса эди ёр мусоҳиб,
Ё бўлмаса эрди анга ағёр мусоҳиб.

Хушдур киши бўлса агар ёр мусоҳиб,
Гар бўлмаса онинг била ағёр мусоҳиб.

Булбул бошига келмас эди мунча балолар,
Гар бўлмаса эрди гул ила хор мусоҳиб.

Ё рабб, не балодур буки ҳижрон аламиндин,
Бормен ғаму андуҳ ила, эй ёр мусоҳиб.

Кўйинг итидек ёри вафодор топилмас,
Кўрдум мени дилсўхта бисёр мусоҳиб.

Бу телба кўнгул бирла, Азизий, не килурсен?
Гар бўлмаса ул шўхи дилзор мусоҳиб. (А. н. – 169- б.)

Амир Байрамхон

Исми – Абдурахим.

Тахаллуси – Байрамхон, Рахимий.

Унвони – амир.

Байрамхон Абдурахим 1556 йилда Деҳлида дунёга келган ва 1622 йилда Деҳли шаҳрида оламдан ўтган. Шоир ва таржимон. Байрамхон ибн Сайф Алибекнинг ўғли. Акбар ҳукмронлик даврида «Хонлар хони» унвонига сазовор бўлган. Байрамхон «Бобурнома»ни форс тилига таржима қилган. Унинг Ҳиндистон тарихига оид «Раҳимий» тахаллуси билан турк, форс, араб ва санскрит тилларида ёзган шеърлари бор. Хумоюн подшоҳнинг эътиборли амирларидан бўлган.

Жавоҳарлаъл Неру Байрамхонга катта баҳо берган. (6–585- б.)

Байрамхон зуллисонин шоир бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган.

Ўзбек тилидаги шеърларидан намуна:

Ғазал

Етмасун осеби таб, сарви хиромоним, санга,
Эсмасун боди хазон, гулбарги хандоним, санга.

Бошинга эврулса жони нотавоним, не ажаб,
Чун тилайдур садка бўлмок нотавон жоним санга.

Йўқтурур, биллах, малолинг эшитурга токатим,
Етмасун ногаҳ малолангиз афғоним санга.

То сени бетоб эшитгим, бас, паришон холмен,
Ваҳки, зохир бўлмади ҳоли паришоним санга.

Ҳар жафо бўлса, мени бетобга бўлсун насиб,
Йўқтурур тоби жафо, хуршиди тобоним, санга.

Лабларинг васфида Байрам шеъридур оби ҳаёт,
Сихҳати берсун плохи, оби ҳайвоним, санга. (А-н. – 42- б.)

Тожик тилидаги шеърларидан намуна:

Ман кистам, инони дил аз даст додае,
Аз дасти дил ба роҳи ғам аз по уфтодае. (Муз аҳб. – 132- б.)

Амир Умархон

Исми – Умархон,
Таҳаллуси – Амирий.
Нисбати – Қўқандий.
Унвони – амир.

Умархон Амирий–зуллисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган адиб. 1787 йили Қўқонда таваллуд топиб, 1822 йили Қўқонда вафот этган. Қўқон шоҳи (1810–1822). Норбўтабийнинг ўғли. Ўзбекларнинг минг уруғидан. Нодирабегимнинг эри. Бошланғич саводини оилада чиқариб, кейин мадрасада таҳсил олган. Умархон илм, маданият, санъат, адабиёт ва бошқа илмий соҳаларга катта аҳамият берган. Ўзи ҳам Амирий таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Ўз атрофига 70 дан ортиқ шоирларни тўплаган. Унинг амрига биноан Фазлий Намангоний ўз тазкираси «Мажмуаи шоирон»ни ёзган ва 63 шоир ҳақида маълумотлар берган. (Ўз. энц. 9- ж. – 91- б.)

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Боғ ичра сарв тарзи хиромингга бандадур,
Хуршеди чарх моҳи тамомингга бандадур.

Лаълинг такалдумики фасохатда дур сочар,
Гул гулчаси рамузи каломингга бандадур.

Олдингда шохи гул эгилиб юз ниёз ила,
Эй навниходи ноз, саломингга бандадур.

Ишкингни соғари мани саргашта айлади,
Даври сипехр соғари жомингга бандадур.

Бошингдин айланиб, сари кўюнгдин ўргулай,
Кўнглум куши кабутари бомингга бандадур.

Васлингни муждаси манга етти фирок аро,
Жону кўнгул хужаста паёмингга бандадур.

Ром ўлди кўзларингни ғазоли жунунима,
Яъни бу шер ваҳшийи ромингга бандадур.

Ҳарчанд Амири мамлакати иззу нозман,
Кўнглум каманди халкаи домингга бандадур. (Ўз. ад. 3- ж. – 473- б.)

Тожикча шеърятидан намуна:

Бувад дар ишк гах бо мусхафи рухсор савгандам,
Гахе бо халкаи гесуи анбарбор савгандам.

Чи сон див аз хами зулфи гирехгири ту баргирам,
Чу шавкат дод бо он мусхафу рухсор савгандам.

Чунон эъзоз дорам мў ба мў дини мухаббатро,
Ки бошад аз сари зулфи ту бар хар тор савгандам.

Гахе бо зулфу гах бо оразу гах бо хати мушкин,
Бувад дар давъни ишки бутон бисёр савгандам.

Ба дорулмулки лутфат махзари ишки ту овардам,
Надорам шоҳиде инжо, бидеҳ ночор савгандам.

Амир, омад баҳору жуз шикастан нест имконе,
Диҳад гар муҳтасиб бар тарки ман сад бор савгандам. (Ганж. зар. —
50- б.)

Амир Феруз

Исми – Муҳаммад.
Насаби – Раҳимхон ўғли.
Тахаллуси – Феруз.
Нисбати – Хивалик.
Унвони – амир.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз 1845 йили Хивада таваллуд топиб, 1910 йилда Хивада вафот этган. Хива хони, амири (1864–1910). Шоир ва бастакор. Унга Огаҳий устозлик қилган ва адабиёт, шеърят сирларидан сабоқ берган. Отаси Сайид Муҳаммадхон вафотидан сўнг Хива тахтига ўтирган. Феруз тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг даврида Хивада китобат, девон тузиш, тарих ёзиш ва таржима қилишга катта аҳамият берилган. Хоразмда таржима мактабини яратган. Ундан бизгача «Девони Феруз» номли асари етиб келган. (Ўз. энц. 9- ж. — 224- б.)

Мир Саъид

Исми – Саъид.
Тахаллуси – Мир Саъид.
Нисбати – Кобулий.
Унвони:—мир, амир.

Мир Саъиднинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Ҳазрат Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»ида ёзилишича, Мир Саъид Алишер Навоийга тағоий бўлар экан. Маълум бўлишича, Кобулда яшаб ижод қилган ва Кобулий тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Шеърятидан намуна:

Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,

Гул адоқинда хумори ёзасиз.

Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошига,

«Куштаи бир шўх эрур», – деб ёзасиз. (Нав. 9- ж. – 335- б.)

Амир Шайхам Сухайлий

Исми – Сухайл.

Тахаллуси – Амир Шайхам.

Нисбати – Хуросонлик.

Упвони – амир.

Амир Шайхам Сухайлий асли Хуросондан. Ёшлигидан илм ўрганишга иштиёки баланд бўлган. Замонасининг илмларини ўрганиб, шуҳрат қозониб, Амир Саъид Мирзо хизматиغا боради. Яхши хизмати учун обрў ва эътиборга эга бўлади ва юқори мартабаларга эришиб, Амир унвонига лойиқ деб топилади. Зуллисонайн шоир сифатида ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзади.

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Зухд эли тасбиҳ деб ҳайрон қолур авбош аро,

Риштан жисмимни кўрса катра-катра ёш аро. (Нав. 9- ж. – 339- б.)

Тожикча шеърятидан намуна:

Ҳар замонам коматам дар нолаи зор оварад.

Тарсам аз нахли бало девонагий бор оварад.

Амир Хон

Хон – Маъдалихон Умархон ўғли 1808 йилда Қўконда дунёга келган. 1842 йилда ўлдирилган. Унинг отаси Қўкон амири Умархон, онаси машхур шоира Нодирабегим бўлган.

Маъдалихон дабдабали сарой мухитида тарбия олган. 1822 йилда Умархон вафотидан сўнг Қўкон тахтига кўтарилди. Амир Насруллоҳ Қўконга бостириб кириб, Маъдалихонга қарши уруш эълон қилгач, Маъдалихон атрофидагилар қоча бошлайдилар. Натижада у мағлуб бўлади ва Амир Насруллоҳ қўлига асир тушади. Укаси, ўғли, онаси Нодирабегимлар билан бирга 1842 йилда ўлдирилади.

Шеърларидан намуна:

Касб айламадим гарди рахи симбаримдин,
Бир зарра дагил сут баним чашми таримдин.

Нарм этмади қотги дилини сочилан ашким,
Афсус, баним тоша соташқон гуҳаримдин.

Ул золими огоҳ сонур холума кўнгул,
Бечора хабардор дагил беҳабаримдин.

Бинг булбули хомуш эдарам ўлмас ваҳмим,
Ким инжила гулрух санамим нолаларимдин.

Оҳим ўти меҳрингда сурайёя эришди,
Эй мох, сокин чарха буроҳан шараримдин.

Хоннинг дили пурхунига раҳм ила мурур эт,
Гездукда сабо ул юзи гулбарги таримдин. (А. н. – 572- б.)

Амир Убайдий

Бу шоир Шайбонийхоннинг акаси Муҳаммад Султоннинг ўғли Убайдуллохондир. У Шайбонийхон ўлгач, тахтга ўтирган. Абулхайрхон ўғли Кўчкинчихоннинг ноиб сифатида ҳукумат ишларини бошқарди, 1530 йилда Кўчкинчихон вафотидан сўнг расмий равишда (хон) амир бўлди. Убайдуллохон шеър ва адабиёт билан шуғулланди. Шеърларда тахаллуси Убайдий, Убайдулло, Қул Убайдийдир.

Шеърятидан намуна:

Ёр истамаким, олам аро ёр топилмас,
Топилса, дағи мушфику ғамхор топилмас.

Ахтарсанг агар бир яратиб икки жаҳонни,
Мендек сенга бир зору гирифтор топилмас.

Хушёр нетарсен тилабон, эй кўзи усрук,
Масгона кўзунг даврида хушёр топилмас.

Кўп ёр агар топилур сенга валекин,
Жон бергучи мен каби вафодор топилмас.

Дийдор ғанимат турур, эй телба Убайдий,
Дийдоридин айрилмаки, дийдор топилмас. (А. н. – 147- б.)

МИРЗОЛАР РАВЗАСИ

Мирзо Хусайн Бойқаро

Исми – Хусайн.

Насаби – ибни Мирзо Мансур ибни Мирзо Бойқаро.

Тахаллуси – Хусайний.

Унвони – мирзо, султон

Хусайн ибни Мирзо Мансур бини Мирзо Бойқаро 1438 йили Хирот шаҳрида таваллуд топиб, 1506 йилда Хиротда вафот этган. Ўзбек мумтоз адабиётининг намоёндаларидан бири. Темурийлардан Умаршайх Мирзонинг эвараси. Онаси Темурийлардан Мироншоҳнинг набираси. Хирот шаҳрида катга адабий мухит яратган олган шохлардан.

Мирзо Хусайн Бойқаро туркий тилда ёзишни рағбатлантирган ва шунга даъват қилган. Ўзи ҳам бадий ижод билан шуғуланаиб, «Хусайний» тахаллуси билан шеърлар ёзган. (11- ж. – 398- б.)

Аскарый Мирзо

Исми – Аскарый.

Насаби – Мирзо Бобур ўғли.

Тахаллуси – Аскарый.

Нисбати – Қандахорий.

Унвони – мирзо.

Мирзо Аскарый 1512 йили Қандахорда таваллуд топиб, 1558 йилда Маккада вафот этган. Мирзо Аскарый 1530–1551 йиллар Меват ва Қандахор ҳокими бўлган. Бобурийлардан. Мирзо Бобурнинг учинчи ўғли. Комрон Мирзо кутқуси билан Бобурийлар ҳукмдори Ҳумоюнга қарши бир неча марта исён кўтарган ва, ниҳоят, Кобул

яқинида бўлган жангда (1551 й.) асир олинди, ўзининг талабига кўра Ҳажга юборилган. 1558 йилда оламдан ўтган ва Маккадаги қабристонга дафн этилган. Мирзо Аскарӣ зулисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Сулаймон Мирзо

Номи – Сулаймон.

Тахаллуси – Мирзо Сулаймон.

Нисбати – Лохурӣ.

Унвони – мирзо.

Мирзо Сулаймон 1514 йилда Лоҳурда таваллуд топиб, 1590 йилда ўша ерда вафот этган. Бадахшон шоҳи теурийлар авлодидан Султон Вайс Мирзонинг ўғли. Бобур уни отаси вафотидан сўнг ҳоким қилиб тайинлайди. Ҳумоюн даврида ҳам Бадахшонни бошқарган. Зуллисонайн шоир бўлиб, Зукко тахаллуси билан ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Сулаймон Мирзонинг Ҳарам бегим исмли хотуни давлат ишларида унга маслаҳатчи бўлган. (Ўз. энц. 8- ж. – 120- б.)

Мирзо Абубакр

Исми – Абубакр.

Насаби – Мирзо Абубакр.

Нисбати – Мовароуннаҳрий.

Унвони – мирзо.

Амир Теурунинг набираси Абубакр Мирзо Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган адиблардан.

Шеърларидан намуна:

Эр керак ўртанса, ёнса ёлина,
Ёра ёб ётса отининг ёлина,
Ит ўлума бирла ўлса яхшироқ,
Эр отиниб душманига ёлина. (Нав. 9- ж. – 411- б.)

Мирзо Султон Искандар Шерозий

Исми – Искандар.
Лақаби – Султон.
Тахаллуси – Султон Искандар.
Нисбати – Шерозий.
Унвони – мирзо.

Мирзо Султон Искандар Шерозий ҳам Амир Темурнинг на-
бираларидан. Давлат ишлари каторида шоирлик ҳам қилган.
Туркигўй шоирлардан бўлган.

Шеърларидан намуна:

Тўлун ойга нисбат этгим ёруми,
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.
Тори мўюнгнинг закотин мен берай,
Ё Мисрни, ё Ҳалабни, ё Румни. (Нав. 9- ж. – 412- б.)

Мирзо Халил Султон

Исми – Халил.
Тахаллуси – Халил Султон.
Нисбати – Самарқандий.
Унвони – мирзо.

Мирзо Халил Султон Амир Темурнинг авлодидан. Бир муддат Самарқандда салтанат қилган. Фозил ва зариф одамларни мажли-
сига йиғиб, гоҳида шеърхонлик қилган ва ўзи ҳам шеърлар битган.

Эё турки парипайкаримиз, тарки жафо қил,
Коми дилимиз, лаъли равонбахш раво қил. (Нав. 9- ж. – 412- б.)

Мирзо Султон Аҳмад

Исми – Аҳмад.
Тахаллуси – Султон Аҳмад.
Нисбати – Хуросонлик.
Унвони – мирзо.

Мирзо Султон Аҳмад Амир Темурнинг авлодидан. Бир муддат Хуросонда салтанат қилган. Фозил ва зариф одамларни мажлисига йиғиб, гоҳида шеърхонлик қилган ва ўзи ҳам шеърлар битган.

Сен киби шўҳи ситамгар дунёда пайдо қани?
Сехр бобида кўзунгдек қофири яғмо қани? (Нав. 9- ж. – 414- б.)

Мирзо Султон Бадиуззамон

Исми – Бадиуззамон.
Тахаллуси – Мирзо Султон.
Нисбати – Самарқандий.
Унвони – мирзо.

Мирзо Султон Бадиуззамон хушчақчақ, зарофатгўй, доно киши бўлган.

Зуллисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар битган.

Ўзбек тилидаги шеърларидан намуна:
Эй сабо, гар сўрса холим шаммаи ул сарвиноз,
Эврулуб бошиға мен саргаштадин еткур ниёз.

Мирзо Шох Ғариб

Номи – ШохҒариб.
Тахаллуси – Ғарибий.
Нисбати – Ҳиротий.
Унвони – мирзо.

Мирзо Шох Ғариб тахаллуси – Ғарибий. Шоир, темурий шахзодалардан бири. Хусайн Бойкаронинг ўғли. Замондошлари томонидан ўз даврининг нодир, шўхтаъб, хушзеҳн, фозил шахси сифатида эътироф этилган, адабиётга меҳри баланд бўлиб, баҳсу мунозаралар ташкил этган адиб. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар битган.

Шеърларидан намуна:

Тарки меҳр айлаб агарчи бўлди жонон ўзгача,
То тирикман, қилмағумдур аҳду паймон ўзгача.

Мирзо Фаридун Ҳусайн

Исми – Фаридун.
Насаби – Ибни Ҳусайн.
Тахаллуси – Мирзо Фаридун.
Нисбати – Ҳиротий.
Унвони – мирзо.

Мирзо Фаридун Ҳусайн шоир, хуштаъб, хушзеҳн, фозил ва зариф одамлар суҳбатини яхши кўрган, улар билан шеърхонлик қилган ва ўзи ҳам шеърлар битган. Зуллisonайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган.

Ўзбекча шеърларидан намуна:

Эй сабо, еткур манга сарви равонимдин хабар,

Раҳм этиб бергил манга ороми жонимдин хабар. (Нав. 9- ж. – 416- б.)

Тожикча шеърларидан намуна:

Гарчи дар кӯи ту помоли жафо гардидам,

Ба Худо гар сари мӯе зи вафо гардидам.

Мирзо Султон Масъуд

Исми – Масъуд.

Тахаллуси – Шоҳий.

Нисбати – Ғазнавий.

Унвони – мирзо.

Мирзо Султон Масъуд Шоҳий 1475 йили Ғазнада таваллуд топиб, 1507 йилда Ғазнада вафот этган. Темурий шаҳзодалардан бири. Хурфикрли, хушзеҳн, фозил ва зариф одамлар билан шеър-хоплик қилган ва ўзи ҳам шеърлар битган. Отаси Султон Маҳмуд Мирзо Соҳибкирон Амир Темурга 5-бўғин авлоддир. У туркий шеърларида Шоҳий, форсий шеърларида Орифий тахаллусларини қўллаган. Бу икки тилда алоҳида-алоҳида девонлар тузган. (10- ж. – 110- б.)

Шеърларидан намуна:

Ёр бориб жонга кўйди доғи фурқат, эй рафиқ,

Кўнглума қор этмасунму дарди ғурбат, эй рафиқ? (Нав. 9- ж. – 417- б.)

Мирзо Султон Али

Исми – Султонали.
Тахаллуси – Султон Али.
Нисбати – Самарқандий.
Унвони – мирзо.

Мирзо Султон Али Самарқанд мулкида бир муддат салтанат қилган. Хушзеҳн, фозил ва зариф киши бўлган.
Шеърларидан намуна:

Васлида мағрур бўлдуңг хажрида зор, эй кўнгул,
Не анинг бирла, не онсиз, токатинг бор, эй кўнгул. (Нав. 9- ж. – 417- б.)

Мирзобек

Исми – Мирзобек.
Тахаллуси – Мирзобек.
Нисбати – Самарқандий.
Унвони – мирзо.

Мирзобек Самарқанд ва Хуросон мулкида ягона эди. Хушзеҳн, фозил ва зариф одамларни мажлисига йиғиб гоҳида шеърхонлик қилган ва ўзи ҳам шеърлар битган.

Шеърларидан намуна:

Кўзунг не бало каро бўлубтур,
Ким жонга каро бало бўлубтур. (Нав. 9- ж. – 336- б.)

Мирзо Ҳожи Суғдий

Исми – Ҳожи.

Тахаллуси – Суғдий.

Нисбати – Самарқандий.

Унвони – мирзо.

Мирзо Ҳожи Суғдий Самарқанд мулкида таваллуд топган ва яшаган. Қабри ҳам Самарқандда. Фозил ва зариф одамлар билан шеърхонлик қилган ва ўзи ҳам шеърлар битган.

Шеърларидан намуна:

Ўхшатти коматинга санавбарни боғбон,

Бечора билмас эрмиш алифдин таёғни. (Нав. 9- ж. – 334- б.)

Мирзо Ҳумоюн

Мирзо Ҳумоюн 1508 йили Бобуршоҳ оиласида таваллуд топиб, 1556 йилда вафот этган шахзодадир. Бобурнинг Ҳиндистондаги мулкларига эга бўлган. Мулкини кенгайтиришга ҳаракат қилган, бироқ низолар ва укалари Мирзо Комрон, Мирзо Феруз, Мирзо Аскарӣ ва Мирзо Ҳиндолнинг мустақилликка интилишлари давлатни заифлаштирган. Ҳумоюн Мирзо зуллисонайн шоир сифатида ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. (11- ж. – 391- б.)

Мирзо Ҳайдар

Исми – Муҳаммад.

Насаби – Ҳайдар Дуғлот.

Тахаллуси – Мирзо Ҳайдар.

Нисбати – Тошкандий.

Унвони – мирзо.

Мухаммад Ҳайдар Дуғлот – Мирзо Ҳайдар 1499 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1551 йилда Кошғарда оламдан ўтган. Тарихчи, олим, давлат арбоби. Мухаммад Ҳусайн Кўрагонийнинг ўғли. Онаси Хуб Нигорахоним Юнусхоннинг кичик кизи, Бобурнинг онаси – Қутлуғ Нигорахоннинг синглиси эди. Шайбонийхоннинг бўйруғи билан унинг отаси қатл қилинади. У мажбур бўлиб Бадахшонга кочиб кетади. 1509 йилда Кобулга келиб, Бобур саройида катта иззат топади. Мирзо Ҳайдар машҳур «Тарихи Рашидий» ва «Жаҳоннома» номли тарих ва географияга оид асарлар ёзган адидир. (11- ж. – 195- б.) Зуллисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Ўзбек тилидаги шеърятидан намуна:

Ишк ахли ичра кирма, каслигинг фано тутиб,
Тазвир доми бирла бу қушларни хуркутиб. («Музаққир ул-аҳбоб».
– 137- б.)

Тожик тилидаги шеърятидан намуна:

Инсоф бидех, эй фалаки минофом,
3-ин харду кадом хубтар қард хиром.
Хуршеди жаҳонтоби ту аз жониби шарк,
Ё мохи жангарди ман аз жониби Шом. («Музаққир ул-аҳбоб». 134-
б.)

Мирзо Огаҳий

Исми – Мухаммадризо.
Тахаллуси – Огаҳий.
Нисбати – хивалик.
Насаби – Эрнийёзбек ўғли.
Кунияти – Мухаммадризо.
Унвони – мирзо.

Муҳаммадризо Эрнийезбек ўгли Огаҳий 1809 йили Хивада таваллуд топган. Шоир 1874 йилда ўз кишлоғи Қиётда вафот этади. Огаҳий Хива мадрасаларида таълим олади. Шоир Мунис Хоразмийнинг тарбиясини олган. Огаҳий замонаси илмларини кунт билан ўрганади. Форс-тожик ва араб тилларини ҳам яхши ўрганади. Шоирдан бизга кўпгина мерос қолган. Огаҳийнинг таржимон сифатида ҳам кўп хизмати бор. Огаҳий Оллоқулихон (ҳукмронлик даври – 1825–1842 йиллар) девонхонасига мирзолик вазифасига ишга киради.

Огаҳий Хива хонлиги воқеаларини ақс эттирган «Риёз уд-давла», «Зубдат ут-таворих», «Тарихи гулшани давлат», «Жомеъ ул-воқеоти султоний», «Шоҳиди иқбол» асарларини ва Мунис Хоразмийнинг «Фирдавс ул-иқбол» асарининг давомини ёзади. Огаҳий форс-тожик адабларининг йнгирмага яқин асарларини ўзбек тилига таржима қилган, «Гулистони Саъдий», «Баҳористони Жомий», «Ҳафт пайкари Низомий», «Ҳашт биҳишти Хусравн Дехлавий» каби асарлар шулар жумласидандир.

Шоирнинг ғазалларидан намуна:

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўринг,
Меҳри жамоли устида икки ҳилолини кўринг.

Икки ҳилолини кўруб қонмаса меҳрингиз агар,
Сафҳаи орази уза нуктаи холини кўринг.

Нуктаи холини кўруб сабр эта олмас эрсангиз,
Хусну жамоли боғида қадди ниҳолини кўринг.

Қадди ниҳолини кўруб кўнглунгиз этмаса қарор,
Жон кўзи била боқибон лаъли зулолини кўринг.

Лаъли зулолини кўруб жонингиз этса изтироб,
Чораи холингиз учун шаҳди мақоллини кўринг.

Шаҳди мақолини кўруб топмаса чора холингиз,
Нуктага лаб очар чоғи ганжу далолини кўринг.

Ганжу далолини кўруб истасангиз муроди дил,
Огаҳийдек кучуб белин айши камолини кўринг. (3- ж. – 250- б.)

Мирзо Комил Хоразмий

Исми – Комил.

Тахаллуси – Хоразмий.

Нисбати – Хоразмий.

Насаби – Ниёзмухаммад Абдулла ўғли.

Кунияти – Абдулла ўғли.

Унвони – мирзо.

Комил Хоразмийнинг таваллуд топган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда яшаб ижод қилган адибдир. Шоир манбалар маълумотларига биноан 1899 йилда вафот этган. Хива мадрасаларида таълим олиб, араб, форс-тожик тилларини мукаммал ўрганиб олган. Шох Муҳаммад Раҳимхон II Комил Хоразмийни маъқул кўриб саройга чақиради ва унга аввал мирзолик вазифасини беради, кейинрок уни девонбеги этиб тайинлайди.

Комил Хоразмий Хоразм нотаси деб аталган мусиқа аломатларини ихтиро қилган экан. Бадий таржима билан ҳам шуғулланган. Комил Хоразмий умри охирида фалокатга учраб, икки кўзи кўр бўлиб қолади, шунга карамай, адабий фаолиятини давом эттиради.

Шоирнинг ғазалларидан намуна:

Ютубон бу замонда қон фузало,

Кулфат ўқиғадур нишон фузало.

Қалам ила китобдин ўзга
Топмағай ёри ҳамзабон фузало.

Қатнабон сифлалар эшигига,
Топмас ўлтурғали макон фузало.

Жуҳало зумраси келиб ғолиб,
Бўлди мағлубу нотавон фузало.

Сўзни фаҳм этгали киши топмай,
Не осий бўлса нуктадон фузало.

Кимга кўрсатса биргина беҳбуд,
Топар ўтруда минг зиён фузало.

Жуҳалоға қилиб мулозимлик,
Топмадилар емакка нон фузало.

Майи гулранг ўрниға тайёр
Кўзлари соғрида қон фузало. (3- ж. – 267- б.)

Оразий

Исми – Алихон.

Тахаллуси – Оразий.

Нисбати – Шаҳрихоний.

Унвони – мирзо.

Алихон Муллаохун ўғли Оразий 1869 йили Шаҳрихонда таваллуд топган. 1942 йилда Шаҳрихонда вафот этган. Шаҳрихон мадрасасида таълим олган. Ҳаёт кийинчилигидан бир муддат қозихонада мирзолик қилган.

Мухаммаслар

Қутилмоқ йўқми, ё раб, ушбу золим ағниёлардин,
Чикиб ердин ҳавога ўрлаган кибру ҳаволардин,
Сўрарга камбағалнинг конини хуш иштаҳолардин,
Кўзи оч, ўзи суллоҳликда ортуқдир гадолардин,
Уялмай лоф урар савдо-сотик, банку широлардин.

Тамоми халқ бошига бало Андижонда Миркомил,
Жафокашларнинг мулкин тортиб олмокка хўп омил,
Дегайсен: «Камбағал дехқоннинг ашёсига азройил,
Жахонни килди холо пул кўпайтирмок билан койил,
Еру сув, молу мулки – барчаси ғасбу риёлардин!»

Хушомад бирла барча козию мингбоши хизматкор,
Тамоми муфтий, аълам «ер хатин» ёзмок учун тайёр,
Топарга бой кўнглин ҳар кеча ҳукм этмокка жаррор,
Писанд этмайди минг дехқонга ҳар кун етса минг озор,
Кўрармиз кунда ҳар хил печа ранг жабру жафолардин. (А. н. – 441-б.)

Мирзо Мурассаъ

Исми – Мирзо.
Тахаллуси – Мурассаъ.
Нисбати – Ҳисорий.
Унвони – мирзо.

Мирзо Мурассаънинг таваллуд топган ва вафот этган йили номаълум. Манбалар маълумотларига биноан, XIX асрда Ҳисор туманида яшаб ижод қилган адиб. Ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар кам. Зуллисонайн шоир бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Тазкиранавис муаллифларнинг маълумотларига биноан унинг шеърлари содда ва равон экан.

Мирзо Муқимий

Исми – Аминхўжа.

Тахаллуси – Муқимий.

Нисбати – Қўқандий.

Насаби – Мирзахўжа ўғли.

Унвони – мирзо.

Мухаммад Аминхўжа Муқимий 1850 йили Қўқон шаҳрида таваллуд топган ва 1903 йилда Қўқон шаҳрида оламдан ўтган. Унинг отаси Мирзахўжа асли тошкентлик бўлган. Онаси Бибиойиша Сайдолим Нодиршайхни кизи бўлган. Шоир бошланғич маълумотни Қўқондаги «Ҳоким оғим» мадрасасида Хуморбиби деб ном чиқарган онаси кўлида олган. Кейинчалик Бухорога бориб, Бухоро мадрасаларида ҳам таълим олган. Қўқонга қайтиб келиб шаҳардаги қурилиш маҳкамасида мирзалик қилади.

Муқимий демократик адабий оқимнинг бошида турди. Шоирнинг лирик шеърлари, айниқса, ҳажвиёт жанрида битилган асарлари бутун бир хазинадир.

Шоирнинг ғазалларидан намуна:

Ақлу хуш учти бошимдин, эй пари, девонаман,
Бир иложи кил, эл ичра бўлмайин афсона ман.

Дарду сўзу ашқу охимни киёс эт шамдин
Шомдин то субҳидам хажрингда ўртаб ёнаман.

Ул замонким, йироқ васлингдин ўлдим, то бу дам,
Ҳар коча ёнингда минг йўл уйкудин уйғонаман.

Лаҳзаи захри ғаминг ютмакка токат қолмади,
Нўш этиб васлинг майидин ҳам қачон бир қонаман.

Хома мужгон, қўз қарсидин ёзиб рози дилим,
Арзае қилдим, эшит, маъюсу муштоқонаман.

Оҳким, сенсиз қарору сабру оромим кетиб,
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Навбати жомим тўла қўйғил қарамдин, сокиё,
Ҳар қадамда то қилай юз лағзиши мастона ман.

Мулки Ҳинду Марвдин келсам, топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

Мирзо Надимий

Исми – Болтаниёз.
Насаби – Қурбонниёз ўғли.
Тахаллуси – Надимий.
Нисбати – хивалик.
Унвони – мирзо.

Мирзо Надимий–Болтаниёз Қурбонниёз ўғлининг таваллуд топган йили номаълум, 1938 йилда Хивада вафот қилган. Умри давомида Хивадаги идораларда турли лавозимларда, жумладан мирзолик вазифасида ишлаган. Шоир, хаттот, таржимон. Шоирдан бизга учта девон мерос қолган. (11- ж. – 240- б.)

Мирзо Девоний

Исми – Муҳаммадкомил.
Насаби – Исмоилий девон ўғли.
Нисбати – хивалик.
Унвони – мирзо.

Муҳаммадкомил Исмоил Девон ўғли 1887 йили Хивада таваллуд топиб, 1938 йилда Тошкент шаҳрида оламдан ўтган. Хивада-

ги Арабхон мадрасасида таълим олган. Форс тили ва хаттотлик санъатини яхши билган. Бир муддат Феруз саройида мирзолик вазифасини бажарган. Шеърларида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилган. (7- ж. – 230- б.)

Мирзо Ҳайрат Тўрақўргоний

Исми – Умрзоқ.
Насаби – Холбой ўғли.
Тахаллуси – Ҳайрат.
Нисбати – Тўрақўргоний.
Унвони – мирзо.

Умрзоқ Холбой ўғли Ҳайрат 1845 йили Тўрақўргонда таваллуд топган. 1915 йилда вафот этган. Шоир, хаттот. У дастлаб қишлоқ мактабида, кейин Тўрақўргондаги мадрасада таҳсил олган. У ўзбек ва форс-тожик адабиёти тарихини қунт билан ўрганди. Мадрасани тугатгач, Тўрақўргон мингбошисига мирзо бўлиб ишлади. Қўп вақтини котиблик билан ўтказиб, қишлоқ деҳқонларига ариза, мактуб, мероснома, китоб кўчириб бериш хисобига ҳаёт кечирган. (А-н. – 408- б.)

Шеърларидан намуна:

Туштим, нигоро, бир турфа ҳола,
Ҳажру гамингдин ранжу малола.

Рўзу шабона оху фиғоним,
Тўлди фалакка овози нола.

Йўқтур жаҳонда жононлар ичра
Сиздек парирў ширинмақола.

Афгода қуллар нетсунки келмас,
Қўз қўзга тушмай асло ҳаёла.

Махжурликда умри кўзимдин,
Жоридур ашким монанди жола.

Ёлғон тааззур кўрганда айтиб,
Бермай жавобим қилган савола,

Ё раб, ракиби ношустарўлар
Юрсин йироқдин доим мўрола.

Мирзо Ҳодий

Ҳодий – Мирзо Назриддини Самарқандий 1830 йилда Самарқандда таваллуд топиб, 1891 вафот этган. Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таълим олган. У Амир Музаффар саройида тўрт йил мирзолик вазифасида ишлаган. Мирзо Ҳодий зуллисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Ҳодий–Мулло Фахриддин Рожийнинг отаси. Мирзо Ҳодий «Анворий Сухайлий» («Калила ва Димна»)ни тожик тилида назм билан ёзган. Шонр ушбу асарни ўзбек тилида ҳам назм ипига теришни ният қилган, лекин мақсадига етмасдан оламдан ўтган экан.

Шеърятидан намуна:

Баъди мурдан нишони мо сухан аст,
Оташи корвони мо сухан аст.

Гардад аз вай чароғи мо равшан,
Халафи дудмони мо сухан аст.

З-ў шавад қадри мо магар равшан,
Нури шамъи забони мо сухан аст.

Мақун, эй гулшанам ба худ таклиф,
Боғи мо, бўстони мо сухан аст.

Фикри маъний шудаст фикри маош,
Чи кунам, обу нони мо сухан аст.

Пеши мо жуз ба накли хуш маё,
Ки матову дукони мо сухан аст.

Бахри ёрони кадрдон Ходий,
3-ин сафар армуғони мо сухан аст. (Ганж. зар. – 224- б.)

Мирзо Масихо Бойсуний

Қози Мирзо Масихо бир Қози. Мунтаҳо Бойсуний XIX асрнинг машхур шоирлари ва диний уламоларидан бири бўлган. У Бойсун туманининг Назарий кишлоғида туғилиб, бошланғич таълимдан сўнг узок йиллар Бухоро олий мадрасаларида таҳсил олган. Шунинг учун бўлса керак, Мирзо Масихо Бухорий номи билан ҳам машхур бўлган. Хаттотлик, шеърӣй санъаткорлар, форс-тожик адабиёти, араб тили ва адабиёти, фикҳ ва калом илмларида забардаст бўлган. Муфтийлик даражасига эришган. Отаси – Бойсун козиси Мулло Мунтаходан сўнг Бойсунда козилик қилган. Ундан 4250 байтдан иборат бўлган «Раъно ва Зебо» достони, ғазаллар ва ўзбек тилида шеърӣй парчалар қолган.

САЙИДЛАР РАВЗАСИ

«Сайид» сўзи луғатларда ушбу маъноларда келган:

1) буюк, сарвар, сардор, пешво;

2) Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарнинг авлодлари. Адабиётимизда “сайид” лақаб, таҳаллус ва унвон тариқасида ишлатилган.

«Саид» (саъид) сўзи ҳам арабча сўз бўлиб, бахтиёр, саодатли маъноларини англатади. «Саид» сўзи гоҳида одамлар номи таркибида ном тариқасида, гоҳи таҳаллус, гоҳи унвон тарзида ҳам келган. Масалан, Саид Нафисий ном тариқасида, Мирак Саид Ғиёс насаб тариқасида, Саид Ҳодий Нақшбандий (Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг абираларидан) унвон тариқасида келган.

Сайид Ҳасан Ардашер

Сайид Ҳасан Ардашер манбалар маълумотларига биноан XV асрининг иккинчи ярмида ва XVI асрининг биринчи ярмида Ҳиротда яшаб ижод қилган адиб. Зуллисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида: «Сайид Ҳасан Ардашер бу фақирга ота масобасида эрди», – деб ёзади. Фозил, зукко, доно, покизасиришт инсон эди.

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Илоҳиё, нури ирфондин кўнгулга бир сафо бергил,
Ки, исён зулмати ичра хароб аҳволу хайрондур. (Нав. 9- ж. – 337- б.)

Форсий шеърятидан намуна:

Чи хуш бошад сабуҳе бо дилиором,
Лаболаб ҳар қадах ҳар дам кашидан.
Чу ғунча ҳар ду дар як пирахани танг.
Ба ҳам печидану дарҳам кашидан.

Сайид Киромий

Сайид Музаффар Хўжа Киромийнинг таваллуд топган ва вафот қилган йиллари аниқ эмас. Хоразм адиби Нишотий ўзининг «Хусну дил» достонида Киромий ҳақида озгина маълумот бериб, шундай ёзадики: «Киромий ўз даврининг маданий савияси юксак ва маҳоратли шоирларидан эди». Киромий XVIII асрда яшаб ижод қилган адиблардандир.

Мухаммасидан парча:

Олиб аввал назарда ақлу ҳушимни тамом айлаб,
Не хосил қилдинг, эй бедард, зулму кин мудом айлаб,
Мени ранжур олур сиххат лабингдин шодком айлаб,
Ўлукни тиргузур лаълинг Масихосо калом айлаб,
Такаллум чошнисин шарбати юҳйил-изом айлаб.

Санойиъдин бири келмай вужуда, эй малаксиймо,
Адам кунжида эрди бору йўк дунё ва мофихо,
Қилурда сурати покингни устоди қадар пайдо,
Азалда лаълингга сайд этакли кўнглум кушин гўё,
Қазо сайёди жонлар риштасидин ёйди дом айлаб. (А. н. – 436- б.)

Сайидшоҳ Касбий

Сайидшоҳ Касбий Касби кишлоғининг сайидларидан бўлган ва фазилатлар касб этган. Қалб қувончи учун шеърга ҳам тил очган ва бу матлаъ унга мансубдир:

Шеърятидан намуна:

Борурда куйида жон қолди мандин анга ёдгор,
Қилурлар нолалар мен мунда ва жон фигур онда. («Музаққир ул-ахбоб». – 138- б.)

Саййид Подшоҳхожа бин Абдулваҳҳобхожа Шайхалихожанинги ота бир, она бошқа инисидир. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб» асарида келтирилишича, Ҳиротда яшаб ижод қилган зуллисонайн шоирлардан бири. Ҳам форсийда, ҳам туркийда девонлари бор.

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Кундуз авқотим сенинг ҳажрингда нолон кечадур,
Кеча ҳам зулфунг каби ҳолим паришон кечадур.

Анбарин зулфунг хиёлидин кўзимға, эй пари,
Йилу ою соату кун бору яксон кечадур.

Улки жондин кечадур шоми висолингни кўруб,
Ваҳ, на хуш вақту на хуш соат, на осон кечадур,

Равшан ўлғай давлати васлида ҳижрон окшоми,
Гар гуноҳимдан билиб ул моҳи тобон кечадур.

Хожа янглиғ нола қил зулфи ғамидин кечалар,
Ким маҳалли нолаву фарёду афғон кечадур. («Музаққир ул-аҳбоб».
– 275- б.)

Форсий шеърятидан намуна:

Ҳаргиз зи димоғи банда бўи ту нарафт,
В-аз дидаи ман хаёли рӯи ту нарафт.
Дар орзуи рӯи ту будам ҳама умр,
Умрам ҳама рафту орзуи ту нарафт.

Сайид Бобожонхожа бини Абдулваҳҳобхожа

Сайид Бобожонхожа бини Абдулваҳҳобхожа Подшоҳ-хожанинг ота бир, она бошқа инисидир. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб» асарида келтирилишича, Ҳиротда яшаб ижод қилган.

Шеърятидан намуна:

Кишига бўлса сенингдек Бухор ичинда нигоре,

Онинг ҳадиси эрур бариси Саҳиҳи Бухорий. («Музаққир ул-аҳбоб»,
– 276- б.)

Сайид Бобохожа бин Подшоҳхожа

Сайид Бобохожа бин Подшоҳхожа Абдусалломхожанинг ота бир, она бошқа инисидир. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб» асарида келтирилишича, Ҳиротда яшаб ижод қилган.

Шеърятидан намуна:

Эшигинга Хусраво, келдик иродат била,

Келмак иродат била, кетмак ижозат била. («Музаққир ул-аҳбоб»,
– 277- б.)

ХОЖАЛАР РАВЗАСИ

Хожа

«Хожа» лугатларда сардор, сарвар, соҳиб, хўжайин; лақабга ўхшаган ном бўлиб, эҳтиромли одамларга қарата айтилган сўз; хўжалик ишларни бажарувчи шахс, ишлар мутасаддиси, иш буюрувчи. Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиё халқлари орасида юқори табақадаги одамлар, яъни ҳукмрон табақа аҳлига нисбатан айтилган бу унвон саййиддан кейин турадиган лақабдир. Яна кимдаки молу дунёси кўп бўлса, уларни ҳам хожа деб аташган. Масалан, Хожа Аҳрори Вали. Яна тасаввуфда тариқат машойихларига бериладиган унвон. Бу унвон, асосан, Юсуф Ҳамадонийдан бошлаб ишлатила бошланган: Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний, Хожа Аҳрори Вали, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин. Ундан олдинги улуғ пирларга «шайх» унвони берилган. (Ўз. энц. 9- ж. – 446- б.)

Хожа Аҳмад Яссавий

Исми – Аҳмад.

Тахаллуси – Аҳмад Яссавий.

Нисбати – Яссавий.

Унвони – хожа, қул хожа.

Аҳмад Яссавий ҳозирги Туркистонниг Ясси кишлоғида XI асрнинг охирида Шайх Иброҳим деган руҳоний оиласида дунёга келган. Маълумотларга биноан, 1166 йилда вафот этган. Ёшлиғида етим қолиб, Арслонбобо деган зотнинг тарбиясини олади. Бухорога келиб, Юсуф Ҳамадонийдан сўфийлик таълимотини олади. Юсуф Ҳамадоний вафотидан сўнг ўз устози ўрнида неча йиллар халифалик қилиб, сўнгра катта мутасаввиф сифатида Туркистонга қайтиб келади.

Тасаввуф таълимотининг Ўрта Осиёда тарқалган икки машҳур

тармоғи бор. Булардан бири нақшбандийлик, иккинчиси яссавийлик деб юритилади.

Яссавийлик таълимоти инсонни ўлмасдан бурун ўлишга, дунёвий ишлардан қўл тортиб, тарки дунё килишга чакиради.

Аҳмад Яссавийдан бизга «Ҳикмат» деган машхур тасаввуфий асар қолган.

«Девони Ҳикмат»идан парча:

Дунё манинг деганлар,
Жаҳон молин олғонлар,
Каргас қушдек бўлубон
Ул харомға ботмишлар.

Мулло, муфти бўлғонлар,
Ёлғон даъво қилғонлар,
Окин каро қилғонлар
Ул томуғга қирмишлар.

Қози, имом бўлғонлар,
Ноҳақ даъво қилғонлар,
Ҳимор янглиғ бўлубон
Юк остида қолмишлар.

Ҳаром еган ҳокимлар,
Ришват олиб еганлар,
Ўз бармоқин тишлабон,
Қўрқуб туруб қолмишлар. (2- ж. – 39- б.)

Ҳожа Абдулқодир Мароғий

Исми – Абдулқодир.

Насаби – Бин Ғойибий ал-Ҳофиз.

Тахаллуси – Ҳожа Мароғий.

Нисбати – Мароғий.

Унвони – хожа.

Хожа Абдулқодир бин Ғоибий ал-Ҳофиз ал-Мароғий XIV асрнинг иккинчи ярмида Мароға шаҳрида таваллуд топган. 1434 йили Мароға шаҳрида оламдан ўтган. Зуллисонайн шоир, созанда, хонанда, бастакор. Ҳаёти, асосан, жалонийлар давлатида ўтган. Амир Темур уни Бағдоддан олиб келган. Шоҳруҳ Мирзо ва Халил Султон саройларида умрининг охиригача хизмат қилган. Форсий ва туркий тилларда ғазаллар ёзган адибдир. (Ўз. энц. 9- ж. – 447- б.)

Хожа Калонбек

Хожа Калонбек Бобуршоҳнинг эътиборли амирларидан бўлиб, подшоҳона ҳурматга эришган шоир эди. Бобуршоҳ уни Ҳинддан Ғазна ва Кобул ҳукуматида бошқариш учун юборган. Зуллисонайн шоир форс ва туркий тилларида шеърлар ёзган:

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Етишти қосиди жонон менга дами сакарот,

Бу чин эмишки тирик жонга бор умиди ҳаёт. («Музаққир ул-аҳбоб».
– 103- б.)

Тожикча шеърятидан намуна:

Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,

Сиёҳруй шавам, гар ҳавои Ҳинд кунам.

Хожа Абдуссалом

Хожа Абдуссалом, Ҳасанхожа Нисорийнинг маълумотида бинноан, эл орасида обрўй топган киши эди. Фазилатли инсон бўлиб,

бир муддат вазирлик мансабида ишлаган. Хожа Абдуссалом ҳам зуллисонайн шоир бўлиб, туркий ва форсий тилларида шеърлар битган.

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Бошинга кокул кўйиб, ишк ахлига дом айладинг,
Йўкса, хусн асбоби деб они сараижом айладинг?

Форсий шеърятидан намуна:

Эй камоли давлатат, аз вусмати нуксон барий,
Ва эй замири равшанат, оинаи Искандарий. («Музаққир ул-аҳбоб».
— 234- б.)

Хожа Абдулваҳҳоб

Хожа Абдулваҳҳоб Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб» асарида келтирилган маълумотига караганда, эл орасида обрўй топган киши бўлган. Фазилатли инсон Сулаймонхожанинг ўғлидир. Хожа Абдулваҳҳоб ҳам зуллисонайн шоир бўлиб, туркий ва форсий тилларида шеърлар битган. Ориф тахаллуси билан шеър ёзган.

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Айб этма сўкуб, яфроғдек титраса Ориф,
Ким, ёр фиरोқи елндур боди хазоним.

Форсий шеърятидан намуна:

Орифо, дари ҳақоик бар ориф бикшо,
Ки ахли тақлид на шоистаи ин асрорапд.
(«Музаққир ул-аҳбоб». — 271- б.)

ҲОЖИЛАР РАВЗАСИ

Муҳаммадризо Охунд Муҳйи

Исми – Муҳаммадризо.

Лақаби – Охунд.

Тахаллуси – Муҳйи.

Нисбати – Қандахорий.

Унвони – ҳожи, тож уш-шуаро.

Тож уш-шуаро Муҳйи Ҳожи 1835 йилда Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида дунёга келган, 1911 йилда Андижонда дунёдан кўз юмган. ЗуллISONАЙН шоир туркий ва форсий тилларда ижод қилган. Ҳирот ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Андижон ҳокимининг катта ўғли Насриддинбек унга «Тож уш-шуаро» унвонини берган. У, шунингдек, Ҳожий Муҳйи тахаллусини олган. Муҳйи, асосан, лирик шеърлар ёзган. Ғазалиётида Алишер Навоий, Жомий, Лутфий, Сўфи Аллоҳёр таъсири кўриниб туради. (11-ж. – 203-б.)

ҚОРИЛАР РАВЗАСИ

«Қори» арабча сўз бўлиб, кироат этувчи, ўқувчи маъносини билдиради. Бошқа маънода Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва кироат билан ўқийдиган кишини англатади. Қуръонни ёд билган шоирларни ҳам қори деб аташган.

Қори Қундузий

Исми – Имомали.

Насаби – ибни Султон Муҳаммад.

Тахаллуси – Қундузий, Махфий, Комий

Нисбати – Хўқандий.

Унвони – қори.

Қори Қундузий – Имомали Султон Муҳаммад 1786 йили Афғонистоннинг Қундуз шаҳрида дунёга келган, 1857 йилда Қўқонда вафот этган. Шоир ва тарихчи. Туғма кўр бўлган. Бухорода таълим олган. Ҳофизи Қуръон сифатида танилган. Араб тилининг сарф ва наҳви, фикҳ, ҳадис ва адабиёт илмларини чуқур билган. Амир Умархон тахтга ўтиргач, шоир Қўқонга бутунлай кўчиб келган. Зуллисонайн шоир бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган.

Қорий Қундузий Махфий, Комий тахаллуслари билан шеърлар битган. У, асосан, ғазал, тарих, муаммолар ёзган. Шеърий тарихларини ўзида жамлаган «Таворихи манзума» асари бизгача тўлик етиб келган. Ундан яна «Ҳаллул-фароид» ва «Викоя» асарлари мерос қолган. (11- ж. – 106- б.)

Қори Хўқандий

Исми – Мирмахмуд.
Насаби – Миршамсиддин ўғли.
Лақаби – Мулла.
Тахаллуси – Қори Хўқандий.
Нисбати – Хўқандий.
Унвони – қори.

Қорий Хўқандий – Мулла Мирмахмуд Миршамсиддин ўғли 1820 йилда Қўқонда таваллуд топиб, 1906 йилда Қўқонда вафот этган. Шоир ва хаттот. Ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири. Қўқондаги Норбўтабий мадрасасида таълим олган. Араб, форс тилларини яхши билган. Ҳасан қори домладан қироат илмини ўрганиб, Қуръон ҳофизи унвонига эришган. Шеърларида ҳам Қори тахаллусини қўллаган. Қўқоннинг Хўжанд даҳаси Ғозиёғлиқ маҳалласидаги катта масжидда узоқ йиллар имомлик қилган. Қори Хўқандий ҳам зулусонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. (11- ж. – 109- б.)

Қори Зуфунун

Зуфунун Қори – Абдулмажид Бухорийнинг таваллуд топган йили аниқ эмас, 1903 йилда Бухорода вафот этган. Аҳмад Доғиш шогирдларидан. Лақаби Зуфунун бўлган. Тиб илмини яхши ўрганган. Зулусонайн шоир сифатида ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

ҚОЗИЛАР РАВЗАСИ

«Қози» арабча сўз бўлиб, ҳакамлик қилувчи, ҳукм чиқарувчи маъноларни беради. Мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси. Дастлаб қозиларни Муҳаммад пайғамбар, ундан кейин халифа Умар тайинлаган. Хулафои рошидий даврида қозийлар фақат фуқаролик ишларини кўриб чиқарди, жиноий ишларни ҳал қилиш халифа ёки вилоят ҳокимларининг ваколатига кирар эди. Жавобгар юксак мақом эгаси ва иқтидорли киши бўлганида, унга тегишли иш мазолим қозисига топшириларди. Шикоятлар билан шуғулланувчи бу идорага давлат раҳбари ёки у тайинлаган баобрў киши бошчилик қиларди. Қози мусулмон бўлмаган фуқаролар ишини уларнинг диний китоблари асосида ҳал қиларди. Қозининг ҳукми устидан халифага шикоят қилиш мумкин бўлган.

Бухоро амирлигида ҳар бир бекликнинг ўз қозиси бўлган. Улар қозийи куззотга (қозикалонга) итоат қилар эдилар ва қозикалон томонидан тайинланиб, амир томонидан тасдиқ қилинар эди. Бу мансабга, асосан, дин аҳкомини яхши билган, фикҳ ва шариат қондалиридан яхши огоҳ бўлган шахслар тайинланар эди. Ўзбек ва тожик адабиётида айрим адиблар бир муддат қози вазифаларини бажарган, бинобарин, уларга қози унвони берилган.

Қози Носириддин Рабғузий

Исми – Носириддин.

Тахаллуси – Рабғузий.

Насаби – Бурҳониддин ўғли.

Нисбати – Хоразмий.

Унвонлари: қози, аллома, олим.

Аллома Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар тўлик эмас. Маълумотларга кўра у

Хоразмнинг Работи Ўғуз деган жойидан бўлган экан. Бир муддат шу ерда козилик ҳам қилган. Форс ва араб тилларини мукаммал билган. «Қисас ул-анбиё» форс тилидан Рабғузий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Асар наср билан битилган бўлса-да, унда анча шеърӣй парчалар бор. Мана шу парчаларда Рабғузий ўз тахаллусини ҳам қайд қилиб ўтган.

«Қисас ул-анбиё»дан парча:

Кун ҳамалга кирди эрса, келдӣ олам Наврӯзи,
Кечти Баҳман замҳарир қиш, колмади кори, бузи.

Кун кела минг кўрки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг пазирлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.

Тонг отарда тўрт саридин эснаюр боди сабо,
Кик юрур, киндик йипортек исланур ёбон-ёзи.

Терлиги биқин яғиздин уюғи яшил, кизил,
Ораси бўток, япурғок тўл чечаклар тўп тузи.

Ўрласа йиғлаб булутлар, гул чикар бўстону боғ,
Тол йиғочлар енг солишур, ўйнаюр бек, бой кизи.

Қиршони, киркони энглик ёкса тоғлар сураги,
Тўнгулғи тангсўқ тавардин Рум, Хитай атлас жузи.

Лола сардоқин ичарда сайраб эсрур сандувоч,
Турна ун тортиб ўтарда сакришур боклан қўзи.

Кўкда ўйнаб, қўл солишур, қув, қол, қил қарлуғоч,
Ерда ўйнаб, жуфт олишур ос, тин, қиш, кундузи.

Найшакарлар минбарингда тўти қуш мажлис тутар,
Қумри, булбул мукри бўлиб ун тузар тун-кундузи.

Бир яғиз ер қўк мингизлик яшнаюр майдон бўлуб,
Ўғрашур ойтек чечаклар теғрасинда юлдузи.

Хури нйн учмох ичнингда енг солиб, таҳсин қилур,
Ёз уза мундоғ ғазални айди Носир Рабғузний. (2- ж. – 44- б.)

Қози Солех

Исми – Солех.
Насаби – Мирмуҳаммад ўғли.
Тахаллуси – Солех Қози.
Нисбати – Хоразмий.
Унвони – қози.

Солех Мирмуҳаммад 1455 йили Хоразмда таваллуд топиб, 1535 йилда Бухорода вафот этган. Зуллisonайн шоир, хаттот, муаррих. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Хоразмда таҳсилни бошлаб, Ҳиротда охирига етказган. Абдурахмон Жомийдан таълим олган. Хусайн Бойкаро саройида хизмат қилган. 1499 йилда Шайбонийлар саройига хизматга кирди. Бир муддат Бухорода қозилик, кейин Чоржў ва Нисо шаҳарларида ҳокимлик қилган. Унинг машҳур асари «Шайбонийнома» 4000 минг байтдан иборат бўлиб, ўзбек тилида ёзилган. Унинг форсий ғазаллари баёзларда қолган.

Қози Хумулий

Исми – Жумакул.
Насаби – ибн Тоғай Сўфи.
Тахаллуси – Хумулий.
Нисбати – Ургутий.
Унвони – қози.

Хумулий Ургутий 1776 йили Панжакент туманида таваллуд тошган. 1856 йилда вафот этган. Аввал Панжакентда, кейин

Шаҳрисабздаги мадрасада таълим олган. Хумулий зуллисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида асарлар ёзган. У шоир ва тарихчи сифатида бизга бой мерос қолдирган. Жумладан, «Тарихи Хумулий», «Тарихи манғития», «Шайх Мўсохон Даҳбедийнинг таржимаи ҳоли» каби асарлари мавжуд. (А-н. – 373- б.)

Шеърятидан намуна:

Бу шубҳалиғ замонда бешубҳа мол қанда?
Эй подабони мискин, оши халол қанда?

Мамлу харомдиндур етти фалак табағи
Ерда ҳаюло сўрсанг, дандон ҳилол қанда?

Исён сулукидин пир қолғил демас муридин,
Тоат юкин чекорға зохидга ҳол қанда?

Қоҳил йигит эгордин вақти намоз тоат,
Аммо гунаҳ қилурдин кори малол қанда?

Саййидин хор қилди кизб аҳлини қароси,
Бу юз қаролар ичра рухсори ол қанда?

Фасли ҳасаб юшунди охирзамон элидин,
Охунду хўжа кўптур, мулло жалол қанда?

Хум пирининг Хумулий, дайр ичра бил ғанимат,
Масжид элинда мундоғ соҳибкамол қанда?
(Ганж. Зар. – 430- б.)

Қози Сомий

Исми – Муҳаммад.
Насаби – Абдулазиз.
Тахаллуси – Сомий.

Нисбати – Бухорий.

Ушвони – қози.

Сомий Муҳаммад Абдулазим Бўстоний 1838 йили Бухорода таваллуд топган. 1908 Бухорода оламдан ўтган. Шоир, муаррих. Бухорода таҳсил олган. Бир муддат Бухорода қозилик қилган. Кейинроқ амир Музаффар (хукмронлик даври – 1860–1865 йиллар) даргоҳида муншийлик вазифасини бажарган. Амир Музаффар жанглирида Шаҳрисабз ва Китоб ҳокимлари билан ва Бухоронинг Россияга қарши қилган жанглирида воқеа нигор тарикасида бевосита иштирок этган. Давлат арбоби сифатида 1884–1885 йиллар Бухоро амирининг элчилари ҳайатида Россияга сафар қилган. Аҳмад Дониш ва Садри Зиё билан дўст бўлган. Унинг машҳур асарлари: «Танзеҳ ул-иншо» «Тўхфан шоҳи», «Таърихи салотини манғития» ва «Миръот ул-хаёл» кабилардир. Шоир сифатида ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. (19- ж. – 134- б.)

Қози Бурҳониддин

Қози Бурҳониддиннинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб» номли асарида келтирилган маълумотга биноан XVI асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган шоирлардан бири.

Бир неча вақт Карманада қозийлик қилган. Олижаноб, инсофли инсон сифатида таърифланган.

Муқтадомен деб чиқардинг халқ ичинда яхши от,

Сен дегандек бўлмаса, Холик қошида на ўт. («Музаққир ул-аҳбоб».
– 108- б.)

Қози Муҳиддинхўжа

Исми – Муҳиддинхожа.

Тахаллуси – Қози Муҳиддинхожа.

Нисбати – Тошкандий.

Унвони – қози.

Муҳиддинхўжа 1841 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 1902 йилда Тошкентда вафот этган. Тошкент козикалонининг ўғли. Тошкент ва Бухоро мадрасаларида таълим олган. Тошкентнинг Себзор маҳалласидаги мадрасада дарс берган. Отасининг вафотидан сўнг, 60-йиллар охирида Себзор даҳаси қозиси этиб тайинланган. Кейинроқ Фурқат билан янги ўзбек маърифатпарварлигига асос солишда қатнашган. Себзор даҳасидаги 3-сон мактабни қурдирган ва умрининг охиригача унга нозирлик қилган.

Қози Мирий

Исми – Очилмурод.

Насаби – Неъматулла ўғли.

Тахаллуси – Мирий.

Нисбати – Каттақўрғоний.

Унвони – қози.

Мирий Очилмурод Неъматулла ўғли – 1830 йили Каттақўрғонда таваллуд топиб, 1899 йилда ўша жойда оламдан ўтган шоир. Каттақўрғон ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. Зулхисонаин шоир бўлган. Каллиқўрғон мавзесида қозилик қилган (1888 й.).

Адибнинг «Қиссаи Салим Жавҳарий», «Рустам ва Сухроб», «Мажлиддин ва Фахруннисо» дostonлари, «Гулнома», «Чойнома» каби маснавийлари мавжуд. Фирдавсий «Шоҳнома»си ва Ҳусайн Воизи Кошифийнинг «Анворий Сухайли»сини туркийда назм билан таржима қилган. (11- ж. – 15- б.)

Қози Бехбудий

Исми – Маҳмудхўжа.
Тахаллуси – Бехбудий.
Нисбати – Самарқандий.
Унвони – қози.

Бехбудий Маҳмудхожа 1875 йилда Самарқандда таваллуд топиб, 1919 йилда Қарши шаҳрида оламдан ўтган.

Драматург, публицист, жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракати стакчиларидан бири. 18 ёшида қозихонада мирзолик қилган. Кейинчалик қози ва муфтилик даражасига кўтарилди. Бехбудий ҳаж сафарига борганида Арабистон, Миср, Туркияни кезиб чиққан. Самарқанд яқинида Ажзий ва Шақурийлар билан биргаликда янги типдаги мактаб очган. Уфа ва Қозонга бориб, у ердаги янги мактаб усулларини кўриб келган ва Самарқандда жорий этган. Янги мактаблар учун «Рисолаи асбоби савод», «Рисолаи жуғрофияи умроний», «Мунтахаби жуғрофияи умумий», «Китобат ул-атфол», «Амалиёти ислом», «Тарихи ислом» каби дарслик китобларни нашр этган. (7–8- б.)

Қози Рожий Марғионий

Исми – Хўжажон.
Насаби – Ибни Рожий.
Лақаби – Тоҳир.
Тахаллуси – Рожий.
Нисбати – Марғилоний.
Унвони – қози.

Хўжажон Рожий–Тоҳир, 1834 йили Марғилонда сувоқчи оила-сида таваллуд топган. Мадрасани тамомлагач, жуда хушхат, яхши савод эгаси бўлгани учун қозихонада хат ишларини олиб борувчи

мирзолик ишига тайинланади. Рожий 33 ёшигача шу ишда ишлаб, кейинчалик кози лавозимини эгаллайди. Шоир Рожийнинг лирикаси ҳам, ҳажвий асарлари ҳам бадий таъсирчанлиги, пишиқлиги билан ажралиб туради.

Қози Ғозий

Исми – Муҳаммад.

Тахаллуси – Ғозий.

Нисбати – Қўқандий.

Унвони – кози.

Муҳаммад Ғозийнинг таваллуд топган йили аниқ эмас. XIX асрда Қўқонда таваллуд топиб, Қўқонда вафот этган. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Қўқондаги Мадрасаи Мирда мударрис, кейинчалик кози вазифасида ишлаган. Акмал Хўқандийнинг яқин дўсти. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган шоир. Ғозийнинг тўрт қўлёзма девони бизгача етиб келган. (11- ж. – 235- б.)

МАВЛОНО (МАВЛАВИЙ)ЛАР РАВЗАСИ

«Мавлоно» ёки «мавлавий» сўзи «мавло» сўзидан келиб чиққан бўлиб, хожа, соҳиб, эга, сарвар маъноларини англатади. Мавлоно исломий Шарқда лақаб, иккинчи ном, ёхуд фахрий унвон тариқасида буюк одамларга берилган. Бу унвон IX асрдан бошлаб ўз замонасининг илмларини чуқур ўрганган кишиларга нисбатланган. XII–XIV асрларга келиб тариқат пешволарига, фақиҳлар, муфассирлар, адиблар, воизлар ва меъморларга хурмату эҳтиром тариқасида берилган. XV–XVI асрларга келиб маъно ўзгариб, «жаноб» сўзининг синонимига айланиб қолди. Одамлар бу даврда бир-бирларига мурожаат тариқасида ишлатганлар. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий, Али Сафий, Восифий, Хондамир, Соммирзои Сафавий, Нисорий ва бошқалар ўз асарларида кўпгина адибларни ушбу унвон билан тилга олганлар. XVII–XIX асрларга келиб бу унвон камистеъмол бўлиб, уни ўрнига «мулло» сўзи пайдо бўлган.

Мавлоно Лутфий

Исми – Лутфиддин.
Тахаллуси – Лутфий.
Нисбати – Ҳиротий.
Унвони – мавлоно.

Мавлоно Лутфий ўзбек адабиёти тарихида ғазал жанрининг энг улуғ намояндаларидан биридир. Шоирнинг таваллуд тошган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан XIV асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган адибдир. Лутфий ёшлигидан бошлаб ўз замонасининг илмларини, хусусан, форс-тожик ва араб адабиётини чуқур ўргана бошлаган. Шоирнинг Улуғбек билан дўстлик алоқаси бўлган экан. Лутфий бир муддат саёҳатта чиқиб, Олтин Ўрдага боради ва Қрим, Корабоғ, Озарбайжонни саёҳат қилиб келган. Алишер Навоий «Мажolis ун-нафоис» аса-рида Лутфий ҳақида бундай ёзади: «Мавлоно Лутфий ўз замони-

нинг малик ул-каломи эрди; форсий ва туркийда назари йўк эрди; туркийда шухрати кўпроқ эрди». Шоирдан бизга «Гул ва Наврўз» деган асари мерос қолган.

Шеърларидан намуна:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Кондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Хижрон кечаси чархи фалакка етар, эй мох,
Охи сахарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳаққоки килич келса бошимга эшикидин,
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Усрук кўзунг ашколига ҳар гаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сениз,
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзунга кўз солгани ўзга киши бирла,
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишк ўтида Лутфий юзи олтуни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма. (2-ж. – 99- б.)

Мавлоно Саккокий

Мавлоно Саккокийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маибалар маълумотларига биноан, XIV асрнинг охири–XV асрнинг бошларида яшаб ижод қилган адибдир. Шоир Саккокий ўзбек классик лирикасининг, хусусан, қасида жанрининг тараққиёт йўлини белгилаб берган забардаст устозлардан биридир.

Саккокий ўз ғазалларида ҳам дунёвий ғояларни улуғлаб, ўзбек шеър санъатини анча юқорига кўтарган. Шунинг учун ҳам

Самарқандда унинг шоирлик шуҳрати кенг тарқалган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис асари»да унинг тўғрисида: «Мавлоно Саккокий Мовароуннаҳрдандур. Самарқанд аҳли анга кўп мутаъқиддурлар, бағоят таърифи қилур», – деб ёзади.

Шеърларидан намуна:

Юзунгни кўрса қилур гул ўзини юз пора,
Хўтан ёзисида оху кўзингдин овора.

Кўнгул шакар бикин оғзинг кўруб адам бўлди,
Айтмадинг бир оғиз эй фақири ҳеч қора.

Бале бу ранжу балони мен ихтиёр этдим,
Ўзумга ишни ўзум қилдим, эмди не чора.

Кўзум ёшимга назар қил кўнгул бўлур равшан,
Эй сарви ноз оқар сувга қилса наззора.

Бу ёш қатраларин кўр юзум уза ғалтон,
Мунинг бикин юрумас ҳеч фалакта сайёра.

Кечау кундуз ишим йиғламоқ, кучум зори,
Ғамидин ўзга киши йўқ қошимда ғамхора.

Кўзунг балоси била жонга тегди Саккокий,
Дағи не қилғуси билмон ахир ба макқора? (2-ж. – 123- б.)

Мавлоно Атойи

Атойининг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XV асрнинг биринчи ярмида Сайрамда дунёга келган. Атойи ўзбек мумтоз адабиётининг юксалишига катта ҳисса қўшган адиблардан биридир. Шоир насаб жиҳатидан Аҳмад Яссавийга қариндошлиги бор. Атойи ижодининг барқ урган даври Осийнинг маданий марказларидан Самарқанд, Ҳирот ва Балх шаҳарларида бўлган. Унинг қабри Балх

шахридадир. Атойи ғазал жанрида ишлаган лирик шоирдир. У ғазалчиликда Лутфийнинг қобилиятли шогирди саналган. Ундан бизгача девони етиб келган.

Шеърларидан намуна:

Ул санамким, сув ёқосинда паритек ўлтурур,
Ғояги нозукдугиндин сув била ютса бўлур.

То магарким Салсабил обина жавлони кила,
Келди жаннат равзасидин оби Кавсар сори хур.

Ул иликким сувдин ориқтур, юмас они суда,
Балки сувни пок бўлсун деб илиги бирла юр.

Эмди билдим рост эрмиш, балки кўрдум кўз била,
Улди дерлар сувкизи гаҳ-гоҳ кўзга кўринур.

Қошларинг ёсин Атойи кўргали хусн ичра тоқ,
Субҳидам меҳробларда сураи Ёсин ўқур. (2- ж. – 140- б.)

Мавлоно Ҳайдар Хоразмий

Исми – Ҳайдар.

Тахаллуси – Ҳайдар Хоразмий.

Нисбати – Хоразмий.

Унвони – мавлоно.

Мавлоно Ҳайдар Хоразмий XIV асрининг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярмида Хоразмда туғилиб, яшаб ижод қилган адиблардан. Хоразмий турикигўй адиблардан бўлиб, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Саккокий, Атойи, Амирий, Гадоий, Лутфий каби сўз санъаткорлари сингари ўзбек дунёвий адабиётининг таракқиётига муносиб хисса қўшган адибдир. Унинг «Гулшан ул-асрор» номи фалсафий-дидактик достони машхур. Давлатшоҳ

Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» асарида Хоразмий ҳақида бундай ёзади: «Султон Искандар даврида Мавлоно Ҳайдар каби фозил кишилар бўлган экан. Мавлоно Ҳайдарнинг форсий ва туркийда битилган нафис ва гўзал ашъорлари мавжуд, шу билан бирга, у Шайх Низомий «Махзан»ига туркий тилда жавоб айтган».

Шеърларидан намуна («Гулшан ул-асрор»дан):

Умр чу қатъ этти адам манзили,
Сўзга рақам урди қаламнинг тили.

Сўз гуҳари билгучи саррофи роз,
Бўлди билиг натъида мансуби боз.

Жилва қилиб сўз насақи ичра завқ,
Шавқу талаб бўйни уза солди тавқ.

Ишқ бу хангомада урди нидо,
Ғайбу шаҳодатқа ёйилди садо.

Илму маҳал тобтию, килди зухур,
Шуъла уриб партавидин солди нур.

Қут ичида неким эрди ниҳон,
Барча бу қудрат била бўлди аён.

Солди адад сояи такрорини,
Сифрға топшурди ўз изҳорини.

Бўлди адад сифр ўти ломии,
Сифр бўлиб жиғр эвининг жомии.

Нукта билан нукта топиб имтизож
Қўйди алиф фарқина шоҳона тож.

Тушгач алиф қоматининг сояси,
Топти ҳам ул сояни ҳамсояси.

Мавлоно Мажлисий

Тахаллуси – Мажлисий.

Нисбати – Хоразмий.

Унвони – мавлоно.

Мавлоно Мажлисийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. ЗуллISONАЙН шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Манбалар маълумотларига биноан, XVI асрнинг биринчи ярмида Хоразмда яшаб ижод қилган адибдир. Ҳасанхўжа Нисорий ўз тазкираси «Музаққир ул-аҳбоб»да бундай ёзади: «Мавлоно Мажлисий хушсухбат, мажлисларни кизитувчи киши эди, кўп яхши шеърлари ва сўзлари бордир. Унинг касидалари латиф ва гўзалдир». Мажлисийнинг шеърлари **Захириддин Бобур**-га ҳам маъқул бўлган. Мажлисийдан биргина мерос қолган асарини «Қиссаи Сайфулмулк»дир. (3- ж. – 58- б.)

Мавлоно Ҳожи Абулҳасан

Исми – Абулҳасан.

Лақаби – Ҳожи.

Тахаллуси – Ҳожи Абулҳасан.

Унвони – мавлоно.

Мавлоно Ҳожи Абулҳасаннинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир.

Шеърларидан намуна:

Келибтур ул гул-у, бир хафта туруб борадур,

Бу ўт кўнгулга тушуб, жонни куйдуруб борадур. (Нав. 9- ж. – 305- б.)

Мавлоно Қутбий

Тахаллуси – Қутбий.

Унвони – мавлоно.

Мавлоно Қутбий – Султон Масъуд Мирзо мулозимининг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир. Зуллисонайн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Гунча гар нисбат қилур ўзиға дилдор оғзини,

Эй, сабо ели, тўла қон айла зинҳор оғзини. (Нав. 9- ж. – 305- б.)

Мавлоно Наимий

Исми – Наим.

Тахаллуси – Наимий.

Унвони – мавлоно.

Мавлоно Наимий Мавлоно Қутбийга яқин кишилардан бўлган. Унинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир.

Шеърларидан намуна:

То адамдин бўлди пайдо мунчаким ҳусну жамол,

Сен паривашдек яратмабдур башардин зулжалол. (Нав. 9- ж. – 305- б.)

Мавлоно Тархоний

Тахаллуси – Тархоний.

Унвони – мавлоно.

Мавлоно Тархонийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Шеърларидан намуна:

Тушгани банд ичра бўлдум ул пари девонаси,
Кўк саро фонусдур ул шам-у, мен парвонаси. (Нав. 9- ж. – 294- б.)

Мавлоно Яқиний

Тахаллуси – Яқиний.
Унвони – мавлоно.

Мавлоно Яқинийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили номаълум. Манбалар маълумотларига биноан XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир.

Шеъриятидан намуна:

Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд,
Сендин ўзга вужудда не вужуд. (Нав. 9- ж. – 333- б.)

Мавлоно Муқимий

Тахаллуси – Муқимий.
Нисбати – Ҳиротий.
Унвони – мавлоно.

Мавлоно Муқимий Ҳирот шаҳридан. Дарвешмашраб киши эди. Тасаввуфий истилоатлардан ҳам хабари бор эди. Таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV–XV асрларда яшаган. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Ўзбекча шеърларидан намуна:

Охким жонимга еттим ёри нодон илгидин,
Доду фарёд ул жафочи офати жон илгидин.

Форсий шеъриятидан намуна:

Субхеки дам ба меҳр назад як нафас туйи,
Нахле, ки бар намехӯрад аз ҳеч кас, туйи. (Нав. 9- ж. – 332- б.)

Мавлоно Камолий

Исми – Камолиддин.
Тахаллуси – Камолий.
Нисбати – Балхий.
Унвони – мавлоно.

Мавлоно Камолий Балх ахлидан. Таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир.

Шеърларидан намуна:

Ирнинг қулидур найшакар, эй жон, бели боғлиқ,
Гул доғи юзинг бандасидур тўни ямоғлиқ. (Нав. 9- ж. – 333- б.)

Мавлоно Латифий

Исми – Абдулатиф.
Тахаллуси – Латифий.
Унвони – мавлоно.

Мавлоно Латифийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир.

Шеърларидан намуна:

Гаҳ оқар, гаҳ томар лабинг шақари,
Бизга тегмасму ҳеч оқар томари. (Нав. 9- ж. – 333- б.)

Мавлоно Билол

Исми – Билолиддин.

Тахаллуси – Билол.

Унвони – мавлоно.

Мавлоно Билолнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир. Зуллisonайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Шеърларидан намуна:

Жону кўнглумни жафо ўти била куйдурдингиз,
Ўйлаким, кул бўлдум-у, мендин кўнгул тиндурдингиз. (Нав. 9- ж. – 335- б.)

Мавлоно Осафий

Тахаллуси – Осафий.

Унвони – мавлоно.

Мавлоно Осафийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан XIV–XV асрларда таваллуд топиб, яшаб, ижод қилган адибдир. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Ўзбекча шеърларидан намуна:

Юз балолар кўрдум, ул ороми жондин кўрмадим,
Икки кўзимдин ёмонлик кўрдум, ондин кўрмадим. (Нав. 9- ж. – 340- б.)

Форсий шеърятидан намуна:

Нарехт дурди май мухтасиб зи дайр гузашт,
Расида буд балос, вале ба хайр гузашт.

Мавлоно Шавқий

Тахаллуси – Шавкий.

Унвони – мавлоно.

Мавлоно Шавқийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига кўра, XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир. Зуллисонайн шоир, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Форсий шеърларидан намуна:

Бо ғайр дидамат ба сухан кушт он маро,
Лабро чу бастий аз сухан, осуд жон маро.

Ўзбекча шеърларидан намуна:

Бориб овора кўнглум зулфишг ичра мубтало колди.

Тараххум килки, мендин, борди-ю, эмди санга колди. (Нав. 9- ж. – 345- б.)

Мавлоно Зиё

Исми – Зиёмуддин.
Тахаллуси – Зиё.
Нисбати – Табризий.
Унвони – мавлоно.

Мавлоно Зиё Табриз шаҳрида яшаган. Таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган. Зуллисонайн шоир ўзбек ва тожик ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

Ўзбек тилидаги шеърятидан намуна:

Эй дардкашлар, бодадин холи бўлуптур юртингиз,
Нотутқали ғамхонадин барғўша сиз, барғўша биз. (Нав. 9- ж. – 346- б.)

Форсий тилидаги шеърятидан намуна:

Ажаб набвад агар парвона имшаб тарки жон карда,
Ки бинад нахли умри шамъ бунёди хазон карда.

Мавлоно Мажнуний

Тахаллуси – Мажнуний.
Унвони – мавлоно.

Мавлоно Мажнуний Балх шаҳрида таваллуд топган. XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир.

Шеърларидан намуна:

Моҳи тобоним иситти, қилди бағримни кабоб,
Ой эди, эмди хароратин бўлуштур офтоб. (Нав. 9- ж. – 361- б.)

Мавлоно Гадоий

Тахаллуси – Гадоий.

Унвони – мавлоно.

Мавлоно Гадоийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига караганда, XIV–XV асрларда Бобур Мирзо даврида яшаб ижод қилган.

Шеърятидан намуна:

Охким, девона кўнгулм мубтало бўлди яна.

Бу кўнгулнинг илгидин жонга бало бўлди яна. (Нав. 9- ж. – 366- б.)

Мавлоно Ҳофиз Хоразмий

Мавлоно Ҳофиз Хоразмий – Абдурахимнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга караганда, XIV иккинчи ярмида Хоразмда туғилиб, XV асрининг иккинчи ярмида Шерозда вафот этган. Эски ўзбек тили ривожига катта ҳисса қўшган. Ёшлиги Хоразмда кечган. Кўп шаҳарларга саёхат қилган. Ҳофиз Шерозийнинг мухлиси бўлган, унинг ижодига ҳурмат билан қараган ва шунинг учун ўзига «Ҳофиз» тахаллусини қабул қилган.

Шеърларидан намуна:

Ҳофизни кўрунг ушбу замон турк тилинда,

Гар келди эса Форсда ул Ҳофизи Шероз.

Мавлоно Ҳофиз Хоразмий туркий тилда бой адабий мерос қолдирган. (11- ж. – 381- б.)

Хувайдо

Хувайдо – Хўжаназар Ғойибназар ўглининг таваллуд топган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, Ўш шаҳрида таваллуд топган. Кейинроқ Фарғона вилоятининг Чимён қишлоғида муқим бўлиб, 1780 йилда Чимёнда вафот этганлиги хақида маълумот бор. Шоир, тасаввуф шеърятининг йирик вакили. Қўқон мадрасаларида ўқиган. Отаси Ғойибназар Сўфи Қашқардаги Офокхўжа эшоннинг муридларидан бўлган. Чимёнда масжид ва мадраса курдириб, эшонлик қилган. Хувайдо мумтоз шеърятнинг деярли барча жанрларида ижод этган. Шеърлари халқ орасида машҳур бўлган. Бизгача унинг «Девони Хувайдо» номли асари етиб келган. (11- ж. – 383- б.)

Шеърларидан намуна:

Дарди йўқ бедард кишилар дард қадрин на билур?
Дунёда номард кўпдур, мард қадрин на билур?

Заъфарон бўлди чиройим ёр учун, эй дўстлар.
Билмаганлар бу чиройли зар қадрин на билур?

Жон узуб жонни улодим коқули жононаға,
Раҳми йўқ бефаҳмлар пайванд қадрин на билур?

Оз эрур жононаға сарф айласам ман молу жон,
Қилмаган нодон киши жўмард қадрин на билур?

Йиғлади ҳарчанд Хувайдо, билмади эл қадрини,
Тушмаган дарде бошиға дард қадрин на билур? (Ўз. ад. 3- ж. – 383- б.)

Мавлоно Воқифий

Мавлоно Воқифий, Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб» асари маълумотларига кўра, Марв ахлидан экан. Туркий тилда шеърлар ёзган.

Шеърятидан намуна:

Ул ой парвона янглиғ куйганимни билмади ҳаргиз,

Назар шамъи била кўнглумни равшан қилмади ҳаргиз. («Музаққир ул-аҳбоб». –144- б.)

Мавлоно Боқий

Мавлоно Боқий, Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб» асаридаги маълумотларига кўра, туркий тилда шеърлар ёзган.

Шеърятидан намуна:

Ишқ аҳли аро мендек ғам шефтаси камдур,

Мажнун менинг олдимда бир Аҳмади беғамдур. («Музаққир ул-аҳбоб». – 148- б.)

Мавлоно Фазоий

Мавлоно Фазоий, Навоийнинг айтишича, Мавлоно Бақоийнинг ўғли. Мавлоно Фазоий ҳам зуллисонайн шоир бўлиб, форсий ва туркий тилларда шеърлар ёзган.

Ўзбек тилидаги шеърятидан намуна:

Юз шукрки, ҳар беғам ила ҳамдам эмасмен,
Ишқинг ғамидин шодман-у, беғам эмасмен.

Тангрики мени айлади масжуди малойик,
Бу қадрни гар англамасам, одам эмасмен.

Ўзимни жунун силсиласидан десам, ул йўк,
Ваз ахли хираддин санасам, ул ҳам эмасмен.

Дайр ичра мени пири муғон айлади маҳрам,
Зоҳид каби ул базмда номаҳрам эмасмен.

Мажнунча менинг телбалигим бор, Боқий,
Ортуқроқ агар бўлмаса, ондин кам эмасмен.

(«Музаққир ул-аҳбоб». – 190- б.)

Форсий тилидаги шеърларидан намуна:

Маскан шуда кўчаи маломат моро,
Раҳ нест ба водийи саломат моро.
Дарвешонем, тарки олам карда,
Ин аст тариқ то қиёмат моро.

Мавлоно Фурқат

Исми – Зокиржон.
Тахаллуси – Фурқат.
Нисбати – Қўқандий.
Насаби – Холмуҳаммад ўғли.
Унвони – мавлоно.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли 1858 йили Қўқон шаҳрида майда савдогар оиласида таваллуд топган. Зокиржон Фурқат 1909 Ёр-кент шаҳрида ғарибликда оламдан ўтган. Бошланғич маълумотни Қўқонда олади. У болалик чоғидаёқ Алишер Навоий асарларини мароқ билан ўргана бошлаган. Шарқ адабиётининг порлоқ сиймоларидан Ҳофиз Шерозий, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Фузулий асарларини ўқиб тарбияланади. Турмуш қийинчилиги

туфайли 17 ёшида ўқишини ташлаб, Марғилонга тоғаси олдига бориб, унинг дўконига хизмат қилишга мажбур бўлади. 1882 йилда Қўқонга қайтиб келиб, Муқимий ва Завқийлар билан яқиндан танишади, шу даврдан кейин унинг ижодида демократик оҳанглар пайдо бўлади. 1889 йилда Тошкентга келиб, Қўқалдош мадрасасида икки йил яшайди. Тошкентда ҳам тинчлик тополмай Самарқандга боради, кейинроқ Туркия, Арабистон, Ҳиндистон мамлакатларини кезиб, Қашғарга ўтади ва Ёрқентда турғун бўлиб яшайди.

Шоирнинг ғазалларидан намуна:

Тушуб бошимга қулфат лаҳза-лаҳза,
Чекармен ранжу ҳасрат лаҳза-лаҳза.

Нетай, бермас амон даврон жафоси.
Магар ғам бўлди қисмат лаҳза-лаҳза.

Бало дайрида ҳижрон соқисидин,
Ичармен жоми ҳасрат лаҳза-лаҳза.

Нетай, жавридин ўлса рўзи равшан,
Кўзумга бўйла зулмат лаҳза-лаҳза.

Сиришким ўрнидин эзган жигарлар,
Оқар соат ба соат лаҳза-лаҳза.

Ғами ҳижрон ҳужум айлаб дамодам,
Чекар тиғи балият лаҳза-лаҳза.

Мақомим бўлди сахро лола янглиғ,
Юракда доғи Фуркат лаҳза-лаҳза.

(3- ж. – 335- б.)

Исми – Муҳаммадумар.

Насаби – Қори Незъматулло ўғли.

Лақаби – Ҳавоий.

Тахаллуси – Умидий.

Нисбати – Марғилоний.

Унвони – мавлоно.

Муҳаммадумар Умидий Марғилоний Қори Незъматулла Охунд ўғли 1835 йили Марғилонда таваллуд топган, 1905 йилда Марғилонда вафот этган. Шоир, тарихчи. Фурқат ва Муқимийлар билан яқиндан ижодий ҳамкорлик қилган. Унинг адабий мероси кичик ҳажмдаги лирик ва сатирик шеърлар ҳамда эпик дostonлардан иборат. Умидийнинг «Маснавийи Умидий», «Девони Умидий», «Кажкули Қаландарий» назму наср усулида ёзилган хикоятлар, афсоналар, ривоятлар тўпламидир. (Ўз. энц. 9- ж. – 92- б.)

МУЛЛОЛАР РАВЗАСИ

«Мулло» сўзи луғатларда: 1) дин олими, мадраса домуллоси; 2) кўп билувчи, олим маъноларини билдиради.

XVII–XIX асрларга келиб мавлоно унвони камистеъмол бўлиб, унинг ўрнига «мулло» сўзи пайдо бўлган.

Ўзбек адабиёти тарихида мулло унвонини олган машхур шоирлар куйидагилардир:

Мулло Мусо Сайрабий

Исми – Мусо.

Насаби – Ибни Мулло Исохожа.

Тахаллуси – Мусо Сайрабий.

Нисбати – Сайрабий.

Унвони – мулло.

Мулло Мусо ибн Мулло Исохожа Сайрабий 1836 йили Туркистоннинг Сайрам туманида туғилган. Шоир 1917 йилда Туркистонда оламдан ўтган. Тарихчи, давлат арбоби, мударрис, адиб ва шоир уйғур олими Мулла Усмон Охунддан Қуръон, ҳадис, тарих, адабиёт, илми нужум, араб ва форс тилларини ўрганган. Шоир Мулла Мусо, Бола Мулла, Сайрабий тахаллуслари билан шеър айта бошлаган. Адибдан бизгача унинг «Тазкират ул-авлиё фи мифтоҳ ул-имон», «Дар баён ул-асҳоб ул-Каҳф», «Тарихи Амения», «Девони маснавий» каби тарихий асарлари мерос қолган. (11-ж. – 155- б.)

Мулло Жоний

Жоний – Мулло Курбоннинг таваллуд топган ва вафот этган йиллари аниқ эмас. Манбалар маълумотларига кўра, XVIII аср-

нинг иккинчи ярми–XIX асри биринчи ярмида Бухорода яшаб ижод қилган. Шоир ҳаётига оид маълумотлар кам, бироқ девони бизгача етиб келган.

Шеърятидан намуна:

Турди бўстон сайрига сарви хиромон силкиниб,
Қилди пояндоз гул баргин гулистон силкиниб.

Кулгусидин гул сочинб, кизлар билан нозин кўруб,
Панжасида зарларин гул қилди эҳсон силкиниб.

Зулф бирлан ўйнабон атрдин анбар тўқканин,
Сунбул они кўрди-ю, бўлди паришон силкиниб.

Гунча гуфторни кўруб чирманди ҳазро пардаға,
Сарв рафторин эшитиб, қолди ҳайрон силкиниб.

Ҳар ким ўз гулрўйига маҳв эрди, Жоний, бил они,
Гул юзин кўрди-ю, булбул қилди афғон силкиниб. (Ўз. ад. – 688- б.)

Мулло Маъдан

Исми – Одинамуҳаммад.

Тахаллуси – Маъдан.

Нисбати – Понғозий.

Насаби – Авазмуҳаммад.

Унвони–мулло.

Одинамуҳаммад Маъдан Понғозий 1762 йили ҳозирги Суғд вилоятининг Понғоз кишлоғида таваллуд топган.

Отаси Авазмуҳаммад ҳам саводли одам бўлган. Маъдан саводини ўз кишлоғида чиқариб, кейин Пунукка бориб, Муҳаммадамини Косоний хузурида таълим олган.

Маъдан ҳам зулисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Ўзбекча шеърларидан намуна:

Ғазал

Бода тут, сокий, раҳи майхона кўргузгил манга,
Барки истиғнойи ишрат ёна кўргузгил манга.

Чархдин ком истамак эрмас бани одамга қурб,
Муттакойи ишқдин афсона кўргузгил манга.

Водийи хижрона чеккан ранждин ўлма малул,
Сухбати чуғз истарам, вайрона кўргузгил манга.

То нузул ўлдум, қадахдин дайр аро бўлдум хумор,
Сокиё, раҳм айлагил, паймона кўргузгил манга.

Катраи ашқимни тўфони жунунсоз айлагил,
Маърифат дарёсидин дурдона кўргузгил манга.

Шоми хижрон узра кўнглум зоҳири эрмиш хомуш,
Шохсори субҳдин уйғона кўргузгил манга.

Ҳар қачон базм аҳлидин қатъи тааллуқ айларам,
Бори ғамдин соғари риндона кўргузгил манга.

Ишқдур, Маъдан, рафиқим вақти ғам туғёнида,
Пайкарим урёни ғам парвона кўргузгил манга.

(А-н. – 118- б.)

Тожикча шеърларидан намуна:

Омад шабе дар кулбаам, гуфтам ҳазорон марҳабо,
Чидам губори мақдамаш, бар дида кардам тўтиё.

Шамъе зи оҳ афрӯхтам, парвонаосо сӯхтам,
Бар анжуман омӯхтам таъдили аркони вафо.

Бунёди ҳасти то адам кардам нисори ҳар қадам,
Ин ҳар ду гетиро ба ҳам судам ба санги осие

Ҳар жо нишастам сӯхтам, бо дарду ғам пардохтам,
Худро магар нашнохтам, аз шеваи нашъупамо.

Маҳфилфароз аз ҳайратам, восӯхт доғи кулфатам,
Базми чароғи зулматам, чун субҳи козиб безие.

Хусне, ки дар Мисри тараб овоза дорад бар лақаб,
Омад ба бозори талаб нақди ду олам дар бақо.

Маъдан, арӯси табъи ман дорад паси оина тан,
Вақти тақозои суҳан рӯ баркушояд аз қафо.

Мулло Акмал

Исми – Акмал.

Лақаби – Шермуҳаммад.

Тахаллуси – Акмал.

Нисбати – Хўқандий.

Унвони – мулло.

Акмал Хўқандий – Мулла Шермуҳаммад, XVIII асрнинг биринчи ярмида Хўқандда таваллуд топиб, тахминан 1810 йили

Фарғонада вафот этган. Ўзбек шоири. Махмурнинг отаси. Қўқондаги мадрасаи Мирда мударрислик қилган. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. «Баёзи Муҳалло», «Армуғони Хислат»га кирган асарлари бизгача етиб келган.

Мулло Салоҳиддин Тошкандий

Исми – Салоҳиддин.

Тахаллуси – Тошкандий.

Нисбати – Тошкандий.

Унвони – мулло.

Мулло Салоҳиддин Тошкандий ибни Мулло Алоуддин Хожа XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг биринчи ярмида Тошкентда яшаб ижод қилган адиблардан. Ҳаётига доир маълумотлар деярли сақланмаган. «Темурнома» асари етиб келган. Асарда 500 дан ортиқ тарихий шахслар номи тилга олинган. Айрим мумтоз шоирларнинг шеърларидан намуналар берган. (Ўз. энц. 7- ж. – 450- б.)

Мулло Сўфи

Исми – Сўфи.

Насаби – Муҳаммад ўғли.

Лақаби – Илёс.

Тахаллуси – Сўфи.

Нисбати – Гурланий.

Унвони – мулло.

Мулло Сўфий Илёс Мулло Муҳаммад ўғли 1860 йили Гурлан туманида таваллуд топиб, 1918 йилда Хива шаҳрида оламдан ўтган. Шоир, демократик йўналишдаги адабиёт вакили. Хива ва

Бухоро мадрасаларида тахсил олган. 40 ёшида мадрасани тугатган. Талабалик давридаёқ шоир сифатида танилган. Кўп саёҳат қилган. Унинг «Устоз», «Мударрис», «Дарс», «Ҳайф» асарлари тасаввуф йўналишига қаратилган. (Ўз. энц. 8- ж. – 202- б.)

Мулло Шавқий

Исми – Шамси.

Насаби – Мулло Хусайн ўғли.

Тахаллуси – Шавқий.

Нисбати – Тўрақўрғоний.

Унвони – мулло.

Мулло Шамси Мулло Хусайн ўғли 1805 йили Тўрақўрғонда таваллуд топиб, 1889 ўша ерда оламдан ўтган. Зуллисонайн шоир. Шоирнинг «Девон»и ўзбек ва тожик тилларидаги шеърларидан таркиб топган. «Паришонлар», «Зебо», «Ишқ сайли» унинг асарларидир. Унинг «Жомеъ ул-ҳаводис», «Пандномаи Худоёрхон» каби дostonлари ҳам бор. (Ўз. энц. 9- ж. – 676- б.)

Шеърятидан намуна:

Мустахзод

Давлат тиласанг Ҳақдин, адаб риштасин ушла,	
	давлат анга пайванд,
Ҳеч зийнат эмас сурати зебоға адабча,	
	дарк айлама зинҳор.
Аҳдингни бузуб қавлингга ёлғон суҳан олма,	
	ҳурмат талаб эрсанг,
Бўлмас бу икков аҳли малоҳат зарифиға,	
	албатта. сазовор,
Гар Шавқий сўзи келса малол сенга, аё маҳ,	
	мазмунда сўз бор.

(А-н. – 388- б.)

Мулло Васлий

Исми – Саидахмад.
Тахаллуси – Васлий.
Нисбати – Самарқандий.
Унвони – мулло.

Мулло Саидахмад 1869 йили Самарқандда таваллуд топиб, 1925 йили Самарқандда вафот этган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент мадрасаларида таҳсил олган. Бухорода мударрислик қилган. Зуллisonайн шоир, асарларини ўзбек ва тожик тилларида ёзган. Унинг «Армуғони дўстон» ва «Тухфат ул-аҳбоб» номли девонлари нашр этилган.

Мулло Афқар

Исми – Муҳаммадхожа.
Тахаллуси – Афқар.
Нисбати – Бухорий.
Унвони – мулло.

Мулло Муҳаммадхожа Бухорийнинг таваллуд топган ва вафот қилган йиллари аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг биринчи ярмида Бухорода яшаган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Зуллisonайн шоир тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. «Хамса ашара» номли маснавий ёзган.

Мулло Мискин

Ғулом Халил Мулло Қўшоқ Мискин 1880 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1937 йили Тошкентда вафот этган. Мис-

кни Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасида таҳсил олган. Мискин ўзбек адабиёти тарихида маърифатпарвар ва лирик шоир сифатида ўз ўрнини эгаалаган. (А-н. – 324- б.)

Шеърларидан намуна:

Йиғламай найлай бу кун, девонадурмен, айрилиб,
Сабру хушу ақлдин бегонадурмен, айрилиб.

Волау шайдо бўлуб, айлар ишимни билмайин,
Телбалардек халқ аро мастонадурмен, айрилиб.

Сийна чоку, дийда ғамноку паришон хол ўлуб,
Жон хазин, хотир ғамни гирёнадурмен, айрилиб.

Фурсатим гўё бир ою соатим бўлмишки йил,
Бу жудолит дардиға хайронадурмен, айрилиб.

Хотирим вос-вос ўлуб, сўзлар сўзум беҳуд-ғалат,
Элга мундоғ кулку ҳам афсонадурмен, айрилиб.

Оҳким, сен бирла юрганда эдим бир подшоҳ,
Найлай, энди бекасу ғамхонадурмен, айрилиб.

Нола айлармен куюб, хажрингни оташгоҳида,
Кеча-кундуз Мискини сўзонадурмен, айрилиб.

Мулло Ҳайратий

Исми – Ҳошим.
Лақаби – Сиддик.
Тахаллуси – Ҳайратий.
Нисбати – Солих ўғли.
Унвони – мулло.

Мулло Ҳошим Сиддиқ Солиҳ ўгли Ҳайратий 1870 йили Шаҳрихонда таваллуд топган. 1963 йили Янгийўлда вафот этган. Ёшлигидан уни мактабдорлик қилувчи амакиси Мулло Жалил ўз тарбиясига олиб, хату савод ўргатган. Ўзбек ва форс-тожик классикларининг асарларини кунт билан ўрганган. Оразий билан акиндан таниш бўлган. (А-п. – 433- б.)

Шеърларидан намуна:

Ишқ савдосида доим масканим майхоналар,
Бир пучак пулга сотарман масжиду бутхоналар.

Мохрўйлар юзлари гулдек очилган то саҳар,
Базм аро даврон этар оқу қизил паймоналар.

Масканим майхона бўлди, улфатим махмурлар,
Саждагоҳим тоқи абрўи пари жононалар.

Нася жаннатнинг шароби менга, зоҳид, мақтама,
Дайр аро кўргил бориб гулгун кабо гулмоналар.

Бир пиёла май қилур ғам хонасини тор-мор,
Юмшатиб мойил қилур, бўлса дили сандоналар.

Аҳраманлардан батар ағёрдан безорман,
Юргизар эл ўртасида асли йўқ афсоналар.

Ҳайрато, бир йўқлабон келса нигорим олдима,
Хўп тўйиб хусниға қонгайди дили сўзоналар.

(А-п. – 435- б.)

Мулло Юсуф Сарёмий

Исми – Юсуф.

Насаби – мулла Абдушукур ўғли.

Тахаллуси – Сарёмий.

Нисбати – Сайраамий.

Унвони – мулло.

Юсуф Сарёмий – Юсуф мулла Абдушукур ўғли 1840 йили Сайрамда таваллуд топган. 1921 йилда ўша ерда вафот этган. Бухоро ва Тошкент мадрасаларида тахсил олган. Шоир шеърлари ҳаётлигида «Баёз», «Армуғони Хислат», «Баёзи Муҳалло», «Баёзи Ҳазиний» каби баёзларга киритилган. (10- ж. – 347- б.)

Мулло Ғарибий

Исми – Умрзоқ.

Насаби – Абдували ўғли.

Тахаллуси – Ғарибий.

Нисбати – Ғарғоний.

Унвони – мулло.

Ғарибий асл исми Мулла Умрзоқ Абдували ўғли 1887 йили Ғарғона шаҳрида таваллуд топиб, 1981 йилда Ғарғонада вафот этган. Зуллисонайн шоир. Хувайдо шажарасидан. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Ҳиротлик Ислоҳ шайх пири муршиди тарикатида бўлган. Ота касби гилкорлик бўлган. Ғарибий ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Шоир Ғарибий, Мухбир, Шухрат тахаллуслари билан ижод қилган. Шоирнинг Девони, Баёзи, шеъррий тўпламлари қўлёзма ҳолда бизгача етиб келган. (11- ж. – 225- б.)

Мулло Исомиддин

Исми – Исомиддин.

Насаби – Шарофиддинов.

Лақаби – Табиб.

Тахаллуси – Ором.

Нисбати – Понғозий.

Унвони – мулло.

Мулло Исомиддин 1910 йили ҳозирги Суғд вилоятининг Ашт туманида мулло Шарофиддин оиласида таваллуд топиб, 1977 йили ўз қишлоғида оламдан ўтган. Дастлабки маълумотни Понғоздаги рус-тузем мактабида олган. Ўрта Осиё институтининг тарих ва география факультетини битирган. Бутун иш фаолияти маориф соҳасида ва охирги 25 йиллик фаолияти мактаб директорлиги бўлган. Зулнисонайн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Унинг «Меҳррезаҳои Ором» ва «Фараҳангез» шеърлар тўплами чиққан.

Шеърларидан намуна:

Эй ёри гуландом

Эй ёри гуландом, меҳре, бар холи ту бастам,
Ин риштаи дил, бар зулфи парешони ту бастам.

Эй қомати дилжўи камол, чун сарви гулистон,
Тўмори сахар ғунчаи гул, бар тори ту бастам.

Бар хусни жамол волаю шайдо шудаам, ман,
Ду чашми рухам бар рўи сумансон ту бастам.

Сад лолаю зўхро шуда мафтун ба жамолат,
Занжири гуҳарсанжи дилам, бар пон ту бастам.

Аз бўи гулат масту жунунам дар боғи висолат,
Бар лавҳи дилам, меҳри ту, ҳам фармони ту бастам.

Ороми вафодор, дар пардаи роз маҳрами розат,
Бо завқи дилам хизмат камари паймони ту бастам. (10- б.)

Булбули шайдога ет

Зар бўлиб, заргар кидиргил, товланиб кимёга ет.
Сув бўлиб, тўлқин уриб, сарбанд ошинб, дарёга ет.

Эл учун хизматда бўлгил, ҳар нафас поку ҳалол,
Илму ирфон бобидан, таълим олиб донога ет.

Асли билсанг, боадабликдан топури инсон камол,
Боадаб бўл, боадаб бўл, мансаби аълога ет.

Мард бўлиб, жавлон уриб, чўлларни бўстон айлағил,
Чин муҳаббат айлаб изҳор, маъшуқи барнога ет.

Бу ҳаёт бўстониди булбул бўлиб кўнглингни оч,
Ишқ-вафо майдонида энг сарбаланд маъвога ет.

Гар висол истар эрсанг, Ором, париваи васлидин,
Кўйлабон меҳнат элнини булбули шайдога ет.

Мулло Азизий

Мулло Абдулазиз – Азизийнинг таваллуд тошган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қариганда, XIX асрининг иккинчи ярмида Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшаб ижод қилган. Зуллисонийн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

Зуллисонайнлик анъанаси форс-тожик ва ўзбек адабиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу икки тил ва адабиётни бир-бирига туташтирувчи ушбу адабий анъана XIV – XX асрлар давомида юзлаб зуллисонайн шоирлар ва адибларни тақдим этган. Айтиш мумкинки, ушбу анъана доирасидан четда қолган адиблар кам бўлган. Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Ҳайдар Хоразмий, Убайдий, Ҳасан Ардашер, Маъдан, Васлий каби юзлаб ўзбек ва тожик адиблари зуллисонайнлик унвонига эга бўлганлар.

Хоразмий

Мумтоз шоир Хоразмийнинг туғилган йили ва вафоти аниқ эмас. Маълумотларига караганда, XIV асрда яшаб ижод қилган. Хоразмий ўзбек адабиётида лирика ривожига катта ҳисса қўшган. Хоразмий зуллисонайн шоир бўлиб, форс-тожик ва туркӣй тилларда ижод қилган. Шоир «Мухаббатнома» асари билан машҳур.

Шеърларидан намуна:

Юзунгда кўрдум, эй жон, байрам ойин,
Мунунг шукронаси–қурбон бўлойин.

Агар кун туғмаса ҳам, ёкту қилгай,
Юзунг нури бу дунёнинг саройин.

Ғар Афлотун сенинг ишқинда тушса,
Берур елга қамук тадбиру ройин.

Шакартек тил била тўти тилингиз,
Неча кўп сайд этар жонлар ҳумойин.

Саодат бирла бахт иккиси бичти,
Бўюнғизга латофатнинг бу қойин.

Ижозат берсангиз, тонг ёқтуситек,
Жахонга хуснунгиз човин ёйин.

Сиза теб келди Хоразмийни асранг,
Ким асрарлар камук шахлар гадойин.

Тожикча шеърятидан намуна:

Чи махрўйи ту, эй сарфи сарафроз,
Ки мемонад ба рўят гул дахан боз.

Ба ёди коматат мебўсамаш пой,
Нихолеро, ки мебинам сарафроз.

Бад-он монад туро дур дар баногўш,
Ки гардад Зўхра бо Хуршед хамроз.

Хати сабзат ба зери жаъди мушкин,
Чу тўтийбаччае дар чангали боз. .

Хушо рўзе, ки Хоразмий бпмолад,
Қадамҳои туро бар дидахо боз. (2- ж. — 68- б.)

Шерам

Шерамнинг таваллууд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XIV—XV асрларда Хуросонда яшаб ижод қилган адиб. Зуллисонин шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Ўзбекча шеърдан намуна:

Ёридин хар ким тушар айру, паришонлиғ чекар,
Васл қадрин билмаган мендек пушаймонлиғ чекар.

Тожикча шеърдан намуна:

Машав носех ба кӯи ақлу дониш раҳнамун моро,
Надорем ихтиёре, то чи фармояд жунун моро.

(Нав. 9- ж. – 398- б.)

Муҳаммад Али

Муҳаммад Алининг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XV асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган. Зуллисонайн шоир тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Замонининг фозил кишилардан бўлиб, Ғарибий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Маълумотларга кўра Алишер Навоийнинг тоғаси бўлган. Мусиқий илмидан ҳам бохабар экан.

Нодирбек Садр

Нодирбек Садрнинг таваллуд топган ва вафот қилган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XVI асрда Бухорода яшаб ижод қилган. Зуллисонайн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Замонининг фозил кишилардан бири. Қўнғирот қабиласидан. «Темурнома» деган маснавий ёзган. (Тож. энц. 2- ж. – 471- б.)

Ҳайдар Хоразмий

Ҳайдар Хоразмийнинг таваллуд топган йили ва вафоти маълум эмас. Маълумотларга қараганда, XIV асрнинг иккинчи ярмида ва XV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод қилган. Зуллисонайн шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Кўпроқ Хоразмда, бир муддат Ҳиротда ҳам яшаган. Унинг «Гулшан ул-асрор» номли асари ўзбек эпик шеърятги тарихида муҳим ҳодиса ва туркий тилдаги ахлокий-фалсафий дostonчиликнинг йирик намунаси бўлиб, туркий тилининг бойлиги ва кўркини намоиш этади. (11- ж. – 276- б.)

Муҳаммад Солиҳ

Муҳаммад Солиҳ 1455 йили Хоразмда таваллуд топган. 1535 йилда Бухорода оламдан ўтган. Хоразм хокими амир Нурсайдбек оиласида туғилган. Бобоси Шохмалик Улуғбек саройида, отаси Нурсайдбек эса Улуғбек, Жўги Мирзо, Абу Саид саройида эътиборли арбоблардан бўлган. Хоразмда савод чиқариб Ҳиротга бориб Абдурахмон Жомийдан таълим ва тарбия олган. Муҳаммад Солиҳ туркий ва форсий тилларда ижод қилган. Ўзбек адабиёти тарихида биринчи реалистик дoston – «Шайбонийнома»ни ёзган адиб.

Турди

Шоирнинг таваллуд топган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XVII асрнинг иккинчи яримида яшаб ижод қилган, тахминан 1700 йилда вафот этган. Турди ўзбекларнинг юз уруғига мансуб ва улар орасида эътиборли кишилардан эди. Шоир икки тилда – ўзбек ва тожик тилларида ижод қилиб, ўзбекча шеърларида Турди ва тожикча шеърларида эса Фароғий тахаллусларини қўлаган. Шоирдан бизгача бир «Девон» мерос қолган. (3- ж. – 103- б.)

Али Шоший

Али Шоший XV асрда Тошкентда таваллуд топиб, яшаб ижод қилган адиб. Али Шоший зуллисонийн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Айниқса, муаммо айтишга мохир бўлган. Шоирнинг ёзган шеърлари бизгача тўлиқ етиб келмаган.

Гулханий

Мухаммад Шариф Гулханийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XVIII асрнинг охири XIX биринчи яримида яшаб ижод қилган. Шоир Қаротегин (ҳозирги Рашид) туманида туғилган. Бу ҳақда Фазли Намангоний ўз тазкираси «Мажмуат уш-шуаро»да хабар берган. Гулханий зулнисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Шоирнинг икки таҳаллуси бўлган: Журъат ва Гулханий. Унинг икки асари машҳур, бири «Зарбулмасал», иккинчиси «Япалоқ куш ҳикояси». Қўқон адабий доираси намояндаси.

Ўзбекча шеърларидан намуна:

Терламиш май тобидин, гулбарги рухсорин кўрунг,
Раҳзани дил ўлди тори зулфи зуннорин кўрунг.

Белу оғзидин нишон гар бар сари мў десалар,
Айларам инкор-у, иқроп этмасам, ворин кўрунг.

Ўз маконини тилар ҳар гаҳ қафасдин қочса куш,
Эйки, истарсиз кўнгулни зулфи ҳар торин кўрунг.

Ғамзаси жоним олур, новаклари бағрим тилар,
Золими бераҳм озор узра озорин кўрунг.

Сокиё, ҳажр илгида хуноба ютдим, Гулханий.
Ғайр ила базм нчра они жоми саршорин кўрунг. (3- ж. – 147- б.)

Тожикча шеърларидан намуна:

Баҳория

Саҳар, ки булбули шўрида нолае сар кард,
Зи хунн дида гули сурх домане тар кард.

Кулохгўшаи худро шикаст гул ба чаман,
Бунафша саждаи таъзимро муқаррар кард.

Забони шонаи савсан ба турраи сунбул
Сабо чун тег муҳарраф заду муҳассар кард.

Чунон бинои гул афтод сабза хурраму маст,
Ки ёди хеш ба хангоми субҳи маҳшар кард.

Сабо бисоти заминро ба сити бўкаламун
Бидод зеб, ки натвон ба гуфт бовар кард. (22- ж. – 64- б.)

Махмур

Маҳмуд Махмурнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XIX асрда Қўконда яшаб ижод қилган. Унинг отаси Мулло Шермуҳаммад Акмал ҳам Махмур каби зуллисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Шоир ёшлигида Қўкондаги Мир мадрасасида таълим олган. «Мажмуат уш-шуаро» муаллифи Фазли Намангоний Махмур ҳақида бундай ёзган: «Махмур кучли шоир ва сўз усталаридан бири эди». Шоирдан бизгача шеърлар девони етиб келган.

Махмур истеъдодли ҳажвнавис бўлиб, замонасидаги фиску фу-журларни ҳажв қаламида рангин тасвир этган.

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Ажаб қозие, қоҳиле, жоҳиле,
Бўлиб омиллик илмига комиле.

Анинг кўксин чоқ килсанг, хама,
Гилу ғашшини пок килсанг, хама.

Аламдур, алиф анда излама.
Бу нархарни кози дебон сизлама.

Бўриб жумла дарвозани салласи,
Эшикларни вайрон қилар калласи.

Гаҳе пешвоп сияҳномалар,
Гаҳе дохили базму ҳангомалар.

Гаҳе толиби базлаву ҳарзағўй,
Гаҳе нозими назми берангу бўй.

Мужрим Обид

Мужрим Обид Миракхўжа ўғлининг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XVIII асрнинг иккинчи ярмида ва XIX асрнинг бошида Бухоро вилоятининг Вобкент туманида яшаб ижод қилган. Мужрим зуллисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Бухородаги мадрасаи Мир Арабда таҳсил олган. Тожикча шеърларида Бедилга пайравлик қилган. Ўзбекча шеърларида эса Алишер Навоий ва Бобораҳим Машрабга издошлик қилган. Шоирдан икки тилда икки девони етиб келган, бироқ ўзбек тилидаги девони тўлиқроқ ва тожик тилидаги девони мукаммал эмас. (11- ж. – 111- б.)

Шоир икки таҳаллус – Мужрим ва Обид билан шеърлар ёзган. Шоирдан бизгача девони мерос қолган. Шоир Бухорода 80 ёшида вафот қилган экан.

Шоирнинг ғазалларидан намуна:

Тушубдур бошима савдои ғурбат,
Бўлубман волаю пайдои ғурбат.

Ватан ичра топилмас хушёре,
Ичай бир неча кун саҳбон ғурбат.

Бўлубман кофиласолори хижрон,
Ғаму дарду алам колоий ғурбат.

Бу маъвода очилмай ғунчаи табъ,
Хавас айлар кўнгул маъвойи ғурбат.

Кўрубман бевафолик шаҳр элидин,
Бўлай оворай савдойи ғурбат.

Надомат ашки ичра ғарқ бўлдум,
Тоғай деб гавхари яктойи ғурбат.

Билинг ҳар ерда Мужрим бор, ғам бор.
Бу эрмиш ҳосили пайдойи ғурбат. (3- ж. – 214- б.)

Мунис Хоразмий

Шоир ва олим Шермуҳаммад Мунис Хоразмий 1778 йилда Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари бири – Хивада таваллуд топган. Шоир ёшлигидан бошлаб ўз замонасининг илмлари, айниқса, адабиёт ва тарихга алоҳида кизикқан. Мунис яхши хаттот, мусикашунос, тарихчи, истеъдодли лирик шоир ҳамда таржимон сифатида шуҳрат қозонган. Шоир «Фирдавс ул-икбол» деган тарихий асар ёзган. Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» номли машхур тарихий асарини тожик тилидан ўзбек тилига таржума қилган.

Ғазалларидан намуна:

Волийи мулки тариқат ғар Низомийдур манга,
Манзили маъниға Хизри роҳ Жомийдур манга.

Хотиримга Хусравидин ҳар замон шўре етиб,
Багда давроннинг бори ширин каломидур манга.

Пир Ансорий сўзидин чошни нутқим тошиб,
Сўзда ҳосил шарбати юҳъйил-изомидур манга.

Ҳофизи Шероз лутфидин тараққийлар топиб,
Жилвагаҳ аҳли тасаввуфнинг мақомидур манга.

Юзума Агтор ҳар лаҳза дўқони файз очиб,
Доим алдин агарпарвар жон машомидур манга.

Файзи Фирдавсий гаҳи кўнглум очиб фирдавседек,
Гоҳ Ҳоконий футухининг паёмидур манга.

Гоҳ таъйим Анварий нури била равшан бўлиб,
Гоҳ Саъдий жомининг файзи мудомидур манга.

Тоғибон ишки Ироқийдин замирим нашъае,
Ҳосил аҳли ишқинг шўри тамомидур манга.

Нусхаи таъйид Бедлдин тоғиб файзи сухан,
Маъни ичра номан иқбол томидур манга.

Қилса ҳосил даҳли бежо сўз аро йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.

Тонг эмас, Мунис, агар бўлсам кироми қадрким,
Устоди зоҳиру ботин Киромийдур манга. (3- ж. – 228- б.)

Нодир Узлат

Нодир, Узлат, Маҳжур таҳаллуслари билан ижод қилган шоирнинг асл исми Муҳаммадшариф бўлиб, 1743 йили Наманган вилоятининг ҳозирги Косонсойда таваллуд топган. Шоир, хаттот, котиб.

Маълумотларга қараганда, Қўқонда оламдан ўтган. Косонда савод чиқариб котиблик қилган. сўнгра Нодирабегим томонидан

Қўқонга чакирилган. Кейин Қўқонда яшаб қолган. Саройда Нодира сарпарастлигида котиблик қилган. Шоир ўзбек ва тожик тилларида ғазал, маснавий, рубоий, тарих ва бошқа жанрларда шеърлар ёзган.

У шахсан Қўқон муҳитидаги шоирлар–Акмал, Нодим, Нозил ва Фанолар билан таниш эди. У тожик тилидаги шеърларини Узлат ва Узлатий, ўзбек тилидаги шеърларини «Нодир» ва «Нодирий» таҳаллуси остида ёзган. Шоир ўзидан тожик тилида 6500 байт ва ўзбек тилида «Ҳафт гулшан» номли маснавий мерос қолдирган.

Нозил

Нозил Хўжандий, аслисми Авазмуҳаммад ибни Ҳожимуҳаммад, 1788 йили Хўжанд шаҳрида таваллуд топиб, 1876 йилда Қўқонда оламдан ўтган. Дастлабки саводини Хўжандда чиқарган, сўнгра Қўқонга келиб, ўша шаҳарда қолиб кетган. Шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Шеърляти мавзулари ранг-баранг. Шоир «Ҳажвиёт» асарида ҳажвий маъноларда ёзган шеърларини жам қилган. Асар 3297 мисрадан иборат. Шоирнинг 3000 мисрадан иборат «Зарбулмасал» деб номланган асари ҳам бор.

Муҳаммад Ёқуб Чингий

Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XVII асрнинг охири – XVIII асрнинг биринчи ярмида Ҳиндистонда яшаб ижод қилган зуллисонайн, луғатшунос олим ва адибдир. Бобурийлар сулоласи вакилларида Аврангзеб даврида яшаган. Адиб «Келурнома» деган ўзбекча-тожикча луғат тузган. Ушбу луғат 15 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир феъл 15 шаклда берилган.

Қорабоғийнинг «Ҳафт биҳишт» ва тарихчи Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ут-таворихин» асарларини тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган. (11- ж. – 204- б.)

Вафойй

Вафойй XVII асрнинг иккинчи ярмида ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Хоразмда яшаб ижод қилган. Ҳозиргача унинг девони топилгани йўқ. Мунис Хоразмий ўзининг «Фирдавс ул-икбол» асарида Вафойй ижодига юксак баҳо берган.

Шеърятидан намуна:

Навоний ғазалига Вафойй мухаммаси

Бўлгали сандин жудо, дерманки, даврон бўлмасун,
Мохи рўйинг бўлмаса, хуршиди тобон бўлмасун,
Лаъли жонбахшингдин айру оби хайвон бўлмасун,
Сансизин, эй умр, бир соат манго жон бўлмасун,
Сан бўл-у, бас, тубии фирдавси ризвон бўлмасун.

Каъбаи ислом ичинда кош хоки дар мани,
Оташи дайри муғон этгайди хокистар мани,
Бу гунаҳдин ким қилур меҳроба рўйовар мани,
Қошиға қилғоч сужуд, ўлтурди ул кофар мани,
Ҳеч мўъмин ёри, ё раб, номусулмон бўлмасун.

Бу нечук бедодгардурким, қилур сарсарни тез,
Хуни ахли дилдин этти еру кўкни шуълаҳез,
Бир қўлида шишаи май, бир қўлида тиги тез,
Эй кўнгул, масте чикиб шаҳр ичра солмиш рустаҳез,
Бир хабар тутким, бизинг бебоки нодон бўлмасун.

Дину имонимни торож этти охир бир гўзал,
Лаъли Исо, хатти Хизру кўзлари кофир масал,
Қисмат этмишдур манго бу навъ қассоми азал,
Ишқида жоним укубатлар била ол, эй ажал,
То онинг ошиқлиғи ҳеч кимга осон бўлмасун.

Лаъли шаққарбор янглиғ тебратиб ширин лабин,
Қўймади мискин Вафоға илтифот этмак камин,

Оби ҳайвон шарбатин то англа бермаслар текин,
Дедиким, жон бер, доғи ўпгил оёғим туфроғин,
Эй Навоий, тезроқ ўлким пушаймон бўлмасун. (А-н. — 138- б.)

Вола

Эшонхўжа Аъмо, халқ таъбири билан айтганда, Эшони Вола, тахминан 1786 йили Бухоро аморатига карашли Янгикўрғонда таваллуд топиб, тахминан 1872 йилда мухтожликда оламдан ўтган. У зуллисонан шонр бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида икки девон тузган. Лекин унинг девонлари бугунга қадар топилгани йўқ.

Шеърятидан намуна:

Ғазаллар

Яшурмиш оразин ул ой никоби мушкфом ичра,
Ниҳон бўлгон киби кўздин қуёш рухсори шом ичра.

Бошингдин ўргулуб холингдин ўпсам, эътироз этма,
Ки такбили ҳажар суннат эмиш байтулҳаром ичра.

Кўрунур гарчи даврон гулшани, эй дўстлар, хуррам,
Вафо меҳрини сиз андин тамаъ этманг машом ичра,

Фиғон бул чархи солимдинки, доно кон ютар дойим,
Ичар нодон тараб жомини базми эҳтиром ичра.

Ададсиз захмдиг тан ичра андоғ толпину, инглум,
Ҳаводис зулмидин тушган ўшал қушдекки дом ичра.

Жаҳон боғида умредурки бир гул васлини истаб,
Қилурмиш Вола булбулдек наволар ҳар маком ичра.

* * *

Ба пешат гул, зи нозукийи худ, шармандагий дорад,
Зи қаддат сарви бўстон иддаои бандагий дорад.

Бунафша дид то рўзе хати сунбулфишонатро,
Ханўз аз бори хижлат сар ба зер афкандагий дорад. (Тожд. энц. 1- ж.
– 330- б.)

Писандий

Авазмуҳаммад Ёрмуҳаммад ўғли Писандий 1816 йилда Қўқон шаҳрида дунёга келган. Шоир Писандий 1918 йилда Қўқонда вафот этган. Писандий ёшлигидан ота касби касибчилик билан шуғулланган. У Қўқондаги Охунд девон мадрасасида таълим олган. У ўзбек ва тожик адабий меросини яхши ўрганиб, икки тилда баробар шеърлар ёзди. Шоир айникса тарих ёзишда шуҳрат қозонган.

Шеърларидан намуна:

Саъдихон қози тўғрисида ҳажв

Чикди оламга баччағар қози,
Эл аро шуҳрати заҳар қози.

Номини Саъд деб ғалат қўйган,
Наҳсдан туғди, ибни шар қози.

Ота меросидир сағир моли,
Кимки ўлса, анга падар қози.

Сувчаён ё илон десам билмай,
Билган айтур, товонтешар қози.

Кундузи маснади қазо узра,
Кечаси, яъни йўлтўсар қози.

Бойлар судига жавоб ҳозир,
Камбағал ҳукмини бузар қози.

Хонавайрон неча етим, туллар,
Дод дастингдан, эй ўжар қози!

Қалъача кафишу оқ банорас тўн,
Ҳайф зар дўппи. калсар қози.
Бўлса эрди тариқча аклинг агар,
Топар эрдинг бўлак хунар, қози.

Бу ғазални эшит Писандийдан,
Аблаҳи даҳр, мухтасар қози. (А-н. — 157- б.)

Ғурбат

Убайдулла Махдум Ғурбат тахминан 1850 йилда Қўқонда таваллуд топган. Ғурбат 1918 йилда Конибодом шаҳрида оламдан ўтган. Бошланғич маълумотни Қўқон мадрасаларида олган. Ғурбат ўзбек ва тожик тилларида баробар ижод қилган. Унинг иккала тилда ёзган девони бизгача етиб келган.

Шеърларидан намуна:

Юсуф Зулайхо айлади, ман мубтало қайда борай?
Қоматларим ё айлади, ман мубтало қайда борай?

Мажнун каби сарсон бўлиб, саргаштаи ҳижрон бўлиб,
Гунча сифат ғамда сўлиб, ман мубтало қайда борай?

Ноз илкида афғор этиб, жабру жафо бисёр этиб,
Ахду вафо бекор этиб, ман мубтало қайда борай?

Бу маскани вайронада ҳушим, дилим жононада,
Йўқтур санам бутхонада, ман мубтало қайда борай?

Ҳажр ўтиға ҳамдам бўлиб, маҳзун қўнғил пурғам бўлиб,
Ҳасратларим дилға тўлиб, ман мубтало қайда борай?

Рухсори гул, сарву суман, кокиллари мушки Хўтан,
Жўяндаи нозик бадан, ман мубтало қайда борай?

Гурбатга кўп ваъда қилар, бегонага парво қилар,
Аҳдин бузиб ифшо қилар, ман мубтало қайда борай? (А-н. – 169- б.)

Мажзуб Намангоний

Мажзуб Намангонийнинг, асл исми Абдулазиз, таваллуд топган йили аниқ эмас. Қарши шаҳрида таваллуд топиб, 1849 йилда Наманганда вафот этган. Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган ва шу ерда Халифа Хусайн Янгикўрғонийдан тасаввуф таълимини олган. Мажзуб тасаввуфда зикри жаҳрия йўлининг ўзига хос услубини татбиқ этган. Унинг қаламига мансуб «Соқийнома» асари сўфийларнинг суҳбатларида махсус маком билан ўқилган. Шоирнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзган алоҳида-алоҳида девонлари бор. Унинг «Тазкираи Мажзуб Намангоний» (тожик тилида), «Девони Мажзуб», каби асарлари бор. (10- ж. – 382- б.)

Азфарий

Азфарий – Мирза Алибахт 1760 йилда Дехлида таваллуд топиб, 1819 йили Мадрас шаҳрида оламдан ўтган. Шоир, олим, таржимон. Бобурийлар сулоласидан. Мусика, ҳарб. табобат илмларини мукаммал ўрганган. Туркий, форсий, араб тилларида ижод қилган. Асарлари: «Воқиоти Азфарий», «Фарханги Азфарий», «Мезони туркий», «Насаби туркий чигатойи». Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» ва Бобурнинг «Аруз рисоласи»ни «Арузода» номи билан форс тилига таржима қилган.

Боқий

Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси (1943 й.).
Шоир, адабиётшунос, манбашунос.

Мирзаабдулла Насриддинов 1882 йили Фарғона вилоятининг Риштон туманида таваллуд топган. 1967 йилда Риштонда вафот этган.

Шарқ мумтоз адабиётини чуқур билган, халқ орасида навоий-хон ва бедилхон деган ном олган. Ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» асарини тожик тилига таржима қилган. (7- ж. – 120- б.)

Шавқий Каттакўрғоний

Мухаммадшариф Шавқий Каттакўрғоний 1785 йили Каттакўрғонда таваллуд топиб, 1861 йили ўша ерда оламдан ўтган. Бошланғич маълумотни Каттакўрғонда олиб, кейин Бухоро шаҳрида мадрасани битирган. Ёшлигидан шеър айта бошлаган. Бир муддат сарой шоири ҳам бўлган, у ердаги фиску фужурни кўргач, саройдан кетган ва умрининг охиригача деҳқончилик ва мактабдорлик қилган. У ҳам зуллисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. У «Миръот ун-нахв», «Ҳалл ул-луғот» деган илмий асарлар ёзган. Алии Марғелонийнинг «Мухтасар ул-виқоя» номли араб тилида ёзилган асарига тожик тилида шарҳ бериб, луғатлар тартиб берган. Ўзбек тилидаги шеърларида Навоий, Фузулийга ва тожикча шеърларида эса Ҳофиз ва Бедилга пайравлик қилган.

Мирий

Мирий Шоик – Мираҳмадхон Мирабдурахмон ўғли 1833 йилда Тошкентда таваллуд топиб, 1916 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Марғилон ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. ЗуллISONАЙН шоир араб, форс, турк тилларида ижод қилган. Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Шоик «Фикҳи Акбар»ни «Икки дураар шарҳи фикҳ-ал Акбар» номи билан шеърӣ таржима қилиб, Тошкентда чоп эттирган.

Шеърӣятидан намуна:

Қиссаи Салим Жавҳарӣ

(Достондан парча)

Қим эмди айлайин бир қисса оғоз,
Салими Жавҳарӣдин нуктапардоз.

Қим ул Ҳажжожи зулм ичра ягона,
Тилар эрдикӣ, бир яхши фасона.

Топиб Фаттоҳ олиб боргач Салимни,
Фасоҳат бобида йўк-йўк калимни.

Буюрди шаҳ сўзунг оғоз айла,
Фасонангга мени дамсоз айла.

Дуо айлаб Салими нукта ошуб,
Етурди шоҳлиг расмида услуб.

Деди: «Эй шаҳриёри рубӣи маскун,
Мугеи хидматинг бўлсун Фаридун.

Эшит бу кулни кўргач саргузашин,
Кезиб оламга юрган кўху даштин».

Ноил Шерзода

Шерзода Мухтор 1895 йили Тожикистоннинг Ўротепа шаҳрида таваллуд топиб, 1935 йилда Ўротепада оламдан ўтган. Муддарис оиласида таваллуд топган. Отасидан таҳсил олган. Беш йил Бухорода юриб, 1920 йили Ўротепага қайтиб келди. Шоир тожик тили қаторида ўзбек тилида ҳам шеърлар ёзган. Тожик тилида биринчилар қаторида Маяковский шеърига пайравлик қилган. Шоирнинг ҳажвий шеърлари ҳам бор. (19- ж. – 366- б.)

Дабирий

Дабирий Каттақўрғоний, асл исми Остонакул Абдушукур ўғли 1871 йили Каттақўрғонда туғилиб, 1939 йилда оламдан ўтган. Зуллисонайн шоир ва хаттот. Бухорода таҳсил олган. «Ёш бухороликлар» ҳаракатига қўшилиб, Амир Олимхонга қарши курашган. Янги типдаги мактабларда муаллимлик қилган. Девон тузган, аммо амир одамлари томонидан девони ёқиб юборилган. Унинг «Баёзи Валий», «Баёзи Маҳдий», «Баёзи Муҳлбий» каби асарлари манбаларда сақланган. (7- ж. – 146- б.)

Равнақ

Равнақ Паҳлавонқули 1725 йили Хоразмда таваллуд топиб, 1805 йилда Хоразмда вафот этган. Хива мадрасаларида савод чиқариб, ўша мадрасаларда қашшоқлик билан кун кўрган. Зуллисонайн шоир бўлиб, араб, тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Бизгача унинг ягона девони «Девони Равнақ» номи билан стиб келган. (Ўз. энц. 7- ж. – 218- б.)

Рашидхон

Рашидхон Абдурашидхон 1509 йили Андижонда таваллуд топиб, 1563 йилда Хитойнинг Хутан деган шаҳрида вафот этган. Шоир ва муганний. Турк ва форс тилларида Рашидий тахаллуси билан ижод қилган. Рашидийнинг «Девони Рашидий», «Ғазалиёти Рашидий», «Салотиннома» каби асарлари хақида маълумотлар бор, бироқ улар бизгача етиб келмаган. Фақат туркий ва форсий тилларида ёзган айрим ғазаллари ва улардан намуналар қўлёзма китобларда келтирилган. (Ўз. энц. 7- ж. – 264- б.)

Имомуддин Риёзий

Имомуддин Риёзий Самарқанд ахлидан бўлиб, таваллуд топган йили аниқ эмас, лекин 1479 йилда вафот этгани аниқ.

Шоир, хаттот ва ҳофиз. Самарқанд мадрасаларида таҳсил қўрган. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Навоий ўз асари «Мажолис ун-нафоис»да унга яхши баҳо берган. Унинг ёзишича, Риёзий ғазаллар ёзиш билан бирга хаттот, шунингдек, Куръонни ҳам етти кироатда ўқий олган ҳофиз бўлган экан. (Ўз. энц. 7- ж. – 325- б.)

Саид Аҳмад

Саид Аҳмад – Сандий XIV асрнинг охири–XV асрнинг аввалида Ҳиротда таваллуд топиб, яшаб ижод қилган адибдир. Темурий шаҳзодалардан Мироншоҳнинг ўғли. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларда ижод қилган. Давлат ишларида катнашмаган. Нома жанрида асарлар ёзган. «Таашшукнома», «Латофатнома» достонларини ёзган. (Ўз. энц. 7- ж. – 418- б.)

Иншойй

Миркосим Иншойй Соғаржийнинг таваллуд топган йили маълум эмас. Маълумотларга қараганда, 1596 йилда Самарқандда вафот этган. ЗуллISONАЙН шоир. Ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Саидхон ва Абдуллохон даврида мушшыйлик вазифасини бажарган. Ёшлигидан Мунший тахаллуси билан шеърлар ёзган. Кейинроқ ўзига Иншойй тахаллусини олган. Унинг қаламига лирик ғазаллар, касидалар, қитъалар мансуб бўлиб, «Хусраву Ширин» номли маснавий ҳам ёзган. Тарих моддалар айтишда моҳир экан. (Тожд. энц. 1- ж. – 513- б.)

Абдуллатиф Жомий

Абдуллатиф Жомий таваллуд топган йили ва вафоти маълум эмас. Маълумотга қараганда, XVI асрда Бухорода таваллуд топиб, яшаб ижод қилган. Аҳмад Жомий номли машҳур тожик шоирининг қариндоши. Замонининг илмларидан баҳраманд бўлган адиблардан экан. ЗуллISONАЙН шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган.

Абдулқодирхожа Савдо

Абдулқодирхожа Савдо 1824 йили Бухорода таваллуд топиб, 1873 йилда Бухорода вафот этган. Шоир, адиб ва жамоат арбоби. ЗуллISONАЙН шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Бобоси Бухоро қозикалони бўлган. Бухоро мадрасаларида таълим олган. Шеър илми, мусиқа илми, нужум илмларини чуқур ўрганган. Амир Музаффар уни саройга тортиб, ўзига надим, яъни ҳамсухбат қилиб олган. У Бегул тахаллуси билан ҳам ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. (Ўз. энц. 7- ж. 409- б.)

Ҳозик

Жунайдулло Ҳозик 1843 йили Ҳирот шаҳрида таваллуд топган. Вафот этган йили аниқ эмас. Шахрисабзда оламдан ўтган. Бухоро мадрасаларида таълим олган. Тиб илмини яхши билган, шунинг учун ҳам Ҳозик тахаллусини олган. Бир муддат амир Ҳайдар саройида бўлган. Амир Умархон уни Қўқон саройига чақирган. «Юсуф ва Зулайхо» номли дoston ёзган. Зулнисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. (11- ж. – 371- б.)

Адо

Султонхон Адонинг таваллуд топган йили ва вафоти маълум эмас. Маълумотларга кўра, XIX асрда Самарқандда яшаб, ижод қилган. Зулнисонайн шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. У асли Ҳожа Ахрори Валий наслидан бўлиб, Самарқанд ва Бухорода шайх ул-исломлик вазифасини бажарган. Бир муддат Қўқонга Амир Умархон таклифи билан келиб, сарой шоири бўлган.

Айний

Садриддин Айний Саидмуродзода 1878 йили Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида таваллуд топган. 1954 йилда Душанбеда оламдан ўтган. Бухоро мадрасаларида таълим олган. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Тожикистон Фанлар академиясининг биринчи президенти (1951–1954). Ўзбекистон Фанлар академияси фахрий аъзоси (1943). Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1940) Филология фанлари доктори (1948), профессор (1950). Адибнинг «Одина», «Дохунда», «Куллар», «Судхўрнинг ўлими», «Эсдалиқлар» каби повест ва романлари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Айний олим сифатида кўпгина ил-

мий асарлар ёзган. Шоир икки тилда шеърлар ва асарлар ёзган. Айний «Куллар» романини аввал ўзбек тилида ёзиб, кейин ўзи тожик тилига таржима қилган. Унинг номи Тожикистон ва Ўзбекистонда туман, кўча ва маданият муассасаларига қўйилган.

Сидқий Хондалиқий

Сидқий Хондалиқий – Сирожиддин махдум Мирзоҳид охунд ўғли 1884 Бўстонлик туманида таваллуд топган. 1934 йилда вафот этган. Зуллisonайн шоир, хаттот, таржимон. Форс ва араб тилларини яхши билган. Шеър илмини ўрганишида Камийнинг хизмати катта. Дастлаб Шеван, Шухрат тахаллуслари билан ёзган. Унинг «Тўхфаи Шавкат», «Русия инқилоби» каби асарлари ва яна бирмунча ўзбек ва тожик тилидаги шеърлари қолган. (Ўзб. энц. 7- ж. – 605- б.)

Рожий

Муҳаммад Юсуф Маҳзум ибни Хўжамбердининг таваллуд топган йили ва вафоти аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг биринчи ярмида Хивада туғилиб, яшаб ижод қилган. Шоир, таржимон ва хаттот. Зуллisonайн шоир. Ғазалларида маърифатпарварлик ғояларни тарғиб қилган адиб. Унинг девони бизгача етиб келган. (Ўз. энц. 7- ж. – 345- б.)

Чустий

Хўжаев Набихон 1904 йили Чуст шаҳрида таваллуд топган. 1983 йилда вафот этган. Зуллisonайн шоир, таржимон. Чуст ва Қўқондаги эски мактабларда таҳсил олган. Навоийнинг 500 йил-

лик юбилейи муносабати билан Тошкентга чакирилган. Муқимий театрида директор (1941–1942) бўлиб ишлаган. Унинг «Гул мавсуми», «Ғазаллар», «Ҳаётнома», «Садокат гуллари», «Кўнгил тилаги», «Кўргунча хайр энди» каби девонлари нашр этилган. Яна унинг «Тирик жаннатга кирган кампир», «Кийикнома», «Боғи Эрам» номли дostonлари бор. «Шамшир», «Лолазор», «Ҳаёт завки», «Кўзғол», «Жасур оила» каби шеърӣ тўпламлари нашр этилган. 2004 йилда шоирнинг 100 йиллиги нишонланган. (Ўз. энц. 9- ж. – 665- б.)

Акмал

Акмал Шермухаммад Хўқандийнинг таваллуд топган йили номаълум, 1821 йилда Кўқонда вафот этган. Зулҳисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Кўқон мадрасаларида таҳсил олиб, Кўқондаги Мири Хўқонда муддарислик қилган. Шоир ғазал ёзишда кўпроқ Бедилга таклид қилган. Бедилнинг бир ғазалига мухаммас ёзган.

Бобожон Санойӣ

Бобожон Санойӣнинг таваллуд топган ва вафот этган йиллари номаълум. Маълумотларга қараганда, XIX асрда Хоразмда туғилиб яшаган. Шоир, хаттот ва таржимон. Хива мадрасаларида таҳсил олган. Зулҳисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида асарлар ёзган. Хусайн Воизи Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Ибн Ясриннинг «Хобнома», Фаҳрии Ҳиравийнинг «Ҳафт кишвар», Юсуф Юсуфийнинг «Бадоеъ ул-иншо» ва бошқа адибларнинг асарларини тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Шеърӯ шоирликда Санойӣга пайравлик қилган. Унинг адабий меросини манзум дostonлар ташкил этади, жумладан, «Ҳадиқан азҳар», «Канз ул-маориф» ва ҳоказолар. (Тож. энц. 1- ж. – 286- б.)

Муҳсиний

Муҳсиний Ҳусайнкул Сулаймонкул ўғли 1860 йилда Қўқон шаҳрида дунёга келиб, 1917 йилда ўша жойда оламдан ўтган. Шоир, таржимон ва хаттот. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Қўқон мадрасаларида таҳсил кўрган. Муҳсиний шахсан Фурқат ва Муқимий билан таниш эди. Икки тилда тўрт девони бор. Унинг «Риёз ул-анъом фи мусобиҳ уз-замон» номли фалсафий-ахлоқий дostonи ҳам бор. Абдулқодир Бедилнинг «Девон»и, Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» асарларини кўчирган.

Васфий

Муҳаммаджон Мухторов 1908 йили Бухорода таваллуд топиб, 1971 йили Тошкентда вафот этган. Шоир, таржимон ва журналист. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1967). Зулвисонайн шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган.

«Гули сурх» кассаси, «Зулми амир» драмаси, «Депутат» «Ойнаи дил» ва «Тошкент руҳияти» дostonлари муаллифи. Яна тожик адибларининг асарларини ўзбек тилига ва ўзбек адибларининг асарларини тожик тилига таржима қилган. (Тоғ. энц. 1- ж. – 321- б.)

Муинзода Мунирхон

Муинзода Мунирхон 1909 йили Хўжанд шаҳрида таваллуд топиб, 1973 йили Хўжандда вафот этган. Зулвисонайн шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Бошланғич маълумотни Хўжандда олган. Педагогика институтни Душанбеда битирган. Ғафур Ғулом номндаги Ўзбекистон нашриёти муҳаррири (1952–1966). «Шухрат» медали билан мукофотланган. (Тоғ. энц. 2- ж. – 305- б.)

Муҳий Хўқандий

Муҳий Хўқандийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XIX аср ва XX асрлар орасида Қўқонда яшаб ижод қилган. Зуллисонайн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Замонининг фозил кишиларидан бўлиб, Ўрта Осиё ва Афғонистон шаҳарларини саёҳат қилган. Ундан бизга ўзбек ва тожик тилларида икки девон мерос қолган. Шеърларининг асосий мавзулари ишқ ва панду ахлоқдан иборат. (Тоҷ. энц. 2- ж. – 389- б.)

Қутбиддин Муҳиддинов

Қутбиддин Муҳиддинов 1906 йили Самарқанд вилоятининг Ургут туманида таваллуд топган. 1983 йилда вафот этган. Матншунос, манбашунос, луғатшунос олим. Филология фанлари номзоди (1972). Тожикистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт ҳамда Шарқшунослик институтлари, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт ҳамда Шарқшунослик институтларида катта илмий ходим бўлиб ишлаган. Икки тилда шеърлар ёзган.

Муҳиддинов Қутбиддин С. Сарой, Хўқандий асарларининг замонавий имлода нашр этилишида, Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатини тузиш, изоҳлаш ва ундаги араб, форсча-тожикча сўзларни, мураккаб байтларни шахрлашда катта хисса қўшган. Маҳдихоннинг туркий-форсий «Санглох» луғати устида иш олиб борган. (11- ж. – 202- б.)

Жаъфар Муҳаммад Термизий

Жаъфар Муҳаммад 1968 йили Сурхондарё вилоятида таваллуд топган. Бошланғич ва ўрта маълумотни Музработ ва Бойсун туманларида олган. Тожикистон Миллий университетини битир-

ган. 1993–1998 йиллар давомида Сурхондарё вилоят Телерадиокомпаниясида катта муҳаррир, Термиз давлат университетида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва Жамият қурилиши Академиясининг аспирантурасида таҳсил олган. Фалсафа фанлари номзоди (диншунослик) илмий даражасини олган (2003). Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Шарқ адабиёти ва фалсафасидан дарс берган. Бир қатор илмий асарлар муаллифи. Бугунгача ўнга яқин шеърый тўплам ва китоблари Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда нашр этилган. Ўзбек шеъриятидан намуналарни форс-тожик тилига таржима қилган.

Шеърларидан намуна:

* * *

Кўз юмай, гар бир нафас қошу кўзингни севмасам,
Кўр бўлай, илло, агар нону тузингни севмасам.

Қорлар ёғсин баҳоримда, ёзимда дўллар,
Гар сенинг, эй навбаҳорим, Наврўзингни севмасам.

Майли, бошимга бало ёмғирларин ёғсин фалак,
Гар қўёшингни, ойингни, юлдузингни севмасам.

Мен ўзимни топа олмасман, тополмасдан сени,
Сева олмасман ўзимни, то ўзингни севмасам.

Билки, мен олим эмасман, гапларингни уқмасам,
Билки, мен шоир эмасман, гар сўзингни севмасам.

* * *

Ошкоро омадиву лек пинҳон меравий,
Мушкиле дорам, чаро ин гуна осон меравий?

Лаҳзае бозист, пурсам аз хаами гесўи ту,
Мажмаи шодиву ғам, аз чи парешон меравий?

Эй, нигини лаъли ту мўҳри хамўшихон ман!
Девро мехоҳий, аз дасти Сулаймон меравий?

Эй Зулайхон хаёли номуродам, бозгард!
Юсуфат ин жову ту рў сўи Канъон меравий?

Эй ту атре, ки нихоний дар раги хомўши шаб,
Ҳоли чашмамро надидий, рўзи борон меравий?

Эй вужудат ваҳдати ақлу дили нокоми ман,
Аз муҳити ҳастии ман хамчу имон меравий.

Гар гули номи маний, ман Жаъфарам, номи гулам,
Бе ту шеърамро шамиме нест, жонон, меравий...

Нодира

Нодира — Мохларойим 1792 йилда Андижонда таваллуд топган. 1842 йилда Кўконда Амир Насруллох фармони билан дорга осилган.

Унинг ўз исми Комила бўлиб, асли андижонликдир. Комила чирой ва ақлда ягона бўлгани боис, Амир Умархон унинг таърифини эшитгач, хотинликка олади. Комила Кўкон адабий мухитида камол топади. Умархон оламдан ўтгач, тахт унинг 14 ёшли ўғлига қолади. Шунинг учун давлатни бошқариш Нодиранинг қўлига ўтади. Истеъдодли шоира тadbирли давлат арбоби, илм, маърифат адабиёт ва санъат ахлининг ғамхўри бўлади.

1842 йилда Бухоро амири Насрулло Кўконни забт этгач, Умархоннинг фарзандларини дорга осиб ўлдиради. Набирасини дорга осаётганида тоқат қилолмай, Нодира Насруллохонга лаънатлар айта бошлайди. Шунда Амир Насрулло хукми билан Нодирани ҳам дорга осиб ўлдирадилар. Нодира ҳам зуллисонайн адиба бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган.

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат,
Ифторда ёрсиз на лаззат.

Ёр айласа ёри бирла ифтор,
Йўк рўзада мундин ўзга давлат.

Эл барча висол базмида шод,
То субҳ чекиб суруди ишрат.

Ҳар шом менга наволаи ғам
Ифтор килурға бўлди қисмат.

Моҳи рамазонки, файзи чуқдур,
Мен хастаға ёрсиз на роҳат.

Ҳар шом кўзумни ёши шамъим,
Хуни жигарим бажойи шарбат.

Ҳижрон ила рўза жавр этолмас,
Гар ёр эса Нодира саломат. (3- ж. – 159- б.)

Тожикча шеърятидан намуна:

Субҳи васли ман зи хуршеди жамолат нур дошт,
Шоми ҳижрон тира шуд, эй моҳи тобонам, биё.

Маҳзуна

Маҳзуна – Меҳрубоннинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XIX асрда Қўқон адабий муҳитида яшаб ижод қилган. Саводини устодсиз чиқарган экан, бу маълумотни Фазлий билан муоширасидан ҳам билса бўлади. У Қўқон уламоларидан бирининг кизи эди. Маҳзунанинг асл исми Меҳрубон бўлган. Шоиранинг девони бугунгача топилгани йўқ. Лекин «Мажмуат уш-шуаро» муаллифи билан мушоира шоиранинг теран истеъдодидан дарак беради. Маҳзуна ҳам зуллисонан шайх мушоира бўлиб, икки тилда ижод қилган.

Тожикча шеърятидан намуна:

Наям аз даври чархи вожгун бегонаи сахбо,
Чу хуршед аст доим бар кафаш паймонаи сахбо.

Фазлий Намангоний ва Маҳзуна ўртасидаги мушоира:

Фазлий:

Юз офарин сўзунгга лубби лубоб кўрмай,
Арзи жамол этарму, ойнаи об кўрмай?

Махзуна:

Кимдин чикар бу сўзлар бағрин кабоб кўрмай,
Ганж ўлмағай муяссар холин хароб кўрмай.

Фазлий:

Мастураи суханға пўшидалиғ муносиб,
Маъни арусини бас, мен беникоб кўрмай.

Махзуна:

Йўк айби сўзларимни, гар бўлмаса муадлаб,
Андокки. ўт кўкаргай ҳеч офтоб кўрмай.

Фазлий:

Майгун лабинг хадиси маст этти ғойибона,
Кайфият ўлди зоҳир, жоми шароб кўрмай.

Махзуна:

Бир важҳ буки, табъим хом асрамиш замона,
Чархи синехрдин ул ҳеч печутоб кўрмай.

Фазлий:

Мундоқки нуктадонсен, ким эрди устодинг?
Ой касби нур қилмас, то офтоб кўрмай.

Махзуна:

Кўп нахрлар йиғилса, дарёйи пурдур ўлғай,
Илм аҳлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.

Фазлий:

Бир нукта айла зоҳир, Фазлийни кўйма маҳзун,
То кетмайин Намангон сендин жавоб кўрмай.

Махзуна:

Байт ул-ҳазан ичинда узлат тутуб бу Маҳзун,
Фазли илоҳидур бу, йўқса китоб кўрмай. (3- ж. — 178- б.)

Увайсий

Увайсийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XIX асрда Қўқон шаҳрида Амир Умархон даврида яшаб ижод қилган. Унинг асл исми Жаҳон Отин, бўлиб марғилонлик бир каммаҳсул шоирнинг кизи эди.

Увайсий ҳақида халқ ичида юрган нақлга қўра, у Амир Умархон адабий доирасига киришни хоҳлаган. Тақдир тақозоси билан саройга йўл топади ва чўри сифатида яшай бошлайди. Айтишларича, Нодирани шоира сифатида тарбия этишда кўп куч сарф қилган эмиш. Шоирдан бизга «Карбалоннома» деган достони мерос қолган.

Шеърятдан намуна:

Дилрабо, юзунг узра кокулинг шаршон қил,
Хусунинга никоб ўлсун, мақсадимни пинҳон қил.

На деб эътироз эттинг мустаманди зорингга,
Журм кўп эса авф эт, дабларингни хандон қил.

Ташналикдадур мискин, гулшанингдадур ғамгин,
Фақр аҳлини дохил хотами Сулаймон қил.

Қатра май гадолардин, сокиё, дариг этма,
Ақлдин қилиб фориг, мастликда султон қил.

Жонни можаросиға сабр айлагил, эй таң,
Рашиқдин ёқиндур бул чакмоғиға меҳмон қил.

Мунда етмади, Вайсий, васлингни баҳосиға,
Юмди кўз бу оламдин, раҳм айлаб арзон қил. (3- ж. — 182- б.)

Муштарий

Муштарий – Саодат 1810 йили Қўқонда таваллуд тошган. Вафот этган йили маълум эмас. Худоёрхон саройида котибалик, муншийлик қилган. Шеъриятида кишиларни яхшилик, камтарлик, поклик ва адолатга чақирган. Шоира халқ оғзаки дostonларининг ёзма шеърини намунасини яратган. Муштарийнинг «Маликаи Дилором» достони халқ кўшиклари усулида ёзилган. (11- ж. – 171- б.)

Анбар Отин

Анбар Отин Фармонқул кизи 1870 йили Қўқонда таваллуд топиб, 1906 йили Қўқонда вафот этган. Ўзбек шоираси. Отаси – Увайсининг жияни. Анбар Отин Дилшод Отин мактабида тахсил олган. Шоира шеър ижод қилиши билан бирга, маҳалласидаги қизларга ҳам таълим берган. Таълим бергани боис отин унвонига эга бўлган. Анбар Отин ҳам зулисонини шоира бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Замондошлари Муқимий, Фуркат ва Завқийлар билан таниш бўлган.

Шоирадан бизгача қўлёзма девони – «Қаролар фалсафаси» мерос қолган.

Муаззамхон

Муаззамхон Мирсайд кизининг таваллуд тошган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, Хўжандда таваллуд топиб, 1917 йилда Жиззах шаҳрида оламдан ўтган. Муаззамхон зулисонини шоира бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ижод қилган. Шоира аруз вазнини мукамал билган. Шоиранинг девони 1000 мисрадан ортиқроқ экан. Унинг синглиси Муаттархон ҳам шоира бўлган. Шоира шеърларида давр, фалақдан норозилик оҳанглари аск этган. Лекин замондошларини таҳаммул билан яшашга даъват этади.

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Эй фалак, мунча жафони манга эхсон айладинг,
Ҳам хирад уйини буздинг, бесаранжом айладинг.

Кавкаби иқболими идбора табдил айлабон,
Толеимни наҳс этиб, эл ичра бадном айладинг.

Хуш баланд парвоз эди руҳим куши, афсуским,
Фитна айлаб золи дунё макрига ром айладинг.

Барчага жабр айласанг ҳам, гоҳ-гоҳ таскин бериб,
Бир ғариба бошига кулфатни модом айладинг.

Тоқати тамкин таҳаммул уйини ғорат қилиб,
Телбалардек сўзлатиб, бесабру сомон айладинг.

Ҳар неча жаҳд айладим, кирсам саодат йўлига,
Йўл юрарда ҳар қадамда хирсни дом айладинг,

Барчани жоми муродини бериб ман хастага,
Қисматим синган сополдек бир қурук жом айладинг.

Ҳар жафо келса, Муаззам, холиқингни ҳукмидур,
Шиква айлаб, бу фалакни мунча бадном айладинг?!

Тоҷикча шеърятидан намуна:

Фитода дар чаҳи зулмат, намеебам раҳи мақсуд,
Ки ин побастаи маҳбуси зиндонро кий мепурсад?

Нозимахоним

Нозимахоним 1870 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1924 йилда оламдан ўтган. Ўзбек аёллари орасидан чиккан биринчи

журналист ва публицист. Татар, араб, форс тилларини мукаммал ўрганган. Қозонда ва Оренбургда чиқиб турган матбуотни мунтазам кузатиб борган. Саъдий ва Ҳофизни севиб ўқиган. Ўз даврида «Бешёғочлик Нозимахоним» номи билан машҳур бўлган.

Нозимахоним

Бесабаб ёрингни ўлтирмок, начук?
Мен вафодорингни ўлтирмок, начук?

Фарз қилдинг гарчи душманман сенга,
Бунчалар, бас, хор ўлтирмок, начук?

Вой, хазар айлаб мени девонадин,
Бу дили зорингни ўлтирмок, начук?

Куйи васлингни итидур бу ғариб,
Телба-ю зорингни ўлтирмок, начук?

Телмуруб бўлди нигорон кўзларим,
Чашми хунборингни ўлтирмок, начук?

Дам-бадам васфинг тилимда, эй пари,
Ўз дуоғўйингни ўлтирмок, начук?

Васли уммидингда юргай Нозима,
Бас, вафодорингни ўлтирмок, начук?

Ойдин

Ойдин – Собирова Манзура 1906 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1953 йилда оламдан ўтган. Ёзувчи, драматург. Самарканд Педагогика академиясида таҳсил олган. «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали бош муҳаррири (1946–1953). Адибанинг «Тонг кўшиғи», «Чечан қўллар» каби тўпламлари ҳамда «Чакалокка чакмонча»,

«Қизларжон», «Ширин келди», «Мардлик – мангулик», «Ҳикоя ва очерклар», «Ҳикоялар» каби китоблари китобхонларга манзур бўлган.

Зулфия

Ўзбекистон халқ шоираси. (1965). Меҳнат қаҳрамони (1984).

Зулфия Исроилова 1915 йилда Тошкентда таваллуд топиб, 1996 йили Тошкентда вафот этган. Шоир Ҳамид Олимжоннинг рафиқаси. Хотин-қизлар билим юртини битирган. У – «Ҳаёт varaқалари», «Темирой», «Шеърлар», «Ҳижрон кунларида», «Хулкар», «Ўйлар», «Висол», «Йиллар... йиллар» каби шеъррий тўпламлари муаллифи.

Халқаро Жавоҳарлаъл Неру (1962), «Нилуфар» мукофоти ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1970).

Шеърларидан памуна:

Соғиниб

Шу кунларда баҳорга зорман,
Навжувонлик ўти танда йўқ.
Куз сингари заъфар рухсорман,
Мевалар ҳам шохлардан узук.

Шу кунларда баҳорга зорман,
Танхасталик эзади руҳим.
Танҳо эмас, қаторда борман,
Яна нени излайди суқим?

Шу кунларда баҳорга зорман,
Шаффоф, ёрқин куй тилар кўнгул.
Яхшиямки, қаламга ёрман,
Сўзлаб турар бор дилимни ул.

Шу кунларда баҳорга зорман,
Ўз баҳорим каби бемисол.

Баҳор қайтмас, ёнувчи қорман,
Ё нўноқ қўл бутаган ниҳол.

Шу кунларда баҳорга зорман. (20- ж. – 64- б.)

Саида Зунунова

Саида Зунунова 1926 йилда Андижонда туғилган. 1977 йили Тошкент шаҳрида вафот этган. Ўрта Осиё давлат университети-нинг филология факультетини битирган. Унинг «Қизингиз ёзди», «Янги шеърлар», «Гуллар водийси», «Қизларжон», «Бир йил ўйлари», «Нилуфар» каби шеъррий тўпламлари, «Гулбаҳор», «Гулхан», «Олов», «Бўйларидан ўргилай» номли насрий асарлари чоп этилган.

Шеърларидан намуна:

Чўли Ирок

Тарихни сўзлама менга, эй одам,
Битга чалиб бергин «Чўли ирок»ни.
Битга чалиб бергин, токи яна ҳам
Яхширок ажратай қорани, окни.

Бу куй асрларнинг бағридан тортиб,
Чўлларда толиққан ҳорғин қарвондай.
Минг хил тақдирларни устига ортиб,
Қалбимдан жимираб ўтади қондай.

Тарихнинг энг олис қатламларида,
Армонда ухлаган орзу-аламлар.
Дунё манглайига ажин туширган
Дардни, қариликни яратган ғамлар.

Сахро чечагининг аянч қулгуси,
Ёмғирдан жон қирган тупроқнинг иси,

Ҳаммаси ўтади қалбимни ўйиб,
Туя бўйнидаги қўнғирокларнинг,
Ташналик эслатган жаранги бўлиб,
Ҳаммаси ўтади қалбимни ўйиб.

Тарихни сўзлама менга, эй одам,
Битта чалиб бергин «Чўли ирок»ни.
Битта чалиб бергин, токи яна ҳам
Яхшироқ ажратай қорани, окни.

Ҳаддидан ошганга уни чалиб бер,
Дўстлар дийдорини ғанимат билмай,
Саробга шошганга уни чалиб бер!
Чалиб бер, чалиб бер, андиша қилмай.
Ўтмишни сўзлама, ўтит керакмас,
Шу куйни бир марта чалиб берсанг, бас. (20- ж. – 93- б.)

Гулчеҳра Жўраева

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Гулчеҳра Жўраева 1937 йили Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика бўлимини битирган.

Адибанинг «Гул шайдоси», «Боғимда баҳор», «Ҳаяжон», «Умр – дарё», «Салом дўстлар», «Энг яқин юлдуз», «Достонлар», «Иқбол», «Меҳрим сизники» каби тўпламлари нашр этилган.

Шеърларидан намуна:

Қанот бер

Менга қушдай енгил қанот бер,
Ишлар юки букмасин қаддим.
Ок юзимни ювсин қора тер,
Меҳнатимдан юксалсин қадрим.

Менга қушдай енгил қанот бер,

Қояларга тегсин канотим.
Жиловини узиб қочган шер
Каби чопсин илхомим оти.

Тахлил қилсин шеъримни куёш,
Куйга солиб айтсин юлдузлар.
Ҳар юракка сирдош, охангдош
Алла каби сочилсин сўзлар.

Қўл-оёқдан кетмасин мадор,
Кўзларимдан сөвимасин нур.
Ҳеч кимсага этма мени зор.
Эй Оллоҳим, ўзинг қўллаб тур.

Менга қушдай енгил қапот бер,
Зил тошларим бўлсин чилпарчин.
Кимирда-ю кир ош, – юрак дер, –
Ғайратингда яшар чил барчин. (20- ж. – 136- б.)

Ойдин Ҳожиева

Ўзбекистон Халқ шоираси.

Ойдин Ҳожиева Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. «Шабнам», «Манзиллар», «Онам севган кўшик», «Орзу гули», «Тароват», «Достонлар», «Мушфик онажон», «Хушxabар», «Чашмаларни излайман», «Тамал тоши», «Ишонч юлдузлари», «Кўзимнинг оқу қораси», «Паноҳим» каби асарлар муаллифи.

«Эл- юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (1999).

Шеърларидан намуна:

Наврӯз

Ўриклар шохида ёнди минг чирок,
Пушти капалаклар кўнди бодомга.
Офтоб бир қиздирса, кўзлари қора
Лолақизғалдоққиз чиқволар томга.

Жиловсиз тойчоқдай югурар кишнаб,
Қиш бўйи эснаган эринчоқ сойлар.
Баҳор бисотидан кетади яшнаб
Келинчак уйидай кўҳна саройлар.

Сумалак бошида келинлар чечан
Лутфида дунё ишқ, сирга айланар.
Ёмғир қўбизини чалади шўхчан,
Сомонлар тиллога, дурга айланар.

Тарновда пат тараб ошиқ мусича
Шўх-шўх муччилашиб бахши бўлодир.
Каврак илдизию чўл андизича
Бол кириб, чечакдан яхши бўлодир.

Ҳазин мозористон дарахтлари-да
Армон гулларини тўзгитиб порлар.
Қабртошнинг видо дастхатларида
Хотира шуъласин ўқир баҳорлар.

Ҳаёт абадийдир. Ҳаёт ғанимат.
Довул қоқар жарчи, бонг урар Наврӯз.
Не чоғ сеҳргарсан, она-табиат,
Ҳар бир хужайрада ёқасан юлдуз.

Минг торли соз каби сасланар Инсон
Наврӯзий саболар оҳангида маст.
Тонггача баҳорий завқ ичра жаҳон
Бир кучоқ гулдаста бўлса, ажабмас. (20- ж. – 178- б.)

Халима Худойбердиева

Ўзбекистон Халқ шоираси (1992).

Халима Худойбердиева 1947 йили Сирдарё вилоятининг Боявут туманида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Илк муҳаббат», «Оқ олмалар», «Чаман», «Суянч тоғларим», «Бобо куёш», «Иссик қор», «Садоқат», «Муқаддас аёл», «Юрагимнинг оғриқ нуқталари», «Хурлик ўти», «Бу кунларга етганлар бор», «Сайланма», «Йўлдадирман» ва бошқа шеъррий китоблари мавжуд. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1990).

Шеърларидан намуна:

Олдимдан оккан сув

Яшамок фароғат, яшамок азоб,
Бекорга эгилмас Сиздан бошқа кўк,
Кўнгилларни овлаб умрим бўпти соб,
Сизнинг кетишингиз хаёлда ҳам йўқ.

Олдимдан оккан сув, бекадр сувим,
Умрида бир яйраб, ёзилмаганим.
Бор туриши шафқат, бори сир сувим,
То қуриб қолгунча сезилмаганим.

Бошқалар ёнимдан кетмасин дебман,
Вакт топиб уларга борибман тонг-кеч,
Бошқаларга озор етмасин дебман,
Сизга ҳам етишин ўйламабман ҳеч.

Бошқаларга чопдим шаҳар, кентда ман,
Бир қайтариб ё бир кесатмадингиз,
Манам ғаниматман, манам кетаман,
Деб нечун бир бора эслатмадингиз?
Онам, онам-а?! (20- ж. – 216- б.)

Уллибиби Отаева 1948 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1996 йилда Москва шахрида вафот этган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. «Нашида», «Бармоқлар сеҳри», «Замин дарғаси», «Шукрона» каби шеърый тўпламлари нашр этилган.

Шеърларидан намуна:

Торайиб қолгандир табиат бағри,
Менинг ҳам феъллим тор, ниятим баддир.
Эшигим қулфлоглик кундузи, туни,
Рухсат сўрамасдан, тақиллатмасдан
Киришга сиғмайди қўшнимнинг ҳадди.
Кун бўйи газ, тутун аралаш ҳаво,
Тушлари хорижий дори ошайман.
Ўз умрим ўтишин истайман ўзим,
Дам олиш ойига шошаман...
Торайиб қолгандир табиат, бари,
Кўзим тешилгудай кентлик сўрайман,
Тополмай гарангсиб, асабийлашиб,
Ўғлимга бакириб, қизим қарғайман.
Босинқираб ёмон тушлар кўраман,
Сувлар йўқ уларни оқзиб кетгулик.
Қаттиқ қўрққанингда, индамай туриб,
Сувлар йўқ бир зарб-ла ютгулик.
Ўзганинг галини кўтариш тутул,
Гоҳо ўз овозим малол ўзимга.
Сезилар юрагим, уйим торлиги,
Эрим меҳмон солиб келса изига.
Бу туйғу менга ор, менга уятдир,
Аламдан бош ургум бетон деворга:
– Деворжон, ҳеч йўқса, сен нари сурил, –
У эса етмайди ҳеч қачон зорга. (20- ж. – 240- б.)

Қутлибека Раҳимбоева

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1983).

Қутлибека Раҳимбоева 1952 йили Туркменистонга қарашли Тошхөвүзда таваллуд топган.

Фарғона педагогика институтининг филология факультетини битирган.

«Шухрат» медали билан мукофотланган (1999).

«Юрагимда кўрганларим», «Узун кундузлар», «Уйғониш фасли», «Озодлик», «Кўксимдаги тангри тоғ» каби шеъррий тўпламлари чоп этилган.

Шеърларидан намуна:

Қиш яхши

Тераклар ўхшамас озғин ўсмирга,
Букчайган чолларга ўхшамас толлар.
Қиш кийим тикдирди барига бирдай,
Окшомда қўли гул чеварлар ёллаб.

Кўпроқ кўрганига ишонар кўзинг,
Тефангда подшолик килар ок ранглар.
Шу хаёл ховурин иситиб кўксинг,
Лабингда чиройли овоз жаранглар.

Куёш киздирмайди, лекин ярқираб
Ёруғлик сочади. Ёруғлик азиз.
Бошингни деворга турмайсан тираб,
Топасан оёгинг сигадиған из.

Куйчисиз салтанат ғариб саналар,
Ғариблар сафига қўшилмайди қиш.
Муножот айтмаса ҳамки қарғалар,
Ҳар калай, хўқизмас, сайрайдиган қуш.

Дарёни соғинсанг, ётмайсан бўзлаб,
Кирғоққа чикасан. Қарайсан пастга.

Ўзини кўрсатмай хикматлар сўзлаб,
Тип-тиник дарёлар оқади аста.

Қиш яхши. Фақат бир кичик нуksi бор:
Йўллар муз. Муз амри билан юрасан.
Эркинда юрмакни этсанг ихтиёр,
Қулайсан. Манглайинг ёмон ёрасан. (20- ж. – 292- б.)

Фарида Бўтаева

Фарида Бўтаева – Фарида Афрўз 1956 йили Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтини битирган.

«Қиркқокиллигим», «Изтироб қўйлаги», «Тунлар исёни», «Кўзим маним...», «Ўзимдан ўзимгача», «Ушшоқ», «Тасбиҳ» каби шеърйй тўпламлари нашр этилган.

«Шухрат» медали билан тақдирланган.
Шеърларидан намуна:

Рух шамоли танни қакшатди,
Чақмоқ вужуд олов сачратди,
Кеча ёккан ёмғир чарчатди,
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Ўтган куним надомат, армон,
Ором билмас саргардон бу жон,
Эсиз, умр ўртада сарсон,
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Азал жонга завол андиша,
Бу дунёда ёлғиз ишқ пеша.
Айрилмоққа ўчмиз хамиша,
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Ўпиб турса сочларингни нур,
Бахт нелигин капалақдан сўр,

Не бўлса ҳам, тур, ўрнингдан тур,
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Ахир, сени кўрганим тушмас,
Хаёлингсиз хушларим кушмас,
Осмон синиб, заминга тушмас,
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Бир хўрсинсам, қайтиб келар сой,
«Айт, тилагинг айт», — деб келар сой,
Қайтиб жонни қай ердан олай,
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Тонгим балки армонларга соз,
Ишк қисмати иккимизга рост,
Мен энтикиб чорладим, холос,
Кел, бугунни байрам қилайлик. (20- ж. — 333- б.)

Зулфия Мўминова

Зулфия Мўминова 1959 йили Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. «Ватан ташлаб кетмайди», «Бешикларни асрагил дунё», «Ёнаётган аёл», «Азизим, бахтиёрман» каби шеъррий тўпламлари нашр этилган.

«Дўстлик» ордени билан тақдирланган (2000).

Шеърларидан намуна:

Алишмасман

Жоним Ватан, жон томиринг
Тиллоларга алишмасман.
Широк ўтган саҳроларинг
Дарёларга алишмасман.

Кўзим Ватан, каро кўзинг
Киёларга алишмасман.
Қаҳратонда қорларингни
Жавзоларга алишмасман.

Навойнинг ҳасратларин
Ҳаволарга алишмасман.
Шоҳ Бобурнинг фуқатларин
Рўёларга алишмасман.

Қадрим Ватан, дил дафтаринг
Иншоларга алишмасман.
Занги отам дуоларин
Шифоларга алишмасман.

Жоним Ватан, жон томиринг
Тиллоларга алишмасман.
Широқ ўтган саҳроларинг
Дарёларга алишмасман. (20- ж. – 378- б.)

Фароғат Камолова

Фароғат Камолова 1959 йили Жиззах вилоятининг Жиззах туманида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Осмон парчаси», «Узоқ сафарлар», «Баргизуб», «Ҳолатлар китоби» каби шеъррий тўпламлари нашр этилган.

Шеърларидан намуна:

Соҳир кўзларингда ғайр хаёли,
Рашк ила тўлғаниб қон бўлди гуллар.
Телбаланиб ўтди гулшан шамоли,
Бағри сўзон бўлди, боши нигунлар,
Пайкамадингиз.

Кўкнинг равоқидан тўкилди саслар,
Сизни ойдин нурлар жим ёрлақди.
Туннинг қароғидек қаро нарғислар,
Бошингизга тўккан нурни алқади—
Алқамадингиз.

Дарди бегоналар бегона бўлди,
Кўзнинг кўзгусида розлар балқиди.
Умид дилимизга афсона бўлди,
Ёр, дедик, саҳрою замин қалқиди—
Калқимадингиз.

Соҳир кўзингизда ғайр хаёли,
Ҳажрингиз мотами жонларга етди.
Сизни севганларнинг бевақт заволи
То саҳар бу даҳр гулшанин тутди.
Ёр демарингиз. (20- ж. — 384- б.)

Ҳалима Аҳмедова

Ҳалима Аҳмедова 1960 йили Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. «Кўзимнинг тили», «Тунги марварид гуллар», «Эрк даричаси», «Тийрамоҳ» каби шеъррий тўпламлари нашр этилган.

Шеърларидан намуна:

Хаёл кечалари қисмат боғида
Ёлғизликда адашган манму?
Оллоҳ, кафтларингда бир куни
Майса бўлиб эгиламанму?
Ёмғир каби ёғилса жоним,
Қароғларим бўлармикин жом?
Тиғ урилган бағрим қонига
Юрагини чаярму оқшом?

Мен нур бўлиб ўпсам жимгина
Дил шахрининг эртақларини.
Тилларида сўзлашаманму
Онам қабрин чечақларини?
Кушлар кўзин қорачиғида
Асир этиб кўмилган манму?
О, жаханнам оташи, сандан
Қочиб, санга интиламанму?
Кўз ёш каби силкиган жонни
Ичканида ичиккан дийдор.
Дил қонидан ман сархуш ўлсам,
Бандангманму, айт, Парвардигор?!
Хаёл кечалари қисмат боғида
Ёлғизликда адашган манму? (20- ж. — 396- б.)

Зебо Мирзаева

Зебо Мирзаева 1964 йили Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида таваллуд тошган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. «Тун маликаси», «Ажр», «Нур қуқунлари» каби шеъррий тўпламлар муаллифи.

Шеърларидан намуна:

Сахролар бағрида адашган
Илик ёмғирлардай ёғсайдинг.
Намиққан тупроқлар кўксиди
Маҳфуз гиёҳлардек уйғонсам...
Исминг хуш бўйлари тўқилса,
Рухинг тигроғида оқсайдим,
Оловли уммонни сиққорган
Тунги осмон каби тўлғонсам...
... Соянг тушиб ўтса нигоҳларимга!..
Қўлинг топиб борса қалбимни.
Овозинг сачраган ҳавога
Шивирлаб боссайдим лабимни!

... Овозинг ўпсайдим, овозинг...
Сукунат бўғриккан тунлардан
Суғуриб олсайди овозинг!
Дилимни ечсайдим беҳадик,
Кўрсайдинг кўлларим парвозин!
Нафасинг ўтидан яралсам,
Тушларимдан тушиб келсайдим.
Бир лаҳза ўзимни унутсам,
Бир лаҳза ўзимни билсайдим...
Берсайдинг рухимга тириклик,
Кўзларинг бир тола нурини,
Еллар оғушида чайқалган
Беҳуш майсаларнинг умрини...
... Йиқилсам, бағрингга йиқилсам,
Юрагингга етарми йўлим?
Оқиб бораяпман умрингга,
Кўлларимдан ушла, севгилим. (20- ж. – 436- б.)

Хосият Рустамова

Хосият Рустамова 1971 йили Наманган вилоятининг Чуст туманида таваллуд топган.

Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Осмондаги уй», «Нажот», «Ридо», «Девор» каби шеърӣ тўпламлар муаллифи.

«Шухрат» медали билан тақдирланган.

Шеърларидан намуна:

Сен қаддингни кўтар, тупрок

Мен онамни ерга эқдим,
Вужудимдан оқар титрок.
Мен отамни ерга эқдим,
Сен қаддингни кўтар, тупрок.

Йиғламадим юзим тирнаб,
О, баландлаб кетди бу ғам.
Оёғимдан чирмаб-чирмаб,
Мени ташлаб кетди оғам.

Тентирадим аро йўлда,
О, бу йўллар тентиради.
Мени бир кун Сизникига –
Буюк ғамлар келтиради.

Мен онамни ерга эқдим,
Мени кўйиб юбор, титроқ.
Мен отамни ерга эқдим,
Сен кадингни кўтар, тупроқ. (20- ж. – 470- б.)

ОЛИМЛАР РАВЗАСИ

Озод Шарофиддинов

Ўзбекистон Қаҳрамони (2002).

Шарофиддинов Озод Обидович 1929 йили Қўқонда таваллуд топган. 2005 йили Тошкент шаҳрида вафот этган. Адабиётшунос олим, танқидчи. Ўрта Осиё университетини битирган. «Тафаккур» журналида бош муҳаррир (1996–1997). «Жаҳон адабиёти» журналинда бош муҳаррир (1997). У «Замон. Қалб. Поэзия», «Адабий этюдлар», «Истеъдод жилолари», «Биринчи мўъжиза», «Адабиёт – ҳаёт дарслиги», «Ҳаёт билан ҳамнафас», «Гўзаллик излаб» номли асарлар муаллифи.

Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори (1970). «Меҳнат шуҳрати» (1997), «Буюк хизматлари учун» ордени (1999) билан мукофотланган. (Ўз. энц. 9- ж. – 694- б.)

Нажмиддин Комилов

Нажмиддин Комилов 1937 йили Тожикистоннинг Панжакент шаҳрида туғилган. 2012 йили Тошкент шаҳрида вафот этган. Адабиётшунос олим. Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. Филология фанлари доктори (1975), профессор (1991). «Ўзбек совет энциклопедияси» бош таҳририятида катта муҳаррир (1970–1971), Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида маслаҳатчи (1994–1995), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси (1999–2001).

Н. Комилов дастлаб таржима ва қиёсий адабиётшунослик, таржима тарихининг назарий масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борди. Матншунослик ва адабий жанрлар тараққиёти билан боғлиқ масалаларни ўрганиб, бир қатор илмий асарлар яратди. Кейинги йилларда унинг илмий фаолияти тасаввуф тарихи, асосий йўналишлари, тариқат, ҳақиқат тушунчаларига қаратилди. Шу

йўналишда у Аҳмад Ясавий, Нажмиддин Кубро, Аттор, Румий, Насафий, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотилари моҳиятини очиб берди. Атторнинг «Илоҳийнома», Султон Валаднинг «Маориф», Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақойик» ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» асарларини ўзбек тилига таржима қилди. (8- ж. – 677- б.)

Зокир Маъруфов

Зокир Маъруфович Маъруфов 1912 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 1984 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Тилшунос олим, луғатшунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Унинг иштирокида 5 жилдли «Русча-ўзбекча луғат», «Ўзбекча-русча луғат», «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Русча ўзбекча сўзлашгич» каби ишлар яратилган. (Ўз. энц. – 7-ж. 542- б.)

Ҳошимжон Раззоқов

Ҳошимжон Раззоқов 1916 йили Андижонда таваллуд топиб, 1982 йилда Андижонда оламдан ўтган. Адабиётшунос олим. Филология фанлари доктори (1972), профессор (1973). Тошкент педагогика институтини битирган. Асосий илмий иши ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор мавзуларига бағишланган. Фарғона воҳасида тарқалган фольклор намуналарини тўплаган, нащрага тайёрлаган, ўрганган. «Латифалар», «Гулёр» кўшиқлар тўплами, «Фарғона чашмалари» шеърлар тўплами, «Нодира» пьесасини ёзган. (Ўз. энц. 7- ж. – 241- б.)

Ғози Юнусов

Юнусов Ғози – Ғози Юнус 1893 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1938 йилда Тошкентда вафот этган. Тилшунос ва фольклор-

шунос олим. Анқаралаги «Ал-Азҳар» мадрасаси ва Туркиядаги университетда ўқиган. Самарқанд, Тошкент, Сирдарё вилоятларида бўлиб, халқ кўшиклари, мақоллари, жумбоклари, «Алпомиш» достонининг 2 қисмини (50 саҳифа), «Ҳийлакор кал», «Топқир кал», «Шумкал», «Тулки ва бедана», «Кимлар ўғри?», «Ўринсиз тилак», «Алдаган қози», «Енгилган подшоҳ» каби ҳикоятларни тўплаган. 1937 йили ҳабсга олинди, 1938 йилда отилган. 1989 йилда оқланган. (10- ж. – 329- б.)

Иброҳим Ғафуров

Ғафуров Иброҳим 1937 йили Тошкентда таваллуд топган. Адабиётшунос олим. Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир (1963).

Ғафуров Иброҳимнинг илмий фаолияти адабиётшунослик ва адабий танқиднинг муҳим масалаларига бағишланган. Бир қанча рус адибларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори (1989). «Дўстлик» ордени (1995) билан мукофотланган. (Ўз. энц. 11- ж. – 228- б.)

Айюб Ғуломов

Айюб Ғуломович Ғуломов 1914 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 1986 Тошкентда вафот этган. Тилшунос олим. Ўзбек тили илмий грамматикасининг асосчиларидан бири. Филология фанлари доктори (1958), профессор (1959). Тошкент педагогика институтининг филология факультетини битирган.

Айюб Ғуломовнинг илмий асарлари ўзбек тилшунослигининг фонетика ва грамматика, лексикология ва сўз ясалиши, услубшунослик ва нутқ маданияти, этимология ва лексикография соҳалари, ўзбек тили тарихи ва диалектологияси масалаларига бағишланган. (11- ж. – 243- б.)

Ҳасан Қудратуллоев

Ҳасан Қудратуллоев 1941 йили Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Мактабни битиргандан сўнг Самарқанд давлат университетининг тожик филологиясида таҳсил олган. Адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор. Бобуршунос олим, давлат ва жамоат арбоби. 1996–2006 йилларида Ангрндаги Тошкент давлат педагогика институти ректори лавозимида ишлаган. Бобур ҳақида бир неча тарихий асарлар ёзган. Жумладан, «Бобурнинг адабий эстетик карашлари», «Бобур армони» ва «Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси» каби монографик асарлари нашрдан чиққан.

Дурбек

Шоирнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XIV асрда Балхда яшаб ижод қилган. У ўзбек адабиёти тарихига «Юсуф ва Зулайхо» номли достони билан кирган.

Машҳур Шарқ ривояти асосида яратилган «Юсуф ва Зулайхо» достони ўзбек адабиёти тарихида бунёдга келган дастлабки ишқий-романтик достондир. Бу достоннинг шу сюжетда ёзилган бошқа асарлардан афзаллиги шундаки, ундаги Юсуф ва Зулайхо образи, икки севишган ёрнинг кечмиш ва кечирмишлари диний-мистик характердан анча узоқдир.

«Юсуф ва Зулайхо» достонидан парча:

Балх эрур даҳрға уммул-билод,
Мазҳари ислом тақи адлу дод.

Жумла ақобирнинг эди манзили,
Сокин эрур анда набию вали.

Бўлди фалак гардишидин дори зулм,
Халки анинг бўлди гирифтори зулм.

«Зод» эди тарих яна «ҳе»ю «дол»,
Муддати ҳижратдин ўтуб моҳу сол.

Қалъаи Балх бўлди чу дарвоза банд,
Пояи зулм ўлди бағоят баланд.

Айлади Қаҳҳор чу изҳор қаҳр,
Бўлди гирифтор халонқ ба шаҳр.

Ҳукм била кирди улус ичкари,
Ҳосили умрин қўюбон ташқари.

Шаҳр чу дўзах киби зиндон эди,
Ташкари бир равзан ризвон эди.

Ташкари эрди бори боғу роғ, наим,
Шаҳр ичида эрди баса дарду доғ... 2- ж. – 49- б.)

Саидмурод Паноҳ ўғли

Саидмурод Паноҳ ўғли 1858 йили Бухорода таваллуд топиб, 1945 йилда Бухорода вафот этган. Достончи адиб. Ёшлигидан достон ёдлаш ва соз чалишни ўрганган. «Гўрўғли», «Гўрўғли туркум достонлари», «Одилхон», «Ширин ва Шакар», «Кунтуғмиш», «Аҳмадхон», «Юсуф билан Аҳмад», «Санобар», «Ошиқ Ғариб», «Мастон кампир», «Чўпон киз» каби 20 га яқин халқ достонларини маҳорат билан куйлаган. Адиб сифатида «Амирнинг ўлпончиларига қарши», «Кунларим», «Гулзорим бор» каби асарлар муаллифи. (Ўз. энц. 7- ж. 421- б.)

Раҳматулло Юсуф ўғли

Раҳматулло Юсуф ўғли 1917 йили Самарканд вилоятининг Нурота туманида таваллуд топган. 1987 йилда вафот этган. Халқ достончиси. Қўрғон достончилик мактаби вакили. Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Пўлкан Муҳаммадқул Жомурод ўғлининг шогирди. Ундан «Тоҳир ва Зухра», «Суманбар», «Зевархон», «Варқа ва Гулшоҳ», «Рустамхон», «Алпомиш» ва бошқа 20 дан ортиқ достонлар, термалар, ўзи ижод қилган шеърлар ёзиб олинган, баъзиларини ўзи хатга туширган. (Ўз. энц. 7- ж. – 277- б.)

Нурмон Абдувой ўгли

Нурмон Абдувой ўгли 1862 йили Пойарик туманида таваллуд топиб, 1940 йилда вафот этган. Ўзбек халқ дostonчиси. Халқ орасида озодфикр дostonларни айтганлиги боис қамокқа олиниб, қийноққа солинган, майиб ҳолда қамокдан чиққан. У 20 дан ортиқ анъанавий дostonларни куйлаб келган. Шоирдан «Кунтуғмиш», «Орзигул», «Намоз» каби дostonлар қолган.

Умир Сафар ўгли

Умир Сафар ўгли – Умар бахши, 1894 йили Сурхондарё вилояти Шеробод туманида таваллуд топиб, 1966 йилда Дехқонободда вафот этган. Дostonчи. Шеробод дostonчилик мактаби вакили. Шерна бахшининг шогирди. Отаси ва амакиси ҳам дostonчи бўлган. Тарихий ҳужжатлар асосида «Қорақум», «Дастагул» каби замонавий асарлар ёзган. (Ўз. энц. 9- ж. 93- б.)

Усмон Маматқул ўгли

Усмон Маматқул ўгли 1880 йили Учқўрғон туманида таваллуд топган. 1941 йилда ўша ерда вафот этган. Ўзбек халқ дostonчиси. Ундан «Бўтакўз», «Шохдорхон», «Юлдуз билан Қундуз» дostonлари ёзиб олинган. «Бўтакўз», «Шохдорхон» дostonлари алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. (Ўз. энц. 9- ж. – 135- б.)

Фозил Йўлдош

Фозил Йўлдош ўгли 1872 йили Жиззах вилоятининг Бахмал туманида таваллуд топган. 1955 йилда Самарқандда вафот этган. Ўзбек халқ шоири, бахши. Йўлдош мулла Муроднинг шогирди.

Булуңгур дostonчилик мактабининг энг йирик вакили. Фозил Йўлдошнинг репертуари мавзу ва жанр жихатидан бой. У 40 дан ортик дostonларни ёддан билган ва юксак махорат билан куйлаган. Ундан «Алпомиш», «Юсуф билан Ахмад», «Муродхон», «Рустамхон», «Ширин билан Шакар», «Гўрўғлининг туғилиши», «Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши», «Малика айёр», «Машрико», «Зулфизар», «Балогардон», «Интизор», «Нурали», «Жахонгир», «Зевархон», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ошик Ғариб» каби дostonлар ёзиб олинган. (Ўз. энц. 9- ж. – 272- б.)

Шоберди Бахши

Шоберди Бахши – Болтаев Шоберди 1944 Бойсун туманида таваллуд топган. Ўзбекистон халқ бахшиси (2000). Термиз университетининг педагогика факультетини битирган. Дostonчиликни Хушбоқ бахшидан ўрганган. Илк ижодини термалар айтишдан бошлаган. «Ойпар», «Оғажон», «Нима ямон – шу ямон», «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Ойпарча», «Санам Гавҳар», «Олтин кабоқ», «Сулувхон» каби дostonларни ижро этган. (10- ж. – 88- б.)

Эгамберди Олломурад ўғли

Эгамберди Олломурад ўғли 1895 йили Хатирчи туманида таваллуд топган. 1980 йилда ўша ерда вафот этган. Ўзбек халқ дostonчиси. Дехқон-бахши оиласида туғилган. Отаси Олломурад бахшидан дostonчилик йўлларини ўрганган. Ўз қишлоғида муқим яшган Эгамберди Олломурад ўғлидан «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Авазхон» каби дostonлар ёзиб олинган. (10- ж. – 146- б.)

Эргаш Жуманбулбул ўғли

Эргаш Жуманбулбул ўғли 1868 йили Самарқанд вилоятида таваллуд топган. 1937 йилда ўша ерда вафот этган. Ўзбек халқ шоири, дostonчи. Деҳқон-dostonчи оиласида таваллуд топган. Етти пушти dostonчи ўтган. Унинг ижоди бой ва ранг-баранг. «Якка Аҳмад», «Алпомиш», «Алибек билан Балибек», «Далли», «Равшан», «Қундуз билан Юлдуз», «Гўрўғлининг туғилиши», «Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши», «Авазхон», «Хуш келди», «Холдорхон», «Нурали», «Хиромон», «Тўлимбий», «Қиронхон», «Ошиқ ва Ғариб», «Қумри», «Вомиқ ва Узро» каби dostonларни ёд билган. (Ўз. энц. 10- ж. – 240- б.)

Эшчон Бахши

Эшчон Бахши Қўспўлатов 1901 йили Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманида таваллуд топган. 1952 йилда вафот этган. Қорақалпоғистон (1945) ва Ўзбекистон (1950) халқ dostonчиси унвонига сазовор бўлган. Шерна бахшининг шогирди. Ёшлигидан халқ кўшиқларини, dostonлардан парчаларни кўйлаб юрган. «Шодлик кўпиғи», «Шодлик замон» каби халқ кўшиқларини яратган. (Ўз. энц. 10- ж. – 301- б.)

Юсуф Ўтаган ўғли

Юсуф Ўтаган ўғли 1915 йили Шеробод туманида таваллуд топиб, 1993 йили ўша ерда вафот қилган. Dostonчи. Мардонакул Авлиёкулнинг шогирди. Бахшилар оиласида туғилган. Ёшлигидан терма ва dostonлардан парчалар айта бошлаган. Юсуф Ўтаган ўғлидан «Шониёз подшо», «Нурали», «Санам Гавҳар», «Малла савдогар», «Шаҳиднома» каби dostonлар, бир қанча эртаклар ёзиб олинган. (Ўз. энц. 10. – 348- б.)

Қахҳор Бахши

Қахҳор Бахши – Абдуқахҳор Қодир ўғли Раҳимов 1958 йили Деҳқонобод туманида таваллуд тошган. Қодир бахшининг ўғли. Қарши давлат педагогика институтини тугатган.

«Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Ёдгор», «Юсуф ва Зулайхо», «Болойим», «Рустамхон», «Ойсулув», «Балогардон», «Оллоназар», «Олчинбек», «Муродхон», «Соҳибқирон», «Нурали ва Семурғ», «Малика айёр», «Чамбил қамари», «Келиной», «Ёзи билан Зебо» каби 30 дан ортиқ дostonларни ёд билган. (Ўз. энц. 10- ж. – 634- б.)

Шерна Бахши

Шерна Бахши – Шерназар Бекназар ўғли, 1885 йили Шеробод туманида таваллуд тошган. Бахши, дostonчи. Шеробод дostonчилик мактаби вакили. Бахшилар оиласида туғилган. Ёшлигидан дўмбра чалиб, куйлай бошлаган. Қосим бахшининг шогирди. 50 дан ортиқ дoston, термаларни билган. 20 дан ортиқ шогирдлар чиқарган. Тожикистон ва Туркменистонда ҳам машҳур бўлган. (Ўз. энц. 10- ж. – 45- б.)

Қодир Бахши

Қодир Бахши – Абди Раҳимов, 1937 йили Деҳқонобод туманида таваллуд тошган. 1986 йилда вафот этган. Бухоро педагогика институтини битирган. Бахшилик сирларини дастлаб бобоси Турди бахшидан ўрганган. Сўнг Умир шоир Сафарга шогирд тушган. 18 ёшида мустақил дostonчи бўлиб етишган. «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Ёдгор», «Юсуф ва Зулайхо», «Юсуф билан Аҳмад», «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғли ва Юнус пари», «Зайдиной», «Шаҳиднома» каби 70 дан ортиқ дostonлар, терма ва эртақларни ёд билган. (Ўз. энц. 11- ж. – 37- б.)

Қурбонбой

Қурбонбой Тожибой ўғли 1876 йили Тўртқўл туманида таваллуд топган. 1958 йили вафот этган. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ дostonчиси. Жиянмурод Жиров шогирди. Дostonларни ўзбек ва қорақалпоқ тилларида куйлаган. Репертуарида 20 дан ортик дoston бор. Жумладан: «Алпомиш», «Қирқ киз», «Ширин билан Шакар» ва ғайралар. (Ўз. энц. 11- ж. – 154- б.)

Ҳазратқул Бахши

Ҳазратқул Худойбердиев 1920 йили Қамаши туманида таваллуд топган. Қамаши дostonчилик мактабининг вакили. Душанбе институтини битирган. Унинг репертуарида «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғли билан Юнуспари», «Авазхон», «Авазнинг арази», «Нурали ва Ойхумор», «Алпомиш» каби дostonлар бор. (Ўз. энц. 11- ж. – 271- б.)

МАЪРИФАТПАРВАР АДИБЛАР РАВЗАСИ

Мўминжон Муҳаммаджонов

Муҳаммаджонов Мўминжон (тахаллуси – Тошқин) 1883 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 1964 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Ёзувчи, маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракатининг намояндаси. Тошкент ва Уфа мадрасаларида таълим олган. Тошкент, Намангон, Қўқон, Андижон, Ўш, Жалолобод, Шахрисабз ва бошқа шаҳарларда янги усулдаги мактаб очган. Ундан «Турмуш уринишлари» номли китоб қолган. (Ўз. энц. 11–197- б.)

Муҳаммадрасул Расулий

Муҳаммадрасул Расулий 1884 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1935 йили Тошкентда оламдан ўтган. Ўзбек маърифатпарвари, педагог. Тошкентдаги Бекларбеги мадрасасида ўқиган, рус-тузем мактабларида дарс берган. Адиб «Раҳбари форсий», «Қироати форсий ёхуд мунтахаби Гулистон», «Болалар боғчаси» номли асарлар ёзган. (11- ж. – 199- б.)

Аваз Ўтар

Аваз Ўтар ўғли 1884 йили Хивада сартарош оиласида таваллуд топган. 1919 йилда Хивада вафот этган. Авазнинг отаси Ўтар Бобо адабиёт, санъатга кизиқар, замонасининг олим ва шоирлари билан ҳамсуҳбат киши эди. У ўғли Авазнинг тарбиясига катта эътибор берган. Аваз 14 ёшидан шеър ёза бошлаган, 16 ёшга киргач, мадрасада таҳсил олган. Аваз Алишер Навоий, Мунис Хоразмий, Комил Хоразмий, Огаҳий ва бошқа шоирлар асарларини ҳавас билан мутолаа қилган. Шоирнинг девони мавжуд, унда талайгина ҳажвий

сатрлари замонанинг адолатсизлигидан дарак беради. Маърифат-парвар шоир халкчиллик руҳида кўп шеърлар ёзган.

Шоирнинг ғазалларидан намуна:

Эй париваш, бевафолик айлама,
Ким кўп эмди пур жафолиғ айлама.

Эйки, истарсан тарабни даҳр аро,
Ишк аро бедаст-полиғ айлама.

Оқил эрсанг, асли ишк ичра кириб,
Нотавону бенаволиғ айлама.

Гар муродинг етмас эрса ёрға,
Ғайр кўйида гадолиғ айлама.

Ким тарики факр аро солиқ эсанг,
Хусрави кишварқушолиғ айлама.

Эй Аваз, бўлсанг ғарибу нотавон,
Хону бойға ошнолиғ айлама. (3- ж. – 376- б.)

Завқий

Убайдулла Завқий Солиҳ ўғли 1853 йили Қўқон шаҳрида маҳсидўз оиласида дунёга келган. Шоир 1921 йилда зиндонда соғлиғиши йўқотиб оламдан ўтган. Қўқон мадрасаларида ўқиб хат-савод чиқарган. Оиланинг ночорлиги туфайли мадрасаларда яхши таҳсил ололмай, оиласи учун кўп меҳнат қилишга мажбур бўлган. Адабий ижодга бўлган хавас Завқийда эрта уйғонган. Шоир Завқий Муқимий ва Фуркат билан яқиндан таниш бўлган. Улар билан мушоиралар ўтказган. Фуркат ва Муқимийлар таъсири остида Завқий ҳам демократ ва маърифатпарвар шоир сифатида халқ орасида шуҳрат қозонган.

Шеърларидан намуна:

Каждор замона

Ғаддор фалак ситам нишона,
Каждор, мариз, эй замона!

Яхши хама даҳр аро нигунсор,
Ҳар ерда ривождур ёмона.

Ҳеч камбағал ўлмагай қариндош,
Бойларни биров демас бегона.

Пул бўлса кифоя, майли, душман,
Бепул қарамайди дўст жона.

Зоғу зағани юрубди озод,
Булбулга қафас берур замона.

Сардорлар ўлди беҳирадлар
Ақл аҳлининг баҳри тўлди қона.

Эй теззабону мардумозор,
Қил фикр, не иш эрур чаёна?

Эй, таънида шикваи замондин
Завқий, ишинг ўлди бу фасона. (3- ж. – 402- б.)

Мирмуҳсин

Мирмуҳсин Шермуҳаммедов 1895 йили Тошкентда таваллуд тошган. 1929 йилда Тошкент шаҳрида оламдан ўтган. Ёзувчи ва журналист. Ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири. Уфадаги «Олния» мадрасасида ўқиган. Бир қанча шеърлар, ҳикоялар муаллифи. (14- ж. –7- б.)

Наим Саид

Маорифпарвар, журналист, таржимон.

Саидов Наим 1902 йили Қўқонда таваллуд топиб, 1939 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Қўқондаги мадраса ва намунавий мактабда дарс олган. Саид Наим араб ёзувидан латин ёзувига ўтиш жараёнида халқ оmmasи саводсиз бўлиб қолмаслиги учун «Катталар учун алифбо», «Чала саводлилар учун алифбо», «Кўрлар учун алифбо», «Саводсизлар учун ўқиш китоби» сингари ўқув қўлланмаларни яратган. Ёшлар ўртасида миллатчилик кайфиятини таркатганликда айбланиб хибсга олинган. 1938 йилда қамокхонада вафот этган. (11–245- б).

Исмоил Обидий

Обидий Исмоил Элдинович 1880 йили Ғулжада таваллуд топиб, 1941 йили Краснодар ўлкасида оламдан ўтган. Журналист, жамоат арбоби, ўзбек даврий матбуотининг асосчиларидан бири. Ўзбек ва татар маорифпарварлари ёрдамида жадидларнинг «Тараққий» деган газетасини чиқарган. Жадидлар ўртасида «Исмоил Тараққий» деб ном чиқарган.

Авлоний

Абдулла Авлоний 1878 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1934 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Маорифпарвар, журналист, давлат ва жамоат арбоби. Араб, форс, рус тилларини мукаммал ўрганган олим. Адиб сифатида ўзбек мактаблари учун 7- синф «Адабиёт хрестоматияси»ни тузди. Шоир сифатида 400 мисрадан ортиқ шеър ёзган.

Ажзий

Саидахмад Ҳасанхўжа ўгли Сиддикий – Ажзий, 1864 йили Самарқандда таваллуд топиб, 1927 йилда Самарқандда вафот этган.

Маорифпарвар, шоир, таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Саёҳатчи сифатида Кавказ ва бир қатор араб мамлакатларини саёҳат қилган. Шоир сифатида «Айн ул-адаб», «Ганжинаи ҳикмат» каби шеърӣ тўпламлари чиққан. «Миръоти ибрат», «Анжумани арвоҳ» сингари дostonлари чоп этилган. Услубда Фузулий ва Бедилга пайравлик қилган.

Ашурали Зоҳирӣ

Маърифатпарвар, журналист.

Ашурали Зоҳирӣ 1937 йили Қўқон шаҳрига яқин жойда таваллуд топган. Қўқон мадрасаларида таҳсил кўрган. Араб, форс, турк, рус, татар тилларини яхши билган. Рус-тузем мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанларидан дарс берган. Қўқонда «Ғайрат» номли хусусӣ нашриёт ташкил қилган. Ўзбек тилида биринчи бўлиб бошланғич синфлар учун «Имло» дарслигини яратган. Адиб «Русча-ўзбекча луғат» тузган. 1930- йилда камокқа олиниб, 10 йилга ҳукм қилинган ва муддатидан олдин озод этилган. Аммо 1937 йили иккинчи бор яна камокқа олинган ва қатл этилган.

Исҳоқхон Ибрат

Исҳоқхон Ибрат 1886 йили Тўрақўрғонда боғбон оиласида таваллуд топган. 1937 йилда вафот этган. Ибрат маърифатпарвар, шоир, тилшунос ва тарихшунос олим. У дастлабки маълумотни онаси Хурбиби мактабида олади. Кейинроқ Қўқон мадрасаларида таълимни давом эттиради. У бир қатор чет мамлакатларида саёҳат қилиб келади. Жумладан, Истамбул, София, Афина, Рим

шаҳарларида бўлган. Ибрат «Луғати ситти ас-сина», «Жомеъ ул-хутут», «Илми Ибрат» каби асарлар муаллифи. (А. н. 534- б.)

Шеърларидан намуна:

Тириклик заҳматидин ушбу кунлардан қалайсизлар?
Бу қимматлик йили буғдою унлардан қалайсизлар?

Ҳамани кўймади ўз холига, ташвишлар солди,
Мушавваш айлаган бу аҳли дунлардан қалайсизлар?

Жаҳон ҳеч кимга гардиш этмади икболима таври,
Замона холи мол кофу нунлардин қалайсизлар?

Босиб халқи жаҳонни айлади торож ўғрилар,
Саломат ётдигизму, бўйла тунлардан қалайсизлар?

Фасоду олам этти шу каби ҳар ерда инсонни,
Бу тарзда фитнаю торож бунлардан қалайсизлар?

Ки ҳар бир кимсада минг хил аламоти киёматлар,
Машаккат вақтини умри ўришлардан қалайсизлар?

Абдулла Қодирий

Улуғ ўзбек ёзувчиси ва маърифатпарвар Абдулла Қодирий–Жулқунбой, 1894 йили Тошкент шаҳрида туғилиб, 1938 йили оламдан ўтган. Шоир Абдулла Қодирий 1924 йили Москвадаги журналистлар институтида таҳсил олган. Қодирийнинг ижоди 1913 йилда бошланган. Унинг «Ахволимиз», «Миллатимга», «Тўй» номли шеърлари «Оина» газетасида босилиб чиққан. Кейинроқ унинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» каби романи чикқан ва адибга шуҳрат келтирган.

1990 йилда А. Қодирий номидаги Республика Давлат мукофоти таъсис этилди.

Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти лауреати (1991). (24-ж. – 30- б).

Чўлпон

Абдулхамид Сулаймон ўгли – Чўлпон, 1897 йили Андижон шаҳрида деҳқон оиласида таваллуд топган ва 1938 йилда вафот этган. Чўлпоннинг отаси ўз даврининг маърифатпарвар кишиларидан бўлган. У «Расво» тахаллуси билан шеърлар ёзган ва ҳатто девон тузган. У аввал эски мактабда, кейин Тошкент ва Андижон мактабларида таҳсил олган. Чўлпон форс, араб, турк, рус тилларини яхши ўрганган. У Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Деҳлавий, Умар Хайём асарларини кунт билан ўрганиб чиққан. Маърифатпарварлик таъсирида тарбия олиб, Бехбудий, Авлонийлар каби маърифат тарғиботчиси ва маърифатпарвар адиб сифатида шуҳрат қозонган. Чўлпон ҳам Фитрат ва Абдулла Қодирий каби қатағон сиёсати қурбони бўлган. 1938 йили отиб ташлапган.

Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти лауреати (1991).
(24- ж. – 30- б.)

Шеърларидан намуна:

Кўнглимда йиғлаган
Малаклар кимлар?
Шарқнинг оналари,
Қаршимда инграган бу
Жонлар кимлар?
Қуллар ўлкасининг
Инсонларими? (24-ж. – 34- б.)

Ғулом Зафарий

Ғулом Зафарий 1889 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Аввал эски мактабда, кейин хусусий мактабда таълим олган.

Ғулом Зафарий кўп қиррали ижод соҳиби бўлиб, у ўзбек миллий театри, театр танқидчилиги, мусиқа тарихи ва назарияси, умуман, ўзбек адабиётининг ривожига ҳисса қўшган адибдир. «Баҳор»,

«Бунавша», «Тўскинчилик», «Ёркиной», «Рахмли ўқитувчи», «Мозорликда», «Мақталган киши», «Татимбой ота», «Чўпон Темир», «Ёшлар энди берилмас» каби дoston ва пьесалар муаллифи. (24- ж. – 25- б.)

Ғулом Зафарий 1937 йилда катагонга учраб, 1938 йилда қатл этилган.

Ҳабибий

Ҳабибий 1890 йили Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида деҳқон oilасида таваллуд топиб, 1982 йилда вафот этган. У Қўқон мадрасаларида таълим олган. Унинг «Кўнгил тароналари», «Танланган асарлар», «Девон» каби шеъррий тўпламлари чиққан.

Шеърларидан намуна:

Эй, хур ватаним, тоза тану жон ила севдим,
Жон ила тану покиза виждон ила севдим. (24- ж. – 27- б.)

Иброҳим Даврон

Иброҳим Даврон – Мирзоаъзам Иброҳим ўғли, 1874 йили Қўқон шаҳрида таваллуд топиб, 1922 йилда Қўқонда вафот этган. Ўзбек шоири, маърифатпарвар, драматург ва публицист. Иброҳим Даврон, асосан, пьесалар, мақола ва шеърлар ёзган. Унинг «Ашъори нисвон», «Туркча фиғонлар», «Олтин сўзлар», «Таълим жуғрофияси», «Маданий жумбоқлар» номли шеър ва топишмоқ тўпламлари нашр этилган. (8- ж. – 63- б.)

Камий

Камий – Каримбек Шарифбек ўғли, 1864 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1923 йилда Тошкентда вафот этган. Ўзбек шоири, маърифатпарвар. Тошкентдаги Бекларбеги мадрасасида таҳсил

олган. Сидқий, Хислат, Минкин, Тавалло каби шоирлар Камийнинг шогирдлари эди. Камий Муқимий ва Фурқат билан яқин муносабатда бўлган. (8- ж. – 417- б.)

Шокиржон Раҳимий

Раҳимий Шокиржон 1898 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1938 йилда камокка олиниб, отиб ташланган. Маърифатпарвар. Аввал отаси қўлида савод чиқариб, кейин мадрасада, усули жадид мактабида ва рус-тузем мактабларида таълим олган. Раҳимий 1912 йилдан бошлаб усули жадид мактабалари ва турли ўқув юртлари учун қўлланмалар нашр эттирган. 1937 йили «халқ душмани» сифатида камокка олиниб, отиб ташланган. (Ўз. энц. 7- ж. – 269- б.)

Раҳмат Мажидий

Раҳмат Мажидий 1906 йили Хива шаҳрида таваллуд топиб, 1986 йилда Тошкентда вафот этган. Маърифатпарвар, адабиётшунос олим. Оренбургдаги «Хусайния» мактабида ўқиган. Хоразм инқилобидан сўнг Тошкентга келиб турли мактабларда фаолият юритган. Сўнгра Москва университетининг ҳуқук факультетида ўқиган. Ёзувчилар уюшмаси раиси (1934). 1940 йили қатағонга учраган. 1950 йилда оқланган. Адиб сифатида «Истеъдод ва бурч», «Огаҳий лирикаси» китоблари муаллифи. (Ўз. энц. 7- ж. – 274- б.)

Исматулла Раҳматуллаев

Раҳматуллаев Исматулла (Раҳматуллозода) 1883 йили Самарқандда таваллуд топиб, 1962 йилда вафот этган. Жадид маърифатпарвари, педагог. Абдукодир Шуқурийнинг «Усули савтия»

мактабида таълим олган. Адиб сифатида янги мактаблар учун дарслик ва қўлланмаларни ўзбек ва тожик тилларида ёзган. (Ўз. энц. 7- ж. – 276- б.)

Саидрасул Саидазизов

Саидазизов Саидрасул 1866 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1933 йилда Тошкентда вафот этган. Маърифатпарвар, шоир, таржимон. Тошкент мадрасасида таҳсил олган, кейин рус-тузем мактабида ўқиган. Зуллисонайн шоир ўзбек, тожик ва араб тилларида ижод қилган. У – ғазал, фард, рубоий, тарих ва бошқа жанрдаги шеърлар, публицистик мақолалар, «Устози аввал» дарслиги муаллифи. Айрим рус муаллифларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. (Ўз. энц. 7- ж. – 420- б.)

Мусожон Саиджонов

Саиджонов Мусожон Йўлдошевич 1893 йили Бухорода таваллуд топиб, 1937 йилда Тошкентда вафот этган. Бухорода жадидчилик ҳаракатининг намояндаси, маърифатпарвар, тарихчи олим, профессор (1935). Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. Когондаги рус-тузем мактабида ўқиган. Тошкентда ўқитувчилар институтини битирган. Молия нозири (1922). Маориф нозири (1923–1924). Илмий фаолияти учун олимга профессор унвони берилган. «Шаҳрисабз меъморий ёдгорликлари тарихи», «Самарқанднинг меморий ёдгорликлари», «Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг вақфномаси» каби асарлар муаллифи. 1937 йили Самарқандда қамокқа олинган ва отиб ташланган. (Ўз. энц. 7- ж. – 421- б.)

Саидризо Ализода

Саидризо Ализода 1887 йили Самарқандда таваллуд топиб, 1945 йилда Владимир шаҳрида вафот этган. Маърифатпарвар, таржимон, шоир ва олим. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Илк таҳсилни Самарқанд мадрасаларида олган. Мустақил мутолаа билан рус, француз, араб, италян, яҳудий, курд, инглиз, урду тилларини ўрганган. Ёшлигидаёқ «Низомнома», «Рисолату-иттиҳодия» каби асарлари билан танилган. Таржимон сифатида кўпгина хорижий муаллифларнинг асарларини ўзбек ва тожик тилларига таржима қилган. 1937 йилда қамалган ва сиёсий маҳбусликда вафот этган. (Ўз. энц. 7- ж. – 423- б.)

Сирож Ҳаким

Сирож Ҳаким – Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухорий ибни Ҳожи Мирзо Абдурауф, 1877 йили Бухорода таваллуд топиб, 1914 йилда Бухорода вафот этган. Маърифатпарвар шоир, табиб, сайёх. Йирик савдогар oilасида туғилган. Форс, француз, рус тилларини мукаммал билган. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Техрондаги Америка тиббиёт коллежида ўқиган ва бир муддат ишлаган. Берн университети (Швейцария) тиббиёт факультетида ўқиган. Кўп сафар қилган. Кўп йиллик саёхат ва сафарлари маҳсули бўлиши «Тухфаи аҳли Бухоро» асарини тожик тилида ёзган. Шоирдан ўзбек ва тожик тилларида ёзган шеърлари қолган. (Ўз. энц. 7- ж. – 650- б.)

Муҳаммадамин Фахруддинов

Фахруддинов Муҳаммадамин 1894 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 1941 йили Тошкентда вафот этган. Маърифатпарвар, педагог. Тошкент мадрасаларида ва рус-тузем мактабида ўқиган.

Фахруддинов янги усулдаги мактаблар учун ўзбек тили дарслиги («Туркча коида»), алифбе китоби («Раҳбари аввал»), географиядан «Жуғрофияи риёзий» деган асарлар ёзган. (Ўз. энц. 9- ж. – 211- б.)

Муҳаммаджон Холиқий

Холиқий Муҳаммаджон 1890 йили Қўқон шаҳрида таваллуд тошиб, 1938 йилда Бухорода вафот этган. Маърифатпарвар ва педагог. Қўқон ва Бухоро мадрасаларида тахсил олган. У «Туркий алифбо» дарслиги ва «Жумҳурият нима?» рисоласи муаллифи. (Ўз. энц. 9- ж. – 455- б.)

Пўлатжон Қаюмов

Қаюмов Пўлатжон 1885 йили Қўқонда таваллуд тошиб, 1964 йилда Қўқонда вафот этган. Маърифатпарвар, педагог ва таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1944). Қаюмов Пўлатжон – Азиз ва Лазиз Қайюмовларнинг отаси. Шаҳар мадрасаси ва рус-тузем мактабда ўқиган. Қўқонда янги типдаги мактаб очиб, Ҳамза Ниёзий, Ибодий, Холиқийлар билан ҳамкорлик қилган. «Тазкиран Қайюмий» асарида 134 нафар адибларнинг ҳаётини ёритиб берган. (10- ж. – 580- б.)

Абдурахмон Гойибий

Гойибий Абдурахмон 1899 йили Марғилон шаҳрида таваллуд тошиб, 1931 йили Москвада вафот этган. Маърифатпарвар, педагог. Оренбургдаги Мадрасаи Хусайнияда ва рус-тузем мактабда ўқиган. Тошкент маориф институтини битирган. Араб, тожик, рус, турк тилларини яхши билган. 1931 йили миллатчи сифатида қамокка олинган. У – «Ёзувимизни лотинга ўтказиш», «Она тили

ва адабиётдан ўқитиш йўллари», «Катталарни қандай ўқитиш керак?» ўқув қўлланмалари муаллифи. (11- ж. – 237- б.)

Ҳожи Муин

Ҳожи Муин Шукрулло ўғли 1883 йилда Самарқандда таваллуд тошиб, 1942 йилда Россиянинг Пермь шаҳрида вафот этган. Маърифатпарвар, шоир. 1901 йилда ҳаж сафаридан қайтгач, мактаб очиб, болаларни ўқитган. Авваллари эски усулда, кейин эса янги усулда таълим берган. «Раҳнамои савод» (алифбе) ёзган. Зуллisonайн шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. У «Хуррият», «Меҳнаткашлар ўқи», «Меҳнаткашлар товуши», «Зарафшон», «Овози тожик» газеталари ҳамда «Таёқ», «Машраб», «Мушфиқий» журналларида ишлаган. Наҳиф, Меҳрий таҳаллуслари билан шеърлар ёзган. Унинг «Гулдастан адабиёт» ва «Янги адабиёт» шеъррий тўпламлари нашр этирилган. (112- ж. 367- б.)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРЛАРИ РАВЗАСИ

Фахрий унвон

Ўзбекистон Республикаси фукароларининг алохида хизматларини юксак эътироф этиш шаклларида бири. Фукароларни меҳнатдаги хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун уларни рағбалантириш мақсадида берилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига киради. Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти беради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йили 26 апрелдаги қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Халқ шоири» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Халқ ёзувчиси» унвонлари таъсис этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари берилган шахсларга белгиланган намунадаги кўкрак нишони ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топширилади. Фахрий унвон билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлардан фойдаланадилар. Фахрий унвон тақдоран берилмайди. (Ўз. энц. 9- ж. – 211- б.)

Мир Обид

Мир Обид, Ҳасанхожа Нисорийнинг маълумотларига биноан Хиротда таваллуд топиб, яшаб ижод қилган шоирлардан. Зуллисонайн шоир бўлиб, икки тилда – туркий ва форсийда шеърлари бор.

Ўзбекча шеърятидан намуна:

Эй сабо, зулфини ҳар лаҳза намоён этма,
Гирехни очмаву кўнглумни паришон этма.

Тоҷикча шеърятидан намуна:

Бар суфаи факр шину нигор чунон,
Бар тахт нишастайи Сулаймон шуда. («Музаққир ул-аҳбоб». – 177-б.)

Муҳаммадшариф Сўфизода

Ўзбекистон Халқ шоири (1926).

Муҳаммадшариф Сўфизода 1869 йили Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида пичокчи қосиб оиласида туғилган. 1937 йилда вафот этган. У демократик ва маърифатпарварлик даври адабиёти анъаналарини фаол давом эттириб, янги давр адабиётига катта ҳисса қўшган адибдир.

Хату саводни кўпни аёл Манзурадан ўрганган. Ёшлигидан Ҳофиз, Бедил, Навоий, Муқимий ва Фуркатларни севиб ўқиб ўрганган. Бир муддат Қўқонда яшаб «Ваҳший» таҳаллуси остида ҳажвий асарлар яратган. Унинг «Ўзбек хонимиға», «Хонимлар исминда», «Ватан», «Муслималар» каби асарлари диққатга сазовор. Шароит тақозоси билан 1915 йилдан бошлаб хорижий мамлакатларга, жумладан, Афғонистон ва Ҳиндистонга боришга мажбур бўлади. 1918 йили Ўзбекистонга қайтиб келиб, умрининг охиригача ватанида қолади.

Шеърятидан намуна:

Кувди мени жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан,
Лекин қува олмас суханимни даҳанимдан. (Ўз. энц. 8- ж. – 202- б.)

Ғайратий

Ўзбекистон Халқ шоири (1972).

Ғайратий – Абдурахим Абдуллаев, 1902 Тошкентда таваллуд топган. Ғайратий ёшлигида онаси вафот этади. Онаси фозила аёл бўлган, Абдурахимнинг савод чиқаришида онасининг хизмати катта.

Шоирнинг «Эрк товуши», «Яшаш тароналари», «Темп», «Олов танлар», «Севги», «Олтин ёшлик» каби шеърӣ тўпламлари, «Онамга хат», «Жиноста» номли поэмалари, «Қора юраклар», «Танланган асарлар» каби китоблари нашрлардан чиққан.

Шеърларидан намуна:

Илтижо

Нақадар шиддатли ҳижрон ғуссаси,
Баъзида эзали айрилиқ – фирок.
Беҳуда ўтгандай ҳаёт киссаси,
Ёнмайди кўнглингга ёқилса чирок.

Розиман бошимга тунса тоғ кулаб,
«Хайр энди» сўзини эшитиш оғир.
Сен кетсанг, киприкка аччиқ ёш улаб,
Қоламан, юрагим ёнар бир умр.

«Хайр энди» сўзини айтар бегона,
Сен, ахир, меҳрибон, яқин, муниссан.
Ишк ўтин ардоқлаб бўлдим парвона,
Қалбимни ёритган оташ бир ҳиссан.

Розиман шаънимга айтсанг ҳар хил гап.
Соғинтир, қийнагил, қилгин маломат.
Кўрганда юзингни, майли, бургил чап,
Зинҳор хайр демагил, эй пок муҳаббат.

«Хайр энди» сўзига бормасин тилинг,
Наҳотки, чидаса қийнашга кўнглинг?!

Ғафур Ғулом

Ўзбекистон Халқ шоири.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг хақиқий аъзоси – академик (1943).

Ғафур Ғулом 1903 йили Тошкентда дехкон оиласида таваллуд топган ва 1966 йилда вафот этган. Ғафур Ғулом эски усулдаги рус-тузем мактабида ўқиган. Шоир қирқ йиллик ижод йўлида «Динамо», «Тирик кўшиқлар», «Мукофот», «Янги шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Ассалом», «Оналар», «Ўзбек халқининг гурури», «Вакт», «Тонг отар кўшиғи», «Яшасин тинчлик», «Шараф кўлёмаси», «Бир ғунча очилгунча», «Биз сени олқишлаймиз» каби шеърый тўпламлари, «Кўкан», «Эгалари эгаллаганда», «Икки васиқа» каби поэмалари, «Нетай», «Тирилган мурда», «Шум бола», «Ёдгор» номли повестлари билан эл-юрт хурматини қозонган адибдир. (24- ж. – 42- б.)

Шеърларидан намуна:

Соғиниш

Зўр қарвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда халқа-халқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш!

Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид.
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртанги умид.

Ҳоки анжир тугаб, қовун ғарк пишган
Бахтли тонг отар чоғ уни қузатдим.
Бир малъун гулшанга кадам қўймишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим!

Унда етук эди мерос мард гурур,
Остонани ўпиб, қасамёд қилди.
Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилшод қилди...

Иблиснинг ғарази бўлган бу уруш,
Албатта, етади ўзин бошига.
Ўғлим омон келар, ғолиб, музаффар,
Гард ҳам кўндирмасдан қора қошига.

Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,
Қутамаи, узокдан кўринса бир от,
Келаяпти, дейман кўринса ғубор.

Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак
Соғинган кўнгилга берар тасалли.
Кўчатлар коматин эслатганидек,
Нафасин уфурар тонг отар ели.

Кечқурун ош сузсак, бир насиба кам,
Қўмсайман бировни – аллакимимни.
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни...

Ҳабиб Саъдулла

Ўзбекистон Халқ шоири.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ҳабиб Саъдулла 1942 йили Наманган шаҳрида туғилган. 2006 йилда Наманганда вафот этган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган.

«Баҳор билан суҳбат», «Мулоқот», «Яна остонангда», «Эҳтиром», «Боғлар юрти боласимиз», «Тазарру», «Кўчамда

жонон ўтганда», «Косонсой карвонлари», «Учкўрғоннинг уч кўрғони», «Рамазон муножоти», «Нур қадри», «Танланган асарлар» каби шеъррий асарлар муаллифи. «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (2003).

Шеърларидан намуна:

Ўртамизда

Қолса дердим ўртамизда зора гап,
Бўлди-ку эл ичра, ёр, ошқора гап.

Билмайин бир кун даҳандан чикди-ю,
Ҳар қулоқда янгради ноғбра – гап.

Битта нозик гап эди ул, аслида,
Ҳар оғизда шишди-ку, бечора гап.

Сизни оппок айлади юрт ичраким,
Бизни қилмиш, вожаб, қоп-қора гап.

Не ажаб, бўлмиш ғанимларга қурол,
Этгали ошиқ дилим садпора гап.

Дилда турганда муқаддас ганж эди,
Тилга чикқач, этди кўп овора гап.

«Гап»ни ёздим гапчидан безор бўлиб,
Қолса энди ўртамизда зора гап. (20-182).

Миртемир

Ўзбекистон Халқ шоири (1971).

Турсунов Миртемир 1910 йили Туркистонда таваллуд топиб, 1978 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Эски макбабда таъ-

лим олган. Мактабни битиргач, педакадемиянинг тил ва адабиёт бўлимида ўқиган. Шоирнинг «Шуълалар қўйнида», «Зафар», «Қайнашларим», «Бонг» каби шеърӣй тўпламлари нашр қилинган. Шоир яна «Барот», «Хидир», «Дилкушо», «Сув қизи», «Ойсанамнинг тўйида», «Кўзи» каби дostonларни яратган. Шоир таржимон сифатида бир талай дунё адабиёти намояндаларининг асарларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1979).

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1977).

«Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2002).
Шеъриятидан намуна:

Бетоблигимда

Кўзингни ўйнатма, кулма, қарама,
Нозли нигоҳларинг керакмас сенинг.
Боғлаб оларман, деб энди ўйлама...
Тортган у «оҳ»ларинг чин эмас сенинг.

Кўп кунлар судрадинг тусмол йўлларда,
Мен-да тилсизларча эргашидим-кетдим.
Адашган эканман, билсам, чўлларда,
Мана эндиликда тушуниб етдим...

Тушундим: у тотли хаёллар – хаёл,
Алданмас бу юрак ширин сўзингга.
Йўқол, эй алдамчи, ёндашма, йўқол,
Термулиш йўқ энди орсиз юзингга!
Жилмайма, қарама, сўзлама менга,
Эски афсонани куйлама менга. (20-ж. – 55- б.)

Уйғун

Ўзбекистон Халк шоири (1965).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1956).

Отакўзиев Раҳматилла 1905 йили Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида туғилган. Самарқанддаги педагогика академиясида таҳсил олган. «Баҳор севинчлари», «Ҳикоялар», «Иккинчи китоб», «Қуёш ўлкаси», «Мухаббат», «Ғазаб ва муҳаббат», «Ҳадя», «Ўзбекистон», «Ҳаёт ишқи», «Шеърлар», «Танланган асарлар» каби шеър ва ҳикоялар тўпламлари, «Гуландом», «Алишер Навоий», «Қалтис ҳазил», «Ҳаёт кўшиғи», «Навбахор» сингари сахна асарлари муаллифи.

Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1984).

Меҳнат қаҳрамони (1985). (20- ж. – 34- б.)

Шеърларидан намуна:

Ёмгир ёғаяпти...

Ёмгир ёғаяпти шивирлаб, майин,
Ҳаммаёк шалаббо, бошдан-оёк нам.
Ёмгир томаяпти киприкларингга,
Хўл бўлди лоладай ёнокларинг хам.

Хўл кўйлак танангга чиппа ёпишди,
Қадди-коматингни кўрсатиб яккол.
Кўксинг бўртиб турар оҳиста қалқиб,
Хуснингга етмасин ҳеч қачон завол!

Тинмай ёғаётган ўжар ёмгирнинг
Салқини урилар гулдай юзингга.
Негадир лабингда майин табассум,
Гўзал кўринади олам кўзингга.

Эҳтимол, жўш урар кўнглингда шодлик,
Эҳтимол, қалбингдан узоқдадир ғам.
Ёдимда қолади шу сафоли пайт,
Хотирамдан чикмас шу сеҳрли дам.

Шу чок кўзларингга термулиб турдим,
Сахро доласидай ёмғирда қолдинг.
Етилган, баркамол, дуркун гўзал киз,
Ўтган ёшлигимни ёдимга солдинг.

Аббос Добилов

Қорақалпоғистон Халқ шоири (1944).

Ўзбекистон Халқ шоири (1957).

Аббос Добилов 1898 йили Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир туманида таваллуд топган, 1970 йилда Тошкентда вафот этган. Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди ва дostonчилигининг таникли на-
мояндаси. Унинг «Душманни янч», «Номард йигит, нега даркор?»,
«Жангчиларга зарар етказмадингми?» ва бошқа китоблари нашр
этилган.

«Бердак» номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреа-
ти (1967). (7- ж. – 334-б).

Собир Абдулла

Ўзбекистон Халқ шоири (1965).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944).

Собир Абдулла – Абдуллаев Собир, 1905 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1972 йилда Тошкентда вафот этган. Дастлаб эски мак-
табда ўқиган. Кейин Тошкентдаги маҳаллий кадрларни тайёрлаш
курсини битирган. Унинг «Эрк илҳомлари», «Навбаҳор», «Кўклам
наъраси», «Завк», «Гулшан», «Сўз ва соз», «Давр кўшиқлари»,
«Ҳаёт гулшани», «Ҳаёт кўшиқлари», «Девон» каби шеърий китоб-
лари чоп этилган. Ундан «Мавлоно Муқимий» романи колган.

Шеъриятдан намуна:

Меҳрибон, жонпарварим, ёнимга жононим келур,
Севгилим холим сўраб, ёри кадрдоним келур.

Айласам юз жонни курбон, оз эрур бир лутфига,
Хастадирманки, гўё доруо дармоним келур.

Лаб очиб сўз бошлаганда бахш этиб жисмимга жон,
Бўсаи лаъли лабилан оби хайвоним келур.

Охким, гоҳ ваъда бергай, келмагай қон юттириб,
Йўл кутардан кўзларимдан ёш билан қоним... келур.

Хасталик юзланди жонимга, табибим беҳабар,
Келса гар ҳозик табибим: жисм аро жоним келур.

Андалибдирмен сахарлар гунчалаб ёди билан,
Раҳм этиб ёнимга гоҳ ҳусни гулистоним келур.

Толенм бўлги мададқоримки, чикмай ёдидан,
Собиро, ёринг эшикдан йўқлаган оним келур. (20- ж. – 37- б.)

Чархий

Ўзбекистон Халқ шоири (1975).

Аскарали Ҳамроали ўғли Чархий 1900 йили Қўқонда таваллуд тошган ва 1979 йилда Қўқонда вафот этган. Бошланғич маълумотни Қўқонда олган. Бўлғуси шоир Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бедил ғазалларини меҳр билан ўқийди. Шоирнинг ижодида кўпинча ҳажвиётга мойиллик назарга ташланади. Шоир давр матбуотида фаол қатнаш бошлайди. «Ширин ва аччиқ», «Шеърлар», «Алихўжа ва Хўжаали», «Девон» каби китоблари чоп этилган.

Рамз Бобожон

Ўзбекистон Халқ шоири (1981).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1971).

Рамз Бобожон 1921 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкент педагогика институтини битирган. Унинг «Шеърлар», «Ҳадиа», «Олтин камалак», «Танланган асарлар», «Севги сирлари», «Сенга, севгилим», «Муҳаббатга таъзим», «Сенинг меҳринг», «Сурайё юлдуздан шуълалар» каби шеъррий китоблари чиққан. Адиб бир қанча асарларни бошқа тиллардан ўзбек тилига таржима қилган.

«Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (2003).

Шеърятидан намуна:

Севгилим!

Ёдимда ўша тун:

Ок-оппоқ олмадай оймома...

Юлдузлар йиғилса бир бутун,

Сочилса шоирга манзума...

Севгилим!

Ёдимда шалола –

Дарёга қўшилиб оққани,

Уйқудан туролмай Камола,

Уялиб,

Гўдакдай боққани...

Севгилим!

Ёдимда оккушлар –

Тўш уриб дарёда сузгани,

Юлдуздан тўкилган кумушлар

Тўлқин-ла ўйнашиб ўзгани...

Севгилим!

Ёдимда илк бора

Севгини тилимга олганим,

Дардингни дилимга солганим,

На қилай,

Ўзингга хавола!

Шукрулло

Ўзбекистон Халк шоири (1981).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977).

Шукрулло Юсупов 1921 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини битирган.

Адибнинг «Биринчи дафтар», «Қалб кўшиқлари», «Ҳаёт илхомлари», «Умрим борича», «Инсон ва яхшилик», «Зарралар», «Суянчиқ», «Яшагим келади», «Сенинг бахтинг», «Тўкилган дардларим», «Шафақ» каби шеърӣ тўпламлари босилиб чиккан.

Алишер Навоӣ номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1994). «Эл-юрт хурмати» (1999) ва «Дўстлик» (1994) орденлари билан мукофотланган.

Шеърларидан намуна:

Илхом

Ёлвораман, илхом париси,
Ўз эркимга холи кўй бир дам.
Бола-чака, тўйлар орзусин
Бошқалардек ўйлайин мен ҳам.

Шафқат этгил, тунда уйготма,
Бир кеча бер уйкумга ором.
Севги бўлиб бағримга ботма,
Сехринг билан мени қилма ром.

Бошқалардек гулларнинг атрин
Тотиб бўлай богим ичра маст.
Сен ўшанда дехкон меҳнатин
Солмай тургин ёдимга бирпас.

Менга ҳам бахт боққанда кулиб,
Тотмасимдан гаштин бир йўла,

Кимларнингдир дардин эслатиб,
Юрагимга солма гулгула.

Ўз бахтимдан ўзим кувониб,
Ўз ғамимни чекайин ўзим.
Дунё дардин ёдимдан кувиб,
Бир дам бергил қалбимга тўзим.

Илхом шафқат этдимни менга
Ё қаҳрими, билмадим бироқ.
Энди дунё ташвишларига
Неча кунки, бефарқман мутлоқ. (20- ж. – 85- б.)

Ибройим Юсупов

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ шоири (1975).

Ўзбекистон Қаҳрамони (2004).

Ибраим Юсупов 1929 йили Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманида таваллуд топган. 2008 йил вафот этган. Қорақалпоқ педагогика институтини тамомлаган.

Унинг «Актрисанинг иқболи», «Умрбек лаққи», «Мангу булоқ» драмалари, «Ажиниёз» либреттоси, «Олтин қирғоқ», «Дала армонлари», «Чўл тўрғайи», «Қора тол» ва бошқа асарлари ўзбек тилида нашр этилган. Жаҳон адабиёти классикларининг асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилган.

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти лауреати (1974).

Шеърятидан намуна:

Дўстларим бор, йўқмас душманим,
Ҳар кимнинг ҳам бордир бир ёви.
Яхши кўрса биттаси мани,
Ёқтирмайди бошқа бирови.

Одам бўлмоқ эмасдир осон,
Бу йўлда бор, балки кам-кўстим.

Феъл-атворим ёкмай ногахон –
Ташлаб кетар баъзи бир дўстим.

Тош тарафга оғса тарози,
«Жон дўстлар» ҳам сени дер «ёмон!»
Демай: «Бу гап ёлгонми, ростми»,
Нафратларин сочар беомон.

Майли, гапим, феъл-атворим гоҳ
Кимларгадир ёксин-ёкмасин,
Халким! Нафрат-қаҳрингдан, бироқ,
Йўқ, Худонинг ўзи сакласин! (20- ж. – 96- б.)

Жуманиёз Жабборов

Ўзбекистон Халқ шоири (1997).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1980).

Жуманиёз Жабборов 1930 йили Қашқадарё вилоятининг Косон туманида таваллуд топган. 2012 йил вафот этган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. Адибнинг «Баҳор нафаси», «Мақсад йўлида», «Субҳидам хаёллари», «Сахро санами», «Лирика», «Достонлар», «Эътиқод», «Хаёлимда ўзинг», «Кўнглим гўзали», «Ажаб дунё севги дунёси», «Юлдузларда хаёлим», «Севгим самоси» каби асарлари чиққан. Адиб таржимон сифатида ҳам бир қанча асарларни ўзбек тилига таржима қилган.

Шеърятидан намуна:

Айланур

Токи ўз меҳворидан бул чархи гардун айланур,
Вақту соат ўзгариб, кундуз билан тун айланур.

Ўзгарур меҳру муҳаббаг, ўзгарур дарду алам,
Ўзгарур тахту итоб, ошқору макнун айланур.

Неки тингай бу жаҳонда, унга ўлмақдир насиб,
Чарх уриб лош устина, шул лаҳза қузғун айланур.

Эй тириклик, минг ташаккур севги икболинг учун,
Севги борким, товланиб минг тусли очун айланур.

Гоҳ висолу гоҳ фирокнинг ўртасинда ўртаниб,
Қалбим ичра ишқ деган туғёнли мазмун айланур.

Сухбатингда бир нафас бўлмоқ буюк орзум эрур,
Бул жасорат қошида минг битта Мажнун айланур.

Икки сочингим уриб тўлқин, оқар елканг уза,
Бирда Сайхун мавж отиб, ул бирда Жайхун айланур.

Кўзларингда бул жаҳоннинг кўрки якколдир аён,
Шул сабаб дунё ўзи бошингда мафтун айланур.

Сен омон бўл, сен абад бўл бул жаҳон гулзорида,
Боқишингдан боғ ўзи минг рангда гулгун айланур. (20- ж. – 104- б.)

Нормурод Нарзуллаев

Ўзбекистон Халқ шоири (2000).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1984).

Нарзуллаев Нормурод (тахаллуси Нарзий), 1934 йили Қасби туманида таваллуд топган. 2006 йили Тошкентда вафот этган. Самарканд педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини битирган. Адиб «Суюнчи», «Зарафшон зарлари», «Уфқларда кўзларим», «Лаҳза ва лаҳза», «Ёғду», «Нигоҳлар», «Севги сеҳри», «Яхшилик деб яшайман», «Аниқ вақт», «Оқ фариштам, оппоқ фариштам» каби шеърӣй тўпламлар муаллифи. «Шухрат» ордени билан мукофотланган (1998). (11- ж. – 267- б.)

Шеърӣятидан намуна:

Яхшилик деб яшайман

Яхши кунни сахаридан кутдим мен,
Тонг келтирган хабаридан кутдим мен,
Хаёт завкин сахаридан кутдим мен,
Мен келганман яхшилик деб дунёга,
Азизларим, яхшилик деб яшайман!

Дўст кадрини вафосидан билдим мен,
Ишқ жабрини жафосидан билдим мен,
Қалб зарбини хатосидан билдим мен,
Мен келганман яхшилик деб дунёга,
Азизларим, яхшилик деб яшайман!

Гул атрини уфоридан англадим,
Тикан захрин озоридан англадим.
Ошиқ дардин дил зоридан англадим,
Мен келганман яхшилик деб дунёга,
Азизларим, яхшилик деб яшайман!

Ул чаманмас – лола, гули бўлмаса,
Ул масканмас – гар булбули бўлмаса,
Ул Ватанмас – шоир ўғли бўлмаса,
Мен келганман яхшилик деб дунёга,
Азизларим, яхшилик деб яшайман! (20- ж. – 109- б.)

Тўра Сулаймон

Ўзбекистон Халқ шоири (1999).

Тўра Сулаймон 1934 йили Бахмал туманида таваллуд топиб,
2005 йилда Гулистонда вафот этган.

Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. У «Истар кўнгил», «Мен кайга борар бўлсам», «Жаҳонгашта», «Хамкишлоқларим», «Интизор», «Сирдарё кўшиқлари», «Илтижо», «Алҳазар», «Тўйбоши», «Сизни эс-

лайман», «Қоракўзгинам», «Гулшан», «Сарвиноз», «Харсанг», «Жаҳоннома», «Гул бир ён, чаман бир ён», «Ёвқочти», «Сайҳон» каби асарлар муаллифидир.

Шеърларидан намуна:

Сохта

(«Эргаш Жуманбулбул ўғли эл кезади» туркумидан)

Не учундирким бу элда саодат сохтадин сохта,
Хиёнат авжида, ё, Рабб. диёнат сохтадин сохта.

Иззат-икром, ҳаё, меҳру оқибат сохтадин сохта.
Илтижолар ижобатсиз ибодат сохтадин сохта.

Сўфийлари сўгон ерлар тариқат сохтадин сохта.
Табиб риё, ҳаким баднафс табобат сохтадин сохта.

Ўзин билмас хотин-қизда назокат сохтадин сохта.
Ҳалол - афкор, ҳаром – ғолиб тароват сохтадин сохта.

Онанг пулдир, отанг пулдир тижорат сохтадин сохта.
Фозил ҳам таъмагир банда китобат сохтадин сохта.

Қалам аҳли риёзатда, ҳикоят сохтадин сохта.
Жафокаш деҳкондин ўзга тумонат сохтадин сохта.

Қози фатвоси, шоҳ ҳукми ниҳоят сохтадин сохта.
Тахтию тожи, туғроси, салтанат сохтадин сохта. (20-117- б.)

Охунжон Ҳаким

Ўзбекистон Халқ шоири (2006).

Фарғона Давлат институтининг филология факультетини битирган. 1935 йили Фарғона вилоятининг Лоғон қишлоғида туғилган.

Ушнинг «Достонлар», «Кўлларим кўксимда», «Тафаккур бокий», «Ватан қасидаси», «Ўшал кун келур», «Кўзларингнинг ўзи қаро», «Қизлар хаёл сурсалар», «Муҳаббатни кўзлардан изланг», «Малаклар сурати», «Дунё, дунё...» каби шеърый тўпламлари нашр этилган. Адиб насрий асарлар ҳам ёзган.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган (1998).

Шеъриятидан намуна:

Нима қолди?

Ортингдан, қани, ўйла-чи бир он, нима қолди?
Хирмон қолдими, қолдими тўфон, нима қолди?

Инсон боласи олгай нафас орзу-ҳавас-ла,
Шодлик қолдими, қолдими пушмон, нима қолди?

Одам қўлини гул дейдилар, сўйла-чи сандан
Вайронами ё қолдими бўстон, нима қолди?

Сенга ҳукмини ўтқарур не: хирсми, днёнат?
Не қолди сендан: тилломи, имон, нима қолди?

Инсон ҳаёти ёниб ўчар нурга баробар,
Нур қолдими сендан, зимистон, нима қолди?

«Не қолди сендан», – деб сўрса юрт, бир кун, Охунжон,
Бошингни эгиб, ўксима полон, нима қолди? 20- ж. – 118- б.)

Эркин Воҳидов

Ўзбекистон Халқ шоири (1987).

Ўзбекистон Қаҳрамони (1999).

Эркин Воҳидов 1936 йили Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. У «Тонг нафаси», «Кўшиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Менинг юлдузим», «Муҳаббат», «Тирик

сайёралар», «Рухлар исёни», «Шаркий кирғок», «Келажакка мак-туб», «Бедорлик», «Куй авжида узилмасин тор», «Яхшидир аччик ҳақиқат» каби асарлар муаллифи. Адиб таржимон сифатида ҳам катта шуҳрат қозонган.

«Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (1997).

Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1983).

Шеърятдан намуна:

Кимни этмас бу кўнгул шайдо

Дунё экан...

Ишқ деган савдо

Борми фақат менинг бошимда?!

Кимни этмас бу кўнгил шайдо,

Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?!

Севги илк бор тушди-ю қалбга,

Ҳаётимнинг бўлди мазмуни.

У кўлимга тугазиб қалам,

Кўзларимдан олди уйқуни.

Олди бутун фикру хаёлим,

Кетди дилдан ором, ҳаловат.

Севги бутун боримни олиб,

Шеър завқини қолдирди фақат...

Борлиқ олам кўзимга минг-минг

Гўзалликка тўлиб кўринди.

Гуллар менга ошиқ булбулнинг

Шеър дафтари бўлиб кўринди...

Айб этмангиз,

Дўстлар, бу савдо

Борми фақат менинг бошимда?

Кимни этмас бу кўнгил шайдо,

Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?! (20- ж. – 126- б.)

Барот Бойқобилов

Ўзбекистон Халқ шоири (1977).

Барот Бойқобилов 1937 йили Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. 2006 йил вафот этган. Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. Шоирнинг «Висол», «Сени излайман», «Самарқанд ушшоғи», «Афросиёб», «Сонетлар», «Ким сокин яшайди Ўзбекистонда» каби асарлари нашр этирилган. Унинг «Шукуҳли карвон», «Нотинч Хуросон», «Қонли Хуросон» дostonлари ҳамда «Ҳайрат ул-Аброр» каби шеърӣ романи ҳам бор. Таржимон сифатида ҳам қалам тебратган.

Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1994).

Шеърӣятидан намуна:

Ургут чиноридан менинг каламим,
Қалбимнинг софлиги – булоқларидан.
Одамларин меҳри – ўтли каломим,
Каддим расолиги – алп тоғларидан.

Кўклам хандасидан – табассум, кулгим,
Шеър битган қоғозим – сахий даласи.
Кимё тупроғидан тўлган илигим,
Нафасим – шифобахш субҳи сабоси.

Бедор сойларида – умрим кемаси,
Чарх урган каптари – ўй-орзуларим.
Тилидаги ғазал – севгим шеvasи,
Чўккига кетган йўл – менинг изларим.

Таржимаи ҳолим – Ургут қиссаси,
Шеърим – ургутликлар олтин бўсаси. (20- ж. –144- б).

Жамол Камол

Ўзбекистон Халқ шоири (1992).

Жамол Камол 1938 йили Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. Бухоро давлат институтининг филология факультетини битирган. Унинг «Олам кирар юрагимга», «Чўккиларга ёғилди ёғду», «Тош туғён», «Ҳасан ва ой», «Куёш чашмаси», «Достонлар», «Тафаккур», «Қадах», «Сувайдо», «Умидли дунё» каби шеъррий тўпламлари чиккан. Бир қанча таржималари ҳам бор.

Шеърларидан намуна:

Умид

Олам ичра кимга еру
Кимга осмондир умид.
Кимга оламдек муқаррар,
Кимга армондир умид.

Кимки саҳрони чаман истар,
Умид дарёси бор.
Ким ёниб кўзлар фалакни,
Юлдузистондир умид.

Мен умид ўғлониман,
Ошдим хатарлар тоғини.
Отамен, энди довон
Ошгувчи ўғлондир умид.

Бу ҳаёт уммони кенгдир,
Кенг умидлар баҳри ҳам.
Кимга имкон, кимга даврон,
Кимга туғёндир умид.

Ўйла, жон берди Улуғбек,
Қон тугар душманни лек.

Занглаган эгри киличга
Сачраган қондир умид.

Шамси анвардир тилим, деб
Элга келтирди имон –
Ул Навоийким, башарга
Нури иймондир умид.

«Тонг-ла кел», – деб ул паривашга
Саломлар йўлладим.
«Тунда боргум», – деб жавоб айтди,
Шабистондир умид.

Сен умидга банда бўлма,
Сен умидлар шоҳи бўл,
Кексалар дер: «Гоҳи раҳмон,
Гоҳи шайтондир умид».

Кимга катра, кимга денгиз,
Кимга бир дунё қадар.
Ким учун оғриқли тандин
Чикмаган жондир умид.

Ўз эли-ла ифтихор этса,
Жамолга айб эмас.
Ўтса гар минг йил жаҳондин,
Ўзбекистондир умид... (20-149- б.)

Тулан Низом

Ўзбекистон Халқ шоири.

Тулан Низом 1939 йили Андижон вилоятининг Бўз туманида дунёга келган. Андижон давлат институтининг филология факультетини битирган. «Сенинг эртакларинг», «Ифтихор», «Ой қизлар», «Мукаддас рух», «Ватан туйғуси», «Чаман ичра», «Акс-садо»,

«Интизорлик», «Даҳр боғи», «Сайланма» каби шеърӣ тўпламлар муаллифи.

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган (1996).

Шеърларидан намуна:

Дўст

Қанот боғлаб бугун учмоққа шайман,
Торликда чарх учган кушга ўхшайман,
Ҳақ дебон сайрайман, ҳақ деб қақшайман,
Илхомим фаввора, шундоқ яшайман,
Фавворалар ичра фаввораман, дўст.

Манзилга интилдим – ета олмадим,
Ё, бошимни олиб кета олмадим,
Юракка борини бита олмадим,
Довошлар бор ҳали, ўта олмадим,
Оворалар ичра овораман, дўст.

Халқимга айтмаган сирим қолмади,
Сигиниб бормаган ерим қолмади,
Фарёд кўтармаган шеърим қолмади,
Бошимни силарга пирим қолмади,
Ошкоралар ичра ошкораман, дўст.

Тош кесмоқ истайман, кучим етмайди,
Тақдирни бузмоққа ўчим етмайди,
Қоинот бўйига бичим етмайди,
Дунё ишларига ечим етмайди,
Бечоралар ичра бечораман, дўст.

Темурий миллатим, наслим барқарор,
Сахролар тилсизу тоғлар пурвикор,
Тоғлар чўккисида бургутларим бор,
Тарих майдонида кўп туркий минор,
Миноралар ичра минораман, дўст.

Куёш чараклайди, ойлар тўлади,
Ошпок тонг юлдузи – Чўлпон бўлади,
Улуғбек жадвали кўкда кулади,
Сайёралар ўлса, олам ўлади,
Сайёралар ичра сайёраман, дўст. (20-152).

Абдулла Орипов

Ўзбекистон Халқ шоири (1990).

Ўзбекистон Қаҳрамони (1998).

Абдулла Орипов 1941 йили Қашқадарё вилояти Косон туманида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Митти юлдуз», «Кўзларим йўлингда», «Онажон», «Руҳим», «Ўзбекистон», «Хотирот», «Юртим шамолли», «Юзма-юз», «Ҳайрат», «Нажот қалъаси», «Йиллар армони», «Ҳаж дафтари», «Муножот», «Сайланма», «Дунё», «Шоир юраги» каби шеъррий тўпламлари босилиб чиққан. Абдулла Орипов Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг матнини ёзган адибдир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1992).

Шеърятидан намуна:

«Муножот»ни тинглаб

Қани айт, максадинг нимадир сенинг,
Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг?
Нечун керак бўлди сенга кўз ёшим,
Нечун керак, рубоб, сенга шунча ғам?

Эшилиб, тўлғаниб ингранади куй,
Қайлардан келмоқда бу оху фарёд.
Ким у йиғлаётган, Навоиймикин
Ва ё май куйчиси Хайёммикин, дод?!

Бас, етар, чолғучи, бас қил созингни,

Бас, етар, кўксимга урмагил ханжар.
Нахотки, дунёда шунча ғам бордир...
Агар шу «Муножот» рост бўлса агар.

Агар алдамаса шу совук симлар,
Гар шул эшитганим бўлмаса рўё.
Сен бешик эмассан, дорсан, табиат,
Сен она эмассан, жаллодсан, дунё!

Эшилиб, тўлғаниб ингранади куй,
Асрлар ғамини сўйлар «Муножот».
Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига
Қандай чидай олган экан одамзод?! (20- ж. – 162- б.)

Омон Матжон

Ўзбекистон Халқ шоири (1993).

Омон Матжон 1943 йили Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида таваллуд топган. Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. «Карвон кўнғироғи», «Куёш соати», «Ёнаётган дарахт», «Ярадор чакмоқ», «Сени яхши кўраман», «Дарахтлар ва гиёҳлар», «Ўртамизда биргина олма», «Одамнинг сояси қуёшга тушиди», «Қуш йўли», «Имон ёғдуси», «Арлаҳива», «Хожа Ахрор зиёратлари» ва бошқа шеърый асарлар муаллифи. Таржимон сифатида ҳам хизмати катта.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

Шеърларидан намуна:

Очил, эй гул, гул вақтинг бўлди,
Уйғон, эй дил, дил вақтинг бўлди.

Етар минг бир кеча эртаги,
Тонг сирларин бил, вақтинг бўлди.

Ўз хақини билмаган қулдир,
Шукр этган ҳам қул, вақтинг бўлди.

Номинг азиз, ўзингга бек бўл,
Эл бўл энди, эл вақтинг бўлди.

Огоҳ этар соатсиз қисмат,
Ҳаракатинг қил, вақтинг бўлди.

Тилни қутқар тиллар бандидан,
Тилга киргин, тил вақтинг бўлди.

Ўзбекистон, фалак буржиги
Юрагингни ил, вақтинг бўлди. (20- ж. – 190- б.)

Рауф Парфи

Ўзбекистон Халқ шоири (1999).

Турсунали Парфиев 1943 йили Тошкент вилоятида таваллуд тошган. 2005 йил вафот этган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган.

«Карвон йўли», «Акс-садо», «Тасвир», «Хотирот», «Кўзлар», «Қайтиш», «Сабр дарахти», «Сукунат», «Тавба», «Сўнгги видо» каби шеърӣй тўпламлари чиққан.

Шеърларидан намуна:

Мен биламан, вужудинг бўзлар,
Бағринг ёнар саёқ ўғлингга.
Сени ўртар бир оғир сўзлар,
Ахтариб чиқарсан йўлимга.

Кўчаларга қарайсан ҳар зум,
Кечаларни оқлайсан, она.
Гуноҳорман ёлғиз мен ўзим,
Яна мени оқлайсан, она.

Очиқ ётар тоқчада китоб,
Очиқ ётар менинг дафтарим,

Унда кезар мангу изтироб.
Тубанликда ёсуман жари.
Шўрлик ўглинг бир умр бетоб,
Синган сози, синган ханжари. (20- ж. – 197- б.)

Анвар Обиджон

Ўзбекистон Халқ шоири (1998).

Анвар Обиджон 1947 йили Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Энг ёруғ кун», «Уста Гулмат газаллари», «Аканг қарағай Гулмат», «Масхарабоз бола», «Жуда қизик воқеа», «Ерликлар», «Аламазон ва Гулмат хангомаси», «Ажойибхона» каби ҳикоялар ва шеърӣ тўпламлари нашр этилган. «Шухрат» медали билан тақдирланган (1997). (20- ж. – 207- б.)

Шеърларидан намуна:

Ота ўғити

Ҳар битга сўз – сувдек азиз,
Ҳар битга сўз – нондек увол.
Тил бойлигин боғ деб билсак,
Ҳар битга сўз – битга ниҳол.

Бирон сўзни исроф қилмоқ
Бир кўчатни юлмоқликдир.
Бора-бора, отамерос –
Боғни хароб қилмоқликдир.

Э болам, ёт юртга борсанг,
Не аталур элинг, дерлар.
Қай миллатнинг вакилисан,
Борми она тилинг, дерлар.

Шунда, менинг кутлуғ тилим –

Навоийнинг шеъри, дегил.
Юртим – Улугбегу Бобур,
Амир Темур ери, дегил.

Айт ғурур-ла Берунийлар,
Фарғонийлар аждодим, деб.
Кошғарийлар дарсин тинглаб,
Ўткирланган саводим, деб.

Мақтанма ҳеч қиммат кийим,
Олтинлару қасрнинг билан.
Фахр эт доим кудратли юрт,
Бой тил, насаб-наслинг билан.

Обруйишгни баланд тутмоқ,
Э болам, ўз қўлингдасиз.
Сенинг оламдаги нархинг
Ватан, миллат, тилингдасиз. (20- ж. – 207- б).

Усмон Азим

Ўзбекистон Халқ шоири (2000).

Усмон Азим 1950 йили Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Инсонни тушуниш», «Ҳолат», «Оқибат», «Кўзгу», «Сурат парчалари», «Дарс», «Иккинчи апрель», «Бахшиёна», «Фаройиб аждаҳо», «Уйғониш азоби», «Ғусса», «Узун тун», «Сайланма», «Кўз» каби шеърий тўпламлари нашр этилган, сценария ва драмалар ҳам ёзган.

Грузиянинг Маяковский номидаги Давлат мукофоти лауреати (1982). «Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1998).

Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида,
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафак.
Жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида...
Замин – тилсим, осмон – тилсим, шеър бешафқат!

Шеърятидан намуна:

Ўтинч

Мени осмонларга олиб чикмангиз,
Курук ногорани чалиб чикмангиз.
Менинг кўнглим ерда, товоним ерда,
Осмондан уялиб қолмайин яна.

Менга амал эмас, ошиқ дард беринг,
Шеърнинг шаробидан чимдим гард беринг,
Ерда майса билан яшагим келар,
Райхондан уялиб қолмайин яна.

Ерда онам яшар, болам яшайди,
Отам қабрин кучган нолам яшайди.
Онадан қарзини узган бормикин,
Виждондан уялиб қолмайин яна.

Қонимда ошиқлар исён қилади,
Жонимда кўшиқлар гирён қилади.
Шайтон ишвасида жаннат кўрсатманг,
Раҳмондан уялиб қолмайин яна.

Онам дедим, Момо Ерга юкиндим,
Кўз ёш бўлдим, яна унга тўкилдим.
Ҳовучим тўлдириб бугдой берди у,
Сомондан уялиб қолмайин яна.

Мен ердан кузатган жоним, офтобим,
Мен ердан термулган ойим, моҳтобим.
Осмонингиз ўзингизга буюрсин,
Иймондан уялиб қолмайин яна.

Мени осмонларга олиб чикмангиз,
Чиксангиз, сиз ердан нолиб чикмангиз.
Худонинг олдида, ернинг олдида,
Инсондан уялиб қолмайин яна. (20- ж. – 300- б.)

Муҳаммад Юсуф

Ўзбекистон Халқ шоири (1998).

Муҳаммад Юсуф 1954 йили Андижон вилоятининг Мархамат туманида таваллуд топган. 2001 йилда Эликқалъа туманида вафот этган. Рус тили ва адабиёти институтини битирган. «Таниш тераклар», «Булбулга бир гапим бор», «Илтижо», «Уйкудаги бир қиз», «Ҳалима энам аллалари», «Ишқ кemasи», «Кўнглимда бир ёр», «Бевафо кўп экан», «Ёлғончи ёр», «Эрка кийик», «Осмонимга олиб кетаман», «Улуғимсан, Ватаним» каби шеъррий китоблари нашр этилган.

Шеърларидан намуна:

Иқро

О, ота маконим,
Онажон ўлкам –
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам.
Римни алишмасман бедапоянгга.
Бир гўша сув бўлса, бир гўша кирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам суяб, бошни тик тут, деб,
Тоғларинг ортимдан эргашиб юрар.
Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,
Ё худбинман мен, ё бир содда касман мен –
Парижнинг энг гўзал ресторанларин
Битта тапдирингга алишмасман мен.
На гапга кўнайин,
На тил билайин,
Кўздан уйку қочди, дилдан ҳаловат –
Уч кунда соғинсам, нима қилайин,
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.
Билдимки, баридан улуғим ўзинг,

Билдимки, яқини шу тупрок менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган кўзинг
Араб охусидан азизрок менга.
Сен билан ўтган ҳар кун байрам - базм,
Сенсиз бир он қолсам, ваҳмим келади.
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади. (20- ж. – 318- б.)

Сирожиддин Саййид

Ўзбекистон Халқ шоири (2006).

Сирожиддин Саййид 1958 йили Сурхондарё вилоятининг Са-
росиё туманида таваллуд топган. Тошкент давлат университе-
тининг журналистика факультетини битирган. «Рухим харитаси»,
«Салқин харсанглар кафтида», «Севги мамлақати», «Асрагил»,
«Меҳр қолур, муҳаббат қолур», «Куйдим», «Ватанни ўрганиш»,
«Ватан абадий», «Устимиздан ўтган ойлар» каби шеъррий
тўпламлари нашр этилган.

«Дўстлик» ордени билан тақдирланган (1999).

Шеърларидан намуна:

Мен ишқ элининг нолаю афғонида куйдим,
Кўнгил уйининг оташи армонида куйдим.

Меҳрин тилабон ўтса агар ошики зорлар,
Меҳримни бериб, мен эса товонида куйдим.

Мушкул эди йўл, ранж ила изҳорига етдим,
Сизлар кўйида, мен эса домонида куйдим.

Дўст ким, ракиб ким, ҳақ бирла ҳаким ким –
Билмай аслин лол ила ҳайронидида куйдим.

Ҳар ён садо берди манинг зори дилимга,
Интилдим-у, лекин дағи ҳар ёнида куйдим.

Дунёйи азалнинг ғазали матлаъи булду:
Бошлаб хама ишни, ани поёнида куйдим.

Ҳам мақсаду ҳам матлабу ҳам дарду ва ҳам ишқ,
Ҳам ишқ элининг нолаю афғонида куйдим. (20- ж. – 354- б.)

Иқбол Мирзо

Ўзбекистон Халқ шоири (2005).

Иқбол Мирзо – Иқболжон Мирзоалиев, 1967 йили Фарғона вилоятининг Боғдод туманида таваллуд топган.

Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган.

«Юракнинг шакли», «Кўнгил», «Сени соғинаман», «Мени эслайсанми», «Танланган шеърлар», «Кўшиқларим», «Сени бугун кўрмасам бўлмас» каби шеъррий тўпламлар муаллифи.

«Шухрат» медали билан тақдирланган (1999).

Шеърларидан намуна:

Айланай

Кўзмунчоғинг кўйма аста, дилдорим,
Ай, айланай, нозикнихол кадингдан.
Кузагнмши хушбўй этган баҳорим,
Ай, айланай, атиргулим, атрингдан.

Икки кўзим маним, икки дагарим,
Сўзи новвот, қилиқлари шакарим,
Мирзо Улуғбегим, Мирзо Анварим,
Ай, айланай, сабза урган хаттингдан.

Майиз бўлиб саратонда куйган эл,
Боласндан даласини суйган эл,

Яши кунни фақат тўйга қўйган эл,
Ай, айланай, киприкдаги гардингдан.

Баъзан кўнгил учун кўнгил сўралар,
Ким термулар, кимдир секин мўралар
Ай, дўстларим, улфатлару жўралар,
Ай, айланай, номардингу мардингдан.

Омон эди орзу, тилагим кеча,
Тангрим, боқдинг чуқур юрагимгача,
Бедаво дард бердинг суягимгача,
Ай, айланай, танлаб берган дардингдан. (20- ж. — 453- б.)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИЛАРИ РАВЗАСИ

Мирмуҳсин

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1981).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970).

Мирмуҳсин Мирсаидов 1921 йили Тошкент шаҳрида таваллуд тошган. 2005 йил вафот этган. Тошкент педагогика институтини битирган. Шоирнинг «Қамар», «Қадрдон дўстлар», «Фарғона», «Ватандошлар», «Ирмоқлар», «Қалб ва фалсафа», «Шеърлар» каби шеърӣ тўпламлари, «Уста Ғиёс», «Дўнан», «Яшил кишлок», «Широк», «Невара», «Авесто» каби дostonлари ва бир қатор насрий асарлари нашрдан чиққан.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974).

«Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (1998).

Одил Ёқубов

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1985).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1974).

Одил Ёқубов 1926 йили Жанубий Қозоғистондаги Карнок қишлоғида туғилган. 2009 йил вафот этган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. «Тенгдошлар», «Дастлабки кадам», «Икки мухаббат» каби ҳикоялар тўплами муаллифи. Унинг «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Диёнат», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», «Адолат манзили» каби романлари нашр этилган. Адиб драматургия соҳасида ҳам кўп асарлар ёзган.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977). «Дўстлик» (1994) ва «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (1998).

Қуддус Муҳаммадий

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1982).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1957).

Қуддус Муҳаммадий 1907 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 1997 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Адибнинг «Ўқувчига эсдалик», «Шеър ва эртаклар», «Орзу», «Баҳор келди», «Қирқ ўғил ва киз», «Сен тугилган кун», «Янги уй», «Қўнғизбой билан сичқонбой», «Тугмача», «Танланган асарлар», «Очил дастурхон», «Чўпонбобо кўшиғи», «Табиат алифбеси», «Китоб ва офтоб», «Мен сизга бир ҳикмат айтаман» каби китоблари нашр этилган.

Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1974).

Шухрат

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1986).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1978).

Шухрат – Алимов Гулом Аминжонович, 1918 йили Тошентда таваллуд топиб, 1995 йилда вафот этган. Низомий номидаги педагогика институтини тугатган. Унинг «Бизнинг кўча», «Ҳаёт нафаси», «Балладалар», «Сенинг севгинг», «Ишқингда ёниб», «Буюк муҳаббат», «Лирика», «Шайдо кўнгил», «Ҳали тун узок» каби шеъррий тўпламлари ва «Оила», «Бир кеча фожиаси», «Мардлик афсонаси», «Гулдурсун», «Кувгинди» каби дostonлари ҳамда бир қатор насрий асарлари нашр этилган.

«Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2003).

Ҳамид Ғулом

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1979).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969).

Ҳамид Ғулом 1919 йили Тошкентда туғилган. 2005 йилда Тош-

кентда оламдан ўтган. Ўрта Осиё индустриал институтини битирган. У – «Қасосим бор», «Ҳайкал», «Ватан куйлари», «Янги боғ», «Қитъалар уйғок», «Ошиқ кўнгил», «Вафонинг узун йўли» каби шеърӣ тўпламлар муаллифи. Насрий ва таржима асарлари ҳам кўп.

«Эл-юрт ҳурмати» (1998) ва «Меҳнат шухрати» (2004) орденлари билан мукофотланган.

«Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1995).

Шеърӣтидан намуна:

Висол

Кўксимга ярқираб куёш чиқади,
Бошимга меҳрибон бахт куши кўнар.
Айрилиқ тоғини висол йикади,
Кўнгил гулзорида чечаклар унар.

Чунки... сен келасан куёшдай кулиб,
Чунки... сен келасан толе кушидай,
Чунки сен келасан чиройга тўлиб,
Шоирнинг тонг чоғи кўрган тушидай.

Узокдан товшингни эшитганим он,
Унутилар кўйингда чеккан кулфатим.
Дил кувнаб мисралар келади равон,
Илхомим бўлади азиз улфатим.

Сен билан ўтган кун мен учун – даврон,
Қайнайди истаклар, яшнайти ўйим.
Мисралар қоғозга тизилар равон,
Сен билан ўтган кун – энг ширин тўйим.

Рухимда уйғонар ҳаёт шовкини,
Васлингга тўяди илгизор илҳом.
Умримнинг сен билан ўтган ҳар куни –
Мен учун энг тотли, нашъали айём.

Шодликсан, севгисан, кўшиқсан, куйсан,
Вафосан, ҳаётсан, тоза ҳуссан.
Ёшлиқсан, орзусан, маст қилган ўйсан,
Тонг чоғи битилган шеърим ўзингсан! (20- ж. – 72- б.)

Асқад Мухтор

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1980).

Асқад Мухтор 1920 йили Фарғона шаҳрида туғилган. 1997 йилда Тошкентда вафот этган. Ўрта Осиё институтининг филология факультетини битирган. «Бизнинг авлодлар», «99 миниатюра», «Шеърлар», «Сирли нидо» ва бошқа шеъррий тўпламлар муаллифи. Унинг «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Амударё» каби романлари нашр этилган. Болалар учун «Мардлик чўққиси», «Чин юракдан», «Дунё болалари», «Илдизлар», «Жар ёқасидаги чакмоқ», «Кумуш тола» каби асарлар ёзган.

«Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1995).

Шеърятидан намуна:

Гуллар

Лола гулханлари йўл ёқасида..
Умримда жуда кўп йўллар босдим мен.
Баҳор эпкинидан юрак орзиқади,
Йўллардан ҳам кўпроқ гуллар босдим мен.

Кўксим билан босдим,
эдим пошнам билан,
Чаманлар, чаманлар топгадим!
Балки шунинг учун
йигирма йил излаб,
Гулгун юзларингдан ором топмадим.

Балки ўша йиллар
дил хазинасидан

Кандайдир жавоҳир йўқотдим.
Ёвга ўқ отишим керак эди менинг,
Гулларни кўрмадим.
Ёвга ўқ отдим.

Шошиш зарур эди,
шошиш, отиш зарур,
Мен ўлим гирдоби бўлишим керак.
Тунлар созлиқларда ўрмаларканман,
Гулларнинг инграшин тингларди юрак.

Ҳа, кўп гул босдим мен. Ўрни тўлармикан,
Гул бўлиб очилса ҳар қалб тепиши?
Қирда лола фасли чалқанча ётиб,
Борликни унутгинг келади киши.

Мени нафратламас лолам, жонгинам,
У ҳамон меҳр ила менга боқади.
Мен кулок соламан: томирларидан
Мангулик шарбати силқиб оқади.

Гулгун ёноғида шабнам катралари...
Негадир эслайман болаларимни.
Борликни унутиш керак эмас, йўқ,
Ардоқлайман долаларимни!

Этик пошнасидан ардоқлайман, ўқдан,
Довул турса, қалқон бўламан!
Ўлсам, фақат Белоянис каби
Тишимда гул тишлаб ўламан... (20- ж. – 75- б.)

Жўлмурза Оймурзаев

Ўзбекистон (1981) ва Қорақалпоғистон Халқ ёзувчиси (1974).
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1957).
Жўлмурза Оймурзаев 1910 йили Чимбой туманида таваллуд то-
пиб, 1996 йилда Нукусда оламдан ўтган. Шоир ва драматург.

У «Кураш», «Биз курашда ғолиб чикдик» каби дostonлари билан Қорақалпоғистон шеърияти ривожига ҳисса қўшди. Шоирнинг яна «Қаҳрамонона кураш», «Менинг паҳлавонларим», «Таскип», «Шоир сўзи», «Ёш авлодга», «Шонли дўстлар», «Нурли йўлдан», «Амударё бўйида», «Одамлар, мен сизларни севаман» каби шеърӣй китоблари халққа манзур бўлган.

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1968).

Ойбек

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1965).

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (1943).

Мусо Тошмуҳаммад ўғли 1905 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1968 йилда Тошкентда вафот этган. Тошкент давлат университетининг ижтимоий фанлар факультетида ва Санкт-Петербург халқ ўжжалиги институтида ўқиган.

Унинг «Туйғулар», «Кўнгил найлари», «Машғал» каби шеърӣй тўпламлари, «Дилбар – давр кизи», «Ўч», «Бахтигул ва Соғиндик», «Қаҳрамон қиз», «Гулноз», «Камончи», «Навойӣ», «Қуёш қораймас», «Улуғ йўл», «Олтин водийдан шабадалар», «Нур қидириб», «Болалик хотираларим» ҳамда бир қанча ҳикоя ва очерклардан иборат китоблари мавжуд.

«Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2001).

Шеърларидан намуна:

Наъматак

Нафис чайқалади бир туп наъматак,
Юсакда, шамолнинг беланчагида,
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул!
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида
Нафис чайқалади бир туп наъматак.

Майин рақсига ҳеч коникмас кўнгил,
Ваҳший тошларга ҳам у берар фусун.
Сўнмайди юзида ёркин табассум,
Янокларин тутиб олтин бўса-чун,
Қуёшга тутади бир сават оқ гул!

Пойида йиғлайди кумуш қор юм-юм...
Нафис чайқалади бир туп наъматак,
Шамол инжуларни сепар чашмадек,
Бошида бир сават оқ юлдуз – чечак,
Нозик саломлари накадар маъсум.

Тоғлар хавосининг фирузасидан
Майин товланади бутун ниҳоли.
Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди:
Юксақда рақс этар бир туп наъматак,
Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд! (4- ж. – 124- б.)

Муҳаммад Али

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси.

Муҳаммадали Аҳмедов 1942 йили Бўз туманида таваллуд топган.

Филология фанлари номзоди. Москвадаги Максим Горький номидаги адабиёт институтини битирган. Шоир «Фазодаги хислар», «Шафақ», «Оталар юрти», «Достонлар», «Ок нур», «Илҳом париси», «Она дуоси» каби шеърый асарлар муаллифи.

Бердак номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1984).

«Мехнат шухрати» ордени билан мукофотланган (1999). (11- ж. – 185- б.)

Шеърятидан намуна:

Опа дуоси

Биринг икки бўлсин нима ушласанг,
Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича.
Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг,
Мен дуо қиларман умрим борича.

Кўзингда кўрмасам алам ранжини,
Бошингда кўрмасам тумонот савдо.
Олиб бермасанг ҳам олам ганжини,
Сендан онагинанг ризодур, ризо!

Ҳаётинг бемаъно туюлса, болам,
Қоронғу кўринса бу кўҳна дунё.
Кетсин деб қалбингдан ер юткур алам,
Ёришсин дунё деб айларман дуо.

Юрагинг қисилса такрору такрор,
Кенгликка чиқкин-да, айтгин шўх ўлан.
Бу ҳам ҳасратингга келмаса бакор,
Кўнглингни бўшатгин шеър ёзмоқ билан.

Қадим эртақларни тинглаш создир хўп,
Олтин умрларни унда кўрарсан.
Сеҳрли ҳаётга маҳлиё бўлиб,
Бевош ўйларингни алдаб юрарсан.

Етишсанг, тўй берсанг юртга мабодо,
Жамшид ҳавас қилсин сенинг базмингга.
Номинг достой бўлиб юрсанг эл аро,
Мурод-мақсадингга етсанг, бас, менга.

Ёмонлар йўлини тутмагил минбаъд,
Фисқу фасодлардан йирок бўл, тўзлим.
Олгин-у, олдирма, униб-ўс, фақат
Юзимни ерларга қаратма, ўғлим! (20- ж. – 175- б.)

Неъмат Аминов

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1992).

Неъмат Аминов 1937 йили Бухоро вилоятининг Ромитан туманида таваллуд топган. 2005 йил вафот этган. Ҳажвчи ёзувчи. Бухоро педагогика институтининг филология факультетини битирган.

«Икки пуллик обрў», «Қирқ учинчи почта», «Лабиховуз хандалари», «Чинорлар қўшиғи», «Елкасиз полвон», «Ўғри мушукча», «Қаҳқаҳа», «Яллама-ёрим», «Чолбобонинг эртаклари» каби ҳажвий тўпламлари эълон қилинган.

«Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланган (1999).

Назир Сафаров

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1975).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1955).

Адиб 1905 йили Жиззах шаҳрида темирчи оиласида таваллуд топган ва 1985 йилда вафот этган. Назир Сафаров ўзбек драматургиясининг ривожига муҳим роль ўйнаган адибдир. У «Тарих тилга кирди», «Уйғониш», «Шарқ тонги» каби сахна асарларини яратган.

Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланган (1975).

Ҳақим Назир

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1981).

Ҳақим Назир 1915 йили Тошкент шаҳрида қосиб оиласида таваллуд топган. 2008 йил вафот этган. Мактабдан сўнг Тошкент Педагогика институтида ўқиган. У «Беш баҳо», «Чўл хавоси», «Мени танийсизми?», «Болажонларим» каби сахна асарлари яратган. 1982 йилда унинг беш томлик сайланма асари Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Иброҳим Раҳим

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1976).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1966).

Иброҳим Раҳим – Раҳимов Иброҳим Абдурахимович, 1916 йили Фарғона вилоятининг Кува туманида таваллуд топган. 2001 йилда Тошкентда вафот этган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. «Баҳодир», «Сен туғилган кун», «Фидойилар», «Генерал Равшанов», «Тинимсиз шаҳар», «Оқибат» каби дoston ва романлари нашр этилган.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

«Эл-юрт ҳурмати» (1998), «Дўстлик» (1996) орденлари билан мукофотланган.

Пўлат Мўмин

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1992).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983).

Мўминов Пўлат 1924 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 2004 йилда Тошкентда вафот этган. Болалар шоири. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқиган. «Сайранг қушлар», «Тонг куйлари», «Олтин бошоқлар», «Тиш чўтқаси эртаги», «Хунардан унар», «Тўғри ўсган гул бўлур», «Ақл қаерда бўлар?» «Олтин най», «Яхшиларга ўхшасам», «Раҳматга раҳмат!» «Эсон ва омон», «Эртақдан эртакка», «Бугдой бобо», «Болажон, болажоним» каби болаларга бағишланган китоблар муаллифи.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган (1998).

Раҳмат Файзий

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1978).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968).

Файзиёв Раҳмат 1918 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 1988 йилда Тошкентда вафот этган. Иккинчи жаҳон уриши катнашчиси. У «Тўёна», «Улғайиш», «Биринчи баҳор» каби ҳикоя ва очерклар тўплами муаллифи. (Ўз. энц. 7- ж. – 275- б.)

Саид Аҳмад

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1980).

Ўзбекистон Қаҳрамони (1999).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968).

Саид Аҳмад (Хусанхўжаев Саидахмад) 1920 йили Тошкентда таваллуд топган. 2008 йил вафот этган. Тошкент педагогика институтида таҳсил олган. «Тортик», «Фарғона хикоялари», «Чўл бургути», «Одам ва бўрон» каби шеърлий тўпламлар, «Жимжитлик» романи ва бошқа асарлар муаллифи.

«Дўстлик» ордени (1996), «Буюк хизматлари учун» ордени (1997) билан тақдирланган. (Ўз. энц. 7- ж. – 418- б.)

Тоғай Мурод

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (2003).

Менгноров Тоғаймурод 1948 йили Денов туманида таваллуд топган. 2003 йил вафот этган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. Унинг «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган окшом», «Ойдинда юрган одамлар», «Момо ер қўшиғи» каби киссаларида қишлоқ ҳаётига хос манзаралар тасвир этилган.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1994). (Ўз. энц. 8- ж. – 572- б.)

Тоҳир Малик

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (2000).

Ҳобилов Тоҳир Абдумаликович 1946 йилда Тошкентда таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган.

Ўзбек бадиий фантастикаси асосчиларидан бири. «Ҳикмат афандининг ўлими», «Заҳарли ғубор», «Фалак», «Сомон йўли элчилари», «Чорраҳада қолган одамлар», «Бир кўча, бир кеча», «Алвидо, болалик», «Сўнги ўқ», «Ов» каби фантастик асарлар муаллифи. Кейинчалик «Шайтанат» романи машҳур бўлган. (Ўз. энц. 8- ж. — 577- б.)

Худойберди Тўхтабоев

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1991).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1982).

Худойберди Тўхтабоев 1932 йилда Ўзбекистон туманида таваллуд топган. Ўрта Осиё университетини битирган. Ўзбек бадиий фантастикаси асосчиларидан бири.

«Шошқалок», «Фельетондан кейин», «Сир очилди», «Сехрли қалпоқча», «Муҳаббат кўшиғи», «Жонгинам, шартингни айт», «Конизлар юлдузлари», «Омонбой билан Давронбой саргузашти» каби асарлар муаллифи. У «Сарик девни миниб» номли романи билан шуҳрат қозонган. Шунингдек, у «Беш болали йигитча», «Қассоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар», «Ширин қовунлар мамлақати», «Мунгли кўзлар», «Жаннати одамлар» каби романлар муаллифи.

Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1989).

Ўлмас Умарбеков

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1992).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1984).

Ўлмас Умарбеков 1934 йилда Тошкентда таваллуд топган. 1994 йилда Тошкентда вафот этган. Ўрта Осиё университетининг филология факультетини битирган.

«Ҳикоялар», «Хатингни кутаман», «Юрак сўзлари», «Бобоёнтоқ», «Юлдузлар», «Менга ишонмайсизми?», «Ҳаёт абадий», «Чарос», «Кўприк», «Болгар кўшиқлари», «Олтин япроқлар», «Қиёмат қарз», «Ёр ёнганда» каби тўпламлар муаллифи.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1980). (Ўз. энц. 9- ж. – 87- б.)

Шукур Холмирзаев

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1992).

Шукур Холмирзаев 1940 йили Бойсун туманида таваллуд топган. 2005 йили Тошкентда вафот этган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган.

«Оқ отли», «Тўлқинлар», «Ўн саккизга кирмаган ким бор?» киссалари муаллифи. Кейин «Олис юлдузлар остида», «Ҳаёт абадий», «Оғир тош кўчса», «Йўллар, йўлдошлар», «Бодом кишда гуллади» каби тўпламлари чиккан. (Ўз. энц. 9- ж. – 455- б.)

Тўлепберген Қайипбергенов

Қорақалпоғистон Халқ ёзувчиси (1974).

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1994).

Ўзбекистон Қаҳрамони (2003).

Тўлепберген Қайипбергенов 1929 йили Қорақалпоғистоннинг Кегейли туманида таваллуд топган. 2010 йил вафот этган. Қорақалпоғистон педагогика институтини битирган.

«Раҳмат муаллим», «Совук томчи», «Уйкусиз тунлар», «Қорақалпоқ кизи», «Қорақалпоқ достони», «Маманбий афсонаси», «Бахтсизлар», «Гумроҳлар» каби қисса, хикоя тўпламлари ва романлар муаллифи.

Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971). (10- ж. – 575- б.)

Пиримкул Қодиров

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1988).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1978).

Пиримкул Қодиров 1928 йили Тожикистоннинг Шаҳристон туманида таваллуд топган. 2010 йил 20 декабрда Тошкентда вафот этган. Ёзувчи, адабиётшунос олим. Ўрта Осиё институтининг шарқшунослик факультетини битирган. «Юлдузли тунлар», «Авлодлар доवони», «Она лочин нидоси» каби романлар муаллифи.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981).

«Шухрат» медали (1994) ва «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган (1998). 11- ж. – 40- б.)

Ўткир Ҳошимов

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси (1991).

Ўткир Ҳошимов 1941 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 2013 йил вафот этган. Тошкент давлат университетиде таҳсил олган.

Унинг «Пўлат чавандоз», «Чўл хавоси», «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади», «Қалбингга қулоқ сол» каби қиссалари эълон қилинган. Яна «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» романлари нашрдан чиққан.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1986).

«Меҳнат шухрати» ордени (1996),

«Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган (2001). (11- ж. – 382- б.)

ЎЗБЕКИСТОН ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИКЛАРИ РАВЗАСИ

Ҳамид Олимжон

Ўзбекистон Ғанлар академиясининг мухбир аъзоси (1943).

Ҳамид Олимжон 1909 йили Жиззахда деҳқон оиласида дунёга келган. 1944 йили ҳаётдан кўз юмган. Ҳамид Олимжон Жиззахда мактабни битирган. Ўзбекистон давлат педагогика академиясида таҳсил олган.

Шоирнинг «Кўклам», «Олов сочлар», «Пойга», «Ўлим ёвга», «Дарё кечаси», «Ўлка», «Бахт», «Она ва ўғил», «Қўлингга қурол ол», «Ишонч» каби шеърӣй тўпламлари, «Ойгул билан Бахтиёр», «Зайнаб ва Омон», «Симург ёки Паризод ва Бунёд» каби поэмалар муаллифи.

«Зайнаб ва Омон» поэмасидан парча:

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон
Севгисидан бир янги достон.
Бир зўр оташ, бир зўр аланга,
Икки қалбга туташгани рост.
Бир сеvgиким, жон берур танга,
Ҳам Зайнабу Омонларга хос.
Бу сеvgида йўлбошлар вафо,
Ҳам вафони емирмас жафо,
Бунда асло қора кун йўқдир,
Бунда мотамсаро кун йўқдир.
Хазон қилмас Зайнабни замон
Ва оташда ўрганмас Омон.
Туши эмас, балки ўнгида
Дилдорини кўрар беғумон.
Бир киссаким, бунинг сўнгида
Севишганлар топишгусидир,
Жонлар жонга ёпишгусидир. (4- ж. – 95- б.)

Бахтиёр Назаров

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (2000).

Назаров Бахтиёр 1945 йили Тошкентда таваллуд топган.

Адабиётшунос олим. Филология фанлари доктори (1984), профессор (1994).

Тошкент давлат университетини битирган.

Олим тадқиқотларида Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаххор, Абдулла Орипов асарлари ҳар томонлама ўрганилган. (11-ж. – 243- б.)

Олим Шарафиддинов

Ўзбекистон Фанлар академисининг мухбир аъзоси (1943).

Шарафиддинов Олим (тахаллуси – Айн) 1903 йили Тошкентда таваллуд топган. 1943 йилда Белорусияда вафот этган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Навоий ижодининг турли қирраларига бағишланган ўнлаб илмий мақолалар ва «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди» монографияси муаллифи. (Ўз. энц. 9- ж. – 694- б.)

Шоназар Шоҳабдурахмонов

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (1974).

Шоҳабдурахмонов Шоназар 1923 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тилшунос олим.

Илмий ишлари бадий асарлар, халқ дostonлари тили, ўзбек диалектологияси масалаларига бағишланган.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973). (Ўз. энц. 10- ж. – 88- б.)

Азизхон Қаюмов

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (1995).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1983).

Қаюмов Азизхон Пулатович 1926 йили Қўқонда таваллуд топган. Адабиётшунос олим. Филология фанлари доктори (1961), профессор (1962).

Асосий илмий ишлари Қўқон адабий муҳити мавзуида. «Махмур», «Ҳозик», «Ғозий», «Қўқон адабий муҳити», «Қадимият обидалари», «Беруний ва адабий ижод», «Ишқ водийси чечаклари», «Ибни Сино ва Беруний» каби асарлар муаллифи.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1980).

«Шуҳрат» медали ва (1996), «Эл-юрт хурмати» ордени (2003) билан мукофотланган. (Ўз. энц. 10- ж. – 633- б.)

Матёқуб Қўшжонов

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (2000).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978).

Қўшжонов Матёқуб 1918 йили Туркменистоннинг Тошхувус туманида таваллуд топган. 2005 йилда Тошкентда вафот этган.

Филология фанлари доктори (1972).

Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетини битирган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Қўшжонов Матёқубнинг асосий илмий ишлари XX аср ўзбек адабиётининг ривожланиш тамойиллари, адабий танқид ва адабиётшунослик методикаси муаммолари, адабиёт назарияси ва ёзуви маҳорати масалаларига бағишланган.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977). «Эл-юрт хурмати» (1999) ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган. (2002). (11- ж. – 198- б.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБЛАРИ РАВЗАСИ

Фахрий унвон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йили 26 апрелдаги Қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби» фахрий унвони таъсис этилди.

Малик Муродов

Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби (1997).

Филология фанлари доктори (1977), профессор (1980). 1933 йили Янгиқўрғонда таваллуд топган, 2001 йилда Тошкентда вафот этган. Фолклоршунос олим. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган.

Муродов Маликнинг «Илҳом дурдоналарини излаб», «Сарчашмадан томчилар» номли китоблари дostonчиликнинг назарий масалаларига бағишланган. (Ўз энц. 11- ж. – 137- б.)

Умарали Норматов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981).

Норматов Умарали 1931 йили Бешариқ туманида дунёга келган.

Филология фанлари доктори (1978), профессор (1979). Адабиётшунос олим. Тошкент давлат университети филология факультетини битирган.

Норматов Умарали умумтаълим мактабларининг 5-, 9-, 11-синфлари учун «Ўзбек адабиёти» дарслик ва мажмуалари, олий ўқув юртлари учун «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги муаллифларидан бири. 20 дан ортик рисоалар, 500 дан ортик илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

Ҳафиз Абдусаматов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975).

Абдусаматов Ҳафиз Шоаҳмедович 1925 йили Жамбул шаҳрида таваллуд топган. Тошкент давлат университети филология факультетини битирган. Адабиётшунос олим. Филология фанлари доктори (1968).

Тошкент давлат маданият институти ректори (1979–1981).

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977). (6- ж. – 147- б.)

Абдурашид Абдугафуров

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975).

Абдугафуров Абдурашид Хўжаевич 1931 йили Тошкентда таваллуд топган. Тошкентда оламдан ўтган. Филология фанлари доктори (1970), профессор (1979). Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетини битирган. «Ўзбек демократик адабиётида сатира», «Навоий сатираси», «Навоий ижодида сатира», «Зокиржон Фурқат» каби йирик монографиялари бор.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1982). (6- ж. – 42- б.)

Сарвар Азимов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975).

Азимов Сарвар Олимжонович 1923 йили Жиззахда таваллуд топган. 1994 йили Тошкентда оламдан ўтган. Ёзувчи, жамоат арбоби. Филология фанлари доктори (1968). Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетини битирган.

Ўзбекистон Маданият вазири (1958–1959).

«Қонли сароб», «Юлдузлар жамоли», «Замон драмаси» каби драма, пьеса ва хикоялар тўпламлари муаллифи. (6- ж. – 147- б.)

Ботурхон Валихожаев

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982).

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги (2000).

Филология фанлари доктори (1970), профессор (1971).

Ботурхон Валихожаев 1932 йили Самарқандда таваллуд топган. 2007 йили Самарқандда вафот этган.

Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. Олимнинг илмий ишлари адабиёт тарихи, адабиётшунослик, адабий алоқалар, тасаввуф ва унинг намояндлари, Самарқанд адабий ва илмий муҳити тарихи, Ибн Сино, Низомий, Жомий, Навоий каби олим ва мумтоз шоирларнинг ижодига бағишланган. «Ўзбекистон адабий-танкидий қарашлари тарихидан», «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан», «Навоий ижоди–илҳом манбаи», «Хожа Аҳрор тарихи» каби илмий асарлар муаллифидир. Асарлари Россия, Эрон, Афғонистон, Туркия, Тожикистонда чоп этилган. (7- ж. – 374- б.)

Иzzат Султон

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, академик.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1955).

Иzzат Султон 1910 йили Ўш шаҳрида хунарманд оиласида таваллуд топган. 2001 йил вафот этган. 1924 йили Тошкентга ўқишга келган. Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университетининг ижтимоий фанлар факультетини битирган. Иzzат Султон драматург сифатида ҳам қалам тебратган. Унинг адабиётшунос олим сифатида кўпгина илмий ишлари эълон қилинган.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати.

Ҳомил Ёқубов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968).

Ёқубов Ҳомил Исломович 1907 йили Тошкентда таваллуд

топган. 1998 йилда Тошкентда вафот этган. Филология фанлари доктори (1967), профессор (1970). Санкт-Петербург давлат педагогика институтида ўқиган. Унинг «Ҳамид Олимжоннинг ҳаёт йўли», «Заҳириддин Муҳаммад Бобур», «А. Қаҳҳор новеллалари», «Ғафур Ғулум», «Ойбек», «Адибнинг маҳорати» каби илмий мақолалари ва монографиялари нашр этилган.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970).

Воҳид Зоҳидов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964).

Зоҳидов Воҳид Йўлдошев 1914 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 1983 йилда Тошкентда вафот этган. Адабиётшунос олим, файласуф, публицист. Озарбайжон педагогика институтини битирган.

Филология фанлари доктори (1946), профессор (1949).

Шарқшунослик институти директори (1949–1953). «Ўзбекистон маданияти» газетаси бош муҳаррири (1959–1962). Ҳамза номидаги санъатшунослик институти директори (1964–1967). Ўзбекистон Маданият вазири (1967–1970). «Ўзбек адабиёти тарихидан», «Донлар давраси», «Нафосат ижодкори», «Шарқни шарафлаб» каби асарлар муаллифи.

Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973). (8- ж. – 40- б.)

Ғулум Каримов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969).

Ғулум Каримов 1909 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1991 йилда Тошкентда вафот этган. Адабиётшунос олим. Санкт-Петербургдаги фалсафа, тарих ва лингвистика институтини битирган. Филология фанлари доктори (1962), профессор (1963). Илмий фаолияти ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишга бағишланган. Ҳаммуаллифликда бир қатор дарслик, методик қўлланмалар чиқарган. (8- ж. – 470- б.)

Файзулло Кароматли

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981).

Файзулло Музаффарович Кароматов 1925 йили Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Мусиқашунос ва фольклоршунос олим. Тошкент педагогика институтини битирган. Санаъашунослик фанлари доктори (1972), профессор (1973). Илмий фаолияти ўзбек фольклор адабиётини ўрганишга бағишланган.

«Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (1999).

Салоҳиддин Мамажонов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982).

Салоҳиддин Мамажонов 1931 йили Қўрғонтеппа туманида таваллуд топган.

Фарғона педагогика институтини битирган. Филология фанлари доктори (1968), профессор (1972). Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (2001).

Илмий фаолияти ўзбек шеърини, проза, драма, болалар адабиёти муаммоларига қаратилган. (Ўз. энц. 5- ж. – 432- б.)

Ҳамид Сулаймонов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964).

Ҳамид Сулаймонов 1910 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 1989 йилда Тошкентда вафот этган. Адабиётшунос, матншунос олим.

Москва кинематография педагогика институтини битирган. Филология фанлари доктори (1961), профессор (1971). Тошкент, Андижон, Қўқон, Самарқанд, Жиззах шаҳарларидаги адабиёт музейлари ҳамда Қўлғазмалар институтининг ташкил этилишига раҳбарлик қилган.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979). (Ўз. энц. 8- ж. – 121- б.)

Юсуф Султонов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967).

Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси (1952). Султонов Юсуф 1911 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1991 йилда Тошкентда вафот этган. Ўрта Осиё университетида ўқиган. Илмий ишлари Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижодига бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). (Ўз. энц. 8- ж. – 131- б.)

Холид Расул

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1991).

Расулов Холид 1911 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, 1991 йилда Тошкентда вафот этган. Адабиётшунос, шоир ва драматург. Филология фанлари доктори (1972). Тошкентдаги маданий қурилиш институтини битирган.

Унинг «Қалб кўшиғи», «Райҳон», «Тарас» номли шеъррий тўплам ва дostonлари нашр этилган. (Ўз. энц. 9- ж. 454- б.)

Ғайбулла ас-Салом

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989).

Ғайбулла ас-Салом – Саломов Ғайбулла Тождидинович, 1932 йили Хатирчи туманида таваллуд топган. 2003 йилда Тошкентда вафот этган.

Филология фанлари доктори (1982), профессор (1984). Самарканд давлат университетининг филология факультетини битирган.

Асосий илмий ишлари бадий таржимашунослик, маънавият, маърифат, маданият масаларларига бағишланган. Адиб – «Адабий анъана ва бадий тажима», «Таржима назарияси асослари» каби китоблар муаллифи. (Ўз. энц. 11- ж. – 219- б.)

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБЛАРИ РАВАСИ

Собиржон Иброҳимов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1972).

Иброҳимов Собиржон 1905 йили Андижонда таваллуд топиб, 1974 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Самарканд педагогика академиясининг ижтимоий-иқтисодий факультетида ўқиган. Филология фанлари доктори (1961), профессор (1965). «Ўзбекистон» давлат нашриётида адабий муҳаррир (1929–1933). Ўзбек тилининг грамматика, диалектология, лексикология, имло, орфоэпия каби соҳаларига оид тадқиқотлар олиб борган ва илмий асарлар ёзган. (Ўз. энц. 8- ж. – 66- б.)

Порсо Шамсиев

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1972).

Шамсиев Порсо 1897 йили Бухорода таваллуд топиб, 1972 йили Тошкентда вафот этган. Навоийшунос ва матншунос олим. Филология фанлари доктори (1970). Бухоро мадрасаларида таҳсил олган.

Унинг «Адабиётдан иш китоби», «Адабиёт дарслиги», «Ўзбек тили дарслиги», «Ўқиш китоби» нашр этилган. Шамсиев Порсо С. Иброҳимов билан ҳамкорликда «Ўзбек классик адабиёти луғати» ва «Навоий асарларининг луғати»ни тузган. (Ўз. энц. 9- ж. – 689- б.)

Маҳмудали Юнусов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978).

Юнусов Маҳмудали Юнусович 1918 йили Тошкентда таваллуд топган. 1985 йилда Тошкентда вафот этган. Филология фанлари доктори (1967). Тошкент педагогика институтининг филология факультетини битирган. Олий ўқув юртлари талабалари учун бир қанча ўқув қўлланмалар ва дастурлар яратган. (Ўз. энц. 10- ж. – 329- б.)

Бегали Қосимов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1999).

Қосимов Бегали 1942 йили Қасби туманида таваллуд топиб, 2004 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Тошкент педагогика институтини битирган. Доцент (1971–85), профессор (1986). «Ўзбек адабиёти» (5-, 7-,9-, 11- синфлар учун), «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» дарсликлари ҳаммуаллифи. (Ўз. энц. 11- ж. – 114- б.)

Абдуқодир Ҳайитметов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1978).

Ҳайитметов Абдуқодир 1926 йили Данғара туманида таваллуд топиб, 2005 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Адабиётшунос олим. Ўрта Осиё университетининг шарқшунослик факультетини битирган. Филология фанлари доктори (1971–85), профессор (1970). Ҳайитметовнинг адабий-илмий фаолияти ҳикоя ва мақолалар ёзиш билан бошланган. Кейинчалик у фақат илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган ва унинг илмий фаолияти, асосан, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини ўрганишга бағишланган. (Ўз. энц. 11- ж. – 280- б.)

Уйғун

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1956).

Уйғун – Рахматулла Отақўзиев, 1905 йилда Жанубий Қозоғистоннинг Марки шаҳрида туғилган. 1990 йил вафот этган. Кейинчалик ҳозирги Самарқанд давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультетини битирган. Унинг «Баҳор севинчлари», «Ҳикоялар», «Иккинчи китоб», «Қуёш ўлкасига», «Шеърлар», «Зафар тароналари», «Ғазаб ва муҳаббат», «Ҳадя», «Ўзбекистон», «Ҳаёт иши», «Танланган асарлар» каби шеър ва хикоя тўпламлари ва бир қатор сахна асарлари нашрдан чиққан. «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланган. (4- ж. – 222- б.)

Омон Мухтор

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991).

Мухторов Омон Сулаймонович 1941 йили Бухорода туғилган. 2013 йилда вафот этган.

Ёзувчи, шоир, драматург. Тошкент давлат университети журналистика факультетини битирган.

Адибнинг «Чорлар қуёшли йўллар», «Оҳанг», «Ёғду», «Марварид», «Шиддат» каби шеъррий тўпламлари, «Нигоҳ», «Қушлар тушлар», «Шахарлик келинчак», «Ҳаёт дарвозаси», «Учқур поездлар», «Болаликка саёҳат», «Вазифа», «Ўлмаган жон» сингари китоблари чиққан. Адибнинг яна «Йиллар шамоли», «Эгилган бош», «Аёллар мамлакати ва салтанати», «Ффу», «Афлотун», «Тўрт томон қибла», «Тепаликдаги хароба», «Майдон», «Ишқ ахли» каби замонавий романлари китобхонларга манзур бўлган.

Мақсуд Шайхзода

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964).

Мақсуд Шайхзода 1908 йили Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида

таваллуд топган. Шоир 1967 йили Тошкентда вафот этган. Максуд Шайхзода Боку шаҳридаги дорулмуаллиминни битирган. Унинг «Лойиқ соқчи», «Ўн шеър», «Ундошларим», «Учинчи китоб», «Жумхурият», «Ўн икки», «Янги девон», «Кураш нечун?» «Кўнгул дейдики», «Ўн беш йилнинг дафтари», «Юрт шеърлари», «Олқишларим», «Йиллар ва йўллар», «Шеърлар» ва бошқа шеъррий тўпламлари нашр этилган. Таржимон сифатида ҳам хизматлари катта.

Шеърятидан намуна:

Шеър чин гўзаллик синглиси экан...

Шеърсиз қалбларга ачинаман мен,
Уларда на тонглар кундузин бошлар,
На оқшом юлдузлар уфқин очар кенг,
На баҳор чоғида сайрайди қушлар.

Қўшиқсиз уйларга қулги ёкмайди,
Хонадон аҳлининг қовоғи осик.
Ҳатто деразадан куёш боқмайди,
Соатнинг ўзи ҳам тиқиллар босик.

Шеърсиз кўчани толе қаргаган,
Бу ерда севгининг манзили бекик.
Қувонч бунда кезар кайфи таркаган –
Кекса хуморидек комати букик.

Бечора одамлар, билмаски улар,
Шеър чин гўзаллик синглиси экан.
Ҳар кимки у билан севипса агар,
Хуснига чиройлар қўшилар айнан.

Шеърят диёрин шоирларимиз,
Ҳар уй, ҳар кўнгилга байтлар бўлсин ёр!
Элга дастёр бўлса шеърларимиз,
Демакки, умримиз ўтмабди бекор! (20- ж. – 44- б.)

Абдуқаҳҳор Иброҳимов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990).

Иброҳимов Абдуқаҳҳор Абдусаматович 1939 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. Ёзувчи, драматург, публицист. «Қоя остида», «Сўнги нур», «Осмон яқин, ер юмшок» каби ҳикоялар тўплами, «Уйку келмас кечалар» романи муаллифи.

«Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланган (1999). (Ўз. энц. 8- ж. – 65- б.)

Наим Каримов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1996).

Каримов Наим Фотиҳович 1932 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Адабиётшунос олим, жамоат арбоби. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. Филология фанлари доктори (1993), профессор (1994). Унинг илмий фаолиятида адабиёт ҳодисаларини тарихий воқеалар, бадиий асарни эса ёзувчи ҳаёти ва маънавий-эстетик олами билан узвий алоқада ўрганиш устуворлик қилади.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985).

«Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (1999). (Ўз. энц. 8- ж. – 468- б.)

Носир Фозилов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990).

Фозилов Носир 1929 йили Қозоғистон Республикасининг Туркистон туманида таваллуд топган. Ўрта Осиё университетини тугатган.

«Ирмоқ», «Оқим», «Робинзонлар», «Қўш қаноти билан», «Қорхат», «Кўклам қиссалари», «Болалигим – подшолигим», «Шумболанинг набиралари», «Тошкентнинг носии» каби асарлар муаллифи.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган (1999).

Матюсуф Харратов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944).

Харратов Матюсуф 1889 йили Хивада таваллуд топган. 1952 йилда Тошкентда вафот этган. Шоир, бастакор ва хонанда. Чокар тахаллуси билан ёзган шеърлари ўзи тузган кўлёзма девон ва турли баёзларга киритилган. Шеърлари демократик ва маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган. (Ўз. энц. 9- ж. – 398- б.)

Шукур Саъдулла

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1972).

Шукур Саъдулла 1912 йили Жиззахда таваллуд топиб, 1972 йили Тошкентда вафот қилган. Болалар шоири, драматург. Самарқанд педагогика академиясида ўқиган. «Ўзбекистон» давлат нашриётида муҳаррир (1931–1964). «Хайқирик», «Сен нима қилдинг?» «Шоҳиста», «Ширин кун», «Улуғ шаҳар» шеърлий тўпламлари, «Бизнинг байрам», «Кўкбулоқ», «Оҳанграбо», «Дастёр қиз», «Озода» ва бошқа асарлар муаллифи. (Ўз. энц. 10- ж. – 125- б.)

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ РАВЗАСИ

Миркарим Осим

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Миркарим Осим 1907 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1984 йилда вафот этган. Ёзувчи ва таржимон.

Аввал эски мактабда таҳсил олган. Кейинроқ янги типдаги мактабни тугатган. Москвадаги Бубнов номидаги педагогика институтини битирган. Адибнинг «Астаробод», «Тўмарис», «Искандар ва Спитамен», «Темур Малик», «Маҳмуд Торобий», «Ўтрор» каби қиссалари озодлик учун курашган қаҳрамонлар жанрномаларидир. Яна «Зулмат ичра нур», «Аждодлар қиссаси», «Жайхун устида булутлар», «Алжабрнинг туғулиши», «Ибн Сино қиссаси», «Синган сетор» каби тарихий қиссалари машҳур. У таржимон сифатида ҳам бир қатор рус ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2002). (Ўз. энц. 11- ж. – 15- б.)

Хусниддин Шарипов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1983).

Хусниддин Шарипов 1933 йили Поп туманида таваллуд топган.

Унинг «Ниҳол», «Кўнгул буюргани», «Қуёшга ошиқман», «Тупрокка касида», «Лирика», «Ҳаяжонли дакикалар», «Оҳ, гўзал», «Ёр истаб», «Асирингман», «Бир савол» номли шеърӣ тўпламлари чиккан.

«Меҳнат шуҳрати» (2001) ва «Дўстлик» орденлари билан мукофотланган.

Шеърӣядан намуна:

Бардош

Уят ё айб эмас эгилса киши,
Ота фарзанд учун қуллук килар гоҳ.
Пешонанг тупрокка теккани яхши,
Онани заминга қўяётган чоғ.
Сабаб бағоят кўп бош эгмоқ учун,
Ҳеч гапмас ўтмоғи умринг букилиб.
Таажжуб қилишмас,
Бир кунмас-бир кун
Умуртка поғонанг тушса тўқлиб.
Ўзинг-чи?
Бўлсанг гар сифат нозири.
Умрингга босардинг не деган тамға?
Эсла ўтмишингни,
Ўйла хозирни:
Нимага бош эгдинг?
Қандай одамга?
Битга қуллуғингга арзирмиди у?
Битга армонингга бўлдими шерик?
Инсон ёлғиз экан, ичади оғу.
Инсон ҳамдардларнинг тафти-ла тирик.
Сен, ахир, ичингга ютсанг-да ёшинг,
Барибир,
дардингдан этгали оғоҳ,
Қоп-қора соч ила эгилган бошинг –
Қайта тиклангунча бўлади ошпок.

Азим Суюн

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Азим Суюн 1948 йили Самарқанд вилоятида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган.

«Менинг осмоним», «Зарб», «Замин тақдир», «Ҳаёлот», «Зиё йўли», «Жавзо», «Олис тонглар», «Куйганим-суйганим», «Қора

кўзинг сени», «Сайланма», «Шарқ ҳикмати», «Эй дўст» ва бошқа китоблари нашр этилган.

Шеърятидан намуна:

Эй дўст

Эй дўст!

Одам Атони, Тангрим, одам яратди,
Момо Ҳавони унга ҳамдам яратди.
О, аслида аклу куч эгасига
Илоҳий муҳаббату илҳом яратди.

Эй дўст!

Гулсиз мева тугар анжир дегани,
Ёр гулсиз бўлса ҳам бир келса кани?
Чечакни елкада тутган қоядек
Бошимга кўтариб юрардим уни.

Эй дўст!

Табиблар кўп эрур, дорилар бисёр,
Улар на даркордир, гарчи мен бемор.
Ёлғон кулиб, ёлғон йиғлаб нетаман,
Кифоя ёнимга кириб келса ёр.

Эй дўст!

Тунда чорлагандик биз ёримизни,
Кўздан ниҳон тутиб хуморимизни.
Ёр чиққач, о, зулмат кетди ёришиб,
Ошкор қилиб қўйди асроримизни.

Эй дўст!

Дунё норасо жанг-жадаллар билан,
Ғаму андуҳлару ажаллар билан.
Дам ғанимат, жонон билан суҳбат қур,
У расо бўлгайдир гўзаллар билан!

Эй дўст!

Юрса йўли ёруғ, турса – дил-қўнгил,
Умри дарёларда окмас бесамар,
Уйғок туриб тушлар қўрмас, кимгаки –
Севиш ва севилиш саодати ёр. (20-234- б.)

Абдулҳаким Матназар

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (2000).

Абдулҳаким Матназар 1948 йили Урганч шаҳрида туғилган. Россиянинг Таганрог шаҳридаги Рус тили ва адабиёти институти-ни тамомлаган.

«Тиник тонглар», «Фасллар қўшиғи», «Қор қўшиғи», «Ёнимда-ги дарёлар», «Бир кучок гул», «Ойдинлик», «Сўнги япрок» каби китобларни нашр этган. Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Мажиддин Бағдодий, Паҳлавон Маҳмуд ва Мирзо Бедилларнинг асарла-рини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Шеърятидан намуна:

Парвойим йўқ ҳозир хом, пухталарга,
Унутдим дунёнинг нася, нақдларин...
Юракнинг олис бир нуқталарига
Қайтиб келаётир шоир вақтларим.

Аранг милтиллайди олисда овул,
Тим-тирс... илғанади безовта руҳлар.
Ойнақўл тушига киради довул,
Ҳар барғда бир шамол донг котиб уҳлар.

Ҳар лаҳза қаърига бекинган минг йил,
Сукунат ҳайкирар қутлуғ отингни.
Бутун борлик каттик бириктирган тил
Сўндирмаслик учун ёдингни.

Мунаввар бир дастёр ёғдулар мулки,
Тиним билмайди ҳеч осмонда қуёш.

Нур таратар ёдинг – лабларда кулгу,
Ёғду сочар ёдинг – кўзлардаги ёш... (20- ж. – 247- б.)

Муҳаммад Раҳмон

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (2003).

Муҳаммад Раҳмон 1949 йили Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида таваллуд топган. 2010 йил вафот этган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Муво- занат», «Яшил дарё», «ЮОрагимнинг дастхати», «Ижобат», «Ас- раганим, авайлаганим» каби шеърый тўшламлар муаллифи. Бола- лар учун ҳам асарлар ёзган.

Шеърларидан намуна:

Кўхи падаркуш

Тутаб ётар кўхи Падаркуш,
Шамол увлар мағораларида.
Кўрган каби хагарли бир туш
Жилғалар тўлғанар жарларда.

Чўзилган ху, уфққа кадар
Қизғалдоқлар – узун қонли из.
Бунда мунгли қиссалар айтар
Ҳар бир сўқмоқ, ҳар майса, ялпиз.

Кўринмайди юлдуз-да, ой-да,
Таҳликали кишнаган отлар...
Улуғбекни худди шу жойда
Қувиб етган эмиш жаллодлар!

Ўғил нонкўр, қисмат беомон,
Ёзиқда ёзгани ўқилган:
Бу жойларда бир вақт, бир замон
Улуғбекнинг кони тўқилган!

... Тикиламан зирваларга жим,
Юрак-бағрим ғуссаларга ғарк...
Шарк, ростдан ҳам, нозиксан, тилсим,
Билиб бўлмас сени бирдан, Шарк!

Ҳиммат деган бўлар-да шунча,
Неклик борми бундан ҳам ортик –
Зеру забар подшоларингга
Ҳаж сафарин айлабсан тортик!

Йиғлаб-сиқтаб ком, анжом билан
Олис йўлга кузатганинг дам,
Унутмабсан улар ортидан
Ҳатто... қотил жўнатишни ҳам! (20- ж. – 250- б.)

Мирнўлат Мирзо

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1999).

Мирнўлат Мирзо 1949 йили Чимкент вилоятининг Сайрам туманида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Тош жилваси», «Ишк фасли», «Яхши кунлар», «Сунбула», «Мовий дарё», «Атиргул ва юлдузлар», «Онажон», «Сайланма» каби шеърый тўплamlари нашр этилган.

Борис Пастернак (1999) ва «Алаш» (2001) номидаги халқаро мукофотлар соҳиби.

Шеърларидан намуна:

Қаҳрин сочар тинмай изғирин,
Умид гули эса сўлмайди.
Лекин дилга шивирлар сирин:
«Ахир, бундоқ яшаб бўлмайди!..»

Аямажуз айқиради оч,
Муз қиличин кўкда тўлғайди.
Ингранади боғлар яланғоч:
«Ахир, бундок яшаб бўлмайди!..»

Қаҳратоннинг қасди нимада,
Недан унинг кўнгли тўлмайди?!
Ҳеч ким билмас, лекин дил зада:
«Ахир, бундок яшаб бўлмайди!..»

Қайлардадир кулф урар баҳор,
Гоҳ димоғни иси чулғайди.
Нега бунча имиллар киш, қор:
«Ахир, бундок яшаб бўлмайди!..»

Баҳор, келгин, арит дилдан ғам,
Сен борсанки, юрак ўлмайди!
Гулларингни соғиндик бирам,
Ахир, бундок яшаб бўлмайди! (20- ж. – 256- б.)

Шавкат Раҳмон

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1996).

Шавкат Раҳмон 1950 йили Ўш вилоятининг Қорасув туманида таваллуд топиб, 1996 йили Тошкентда вафот этган. Тошкент давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган. Москвадаги адабиёт институтини тугатган. «Рангин лаҳзалар», «Юрак кирралари», «Очиқ кунлар», «Гуллаётган тош», «Ўйгок тоғлар», «Ҳалво», «Сайланма» каби шеъррий тўпламлари чиққан.

Шеърларидан намуна:

Қасам

Шавкат Раҳмон деган
бир ўжар шоир

бир купи кайтадан яраладими?
Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,
сайладим сўзларнинг
сараларини.
Ҳар бир сўз
юз сўзнинг ўрнини босар:
Ватан, Халк, Жасорат, Кураш, Озодлик.
Ҳар бир сўз етажак юзта умримга,
Ҳар бири бахш этар
рухимга шодлик.
Ҳозирлик кўраркан буюк сафарга,
пуштиранг пардали минглаб дарчадан
мўралаб ўтирган гўзал сўзларни
қолдириб кетаман энди барчага.
Аслида, атиргул бўйин таратган
бу ўйноқи сўзлар меникимасдир.
Менга нондай зарур,
қиличдай кескир,
захардай мард сўзлар бўлсаёқ, басдир.
Сайладим сўзларнинг сараларини,
курашлар шамоли кирди назимига.
Юртимни кезаман,
энди ҳар нарса –
эгилган нарсалар тегар ғашимга.
Энди ишлаш керак бу кенгликларда,
токим сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,
токим буюк тоғлар салтанатида
эгилган бошларни
қиличлар кессин. (20- ж. – 264- б.)

Тоҳир Қаҳҳор

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1991).

Тоҳир Қаҳҳор 1953 йили Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида таваллуд тошган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Ок ўрик», «Оқаётган дарё»,

«Осмон кимники», «Эшик тақиллаётир», «Кун кўзи», «Юлдузлар менинг боғим», «Тоғнинг парвози» каби шеърый китоблари нашр этилган.

Шеърларидан намуна:

Умидсиз ошиқ

Неча кундир кўзим кўрмайдир
Кўз ўнгимда бир қоронғулик
Борликсиз бир кир қоронғулик

Кимса билмас ҳолим сўрмайдир
Кўз ўнгимда товушсиз олам
Яшамидан хабарсиз янам

Неча кундир кўнглим юрмайдир
Хаёлан боқурмен юлдузга
У ўхшар мен йўқотган кўзга. (20- ж. – 305- б.)

Жонибек Қувноқов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1984).

Жонибек Қувноқов 1941 йили Жиззах вилоятининг Фориш туманида таваллуд топган. 1990 йилда Тошкентда вафот этган. Зул-лисонайн шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Унинг «Қарз», «Ифтихор», «Арзи дил», «Розҳо», «Зангўла» каби шеърый тўпламлари чиққан. Бир қатор тожик адибларининг асарларини ўзбек тилига ва ўзбек адибларининг асарларини тожик тилига тар-жима қилган.

Шеърларидан намуна:

Хур ватан ўғлониман

Бир эмас, минг қатла шукрким хур ватан ўғлониман,
Бахтли ипсон рамзиман, бахтнинг балоғардониман.

Барқ урар кафтимда доим орзулар дурдонаси,
Бўлса беармон жаҳонда, мен унинг мезониман.

Мансабимни, эй мусофир, истасанг билмоқни гар,
Мен Ватан ишчисиман, деҳқониман, сарбониман.

Ҳаммадан ҳам жон азиз, жондан азизроқ Ватан,
Жонибекнинг жони бўлган хур ватан ўғлониман.

Эй падар

Давлати ноёб ҳастед, эй падар,
Мажман одоб ҳастед, эй падар.

Ҳарфатон дилро ба дил пайваст боз,
Жавҳари ноёб ҳастед, эй падар.

Чун китоби панд бошад умратон,
Пири ҳар устод ҳастед, эй падар.

Умри ман бошад агар як сафҳае,
Матлаи ҳар боб ҳастед, эй падар.

Давлати дунё ба мо ноёб нест,
Давлати ноёб ҳастед, эй падар.

Саъдулла Кароматов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1978).
Кароматов Саъдулла Музаффарович 1928 йили Бухоро шаҳрида

таваллуд топган. 1987 йилда Бухорода оламдан ўтган. Журналист, ёзувчи. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. «Тоғлар табассуми», «Кумуш камар» «Гўзаллик рамзи» каби шеърӣй тўпламлар ва очерклар, «Олтин кум» романи муаллифи. (8- ж. – 478-б.)

Ваҳоб Рўзиматов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1976).

Рўзиматов Ваҳоб 1921 йили Тошкентда таваллуд топган. Журналист ва таржимон. Ижодий фаолияти 30- йилларда таржимонликдан бошланган. Шолохов, Симонов, Конан-Дойл, Свифт, Толстой, Пушкин, Чехов, М. Твен, Р. Тагор асарларини ўзбек тилига таржима қилган адиб. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган (1999). (Ўз. энц. 7- ж. – 402- б.)

Ҳожиакбар Шайхов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1997).

Ҳожиакбар Шайхов 1945 йили Хитойнинг Шинжонида таваллуд топиб, 2002 йили Тошкентда вафот этган. Фантаст ёзувчи, публицист. Ўзбек илмий-бадий фантастикасининг асосчиларидан бири. У 30 дан зиёд илмий-фантастик хикоялар, қиссалар ва романлар ёзган.

«Рене жумбоғи», «Залворли одимлар», «Еттинчи операция», «Ғаройиб кўланка», «Олмос жилоси», «Ҳаётбахш хаёллар», «Сўнгги аждар ҳалокати», «Аждодлар хотираси», «Мактаб саҳнаси», «Ёнар дарё», «Сеҳрли қиз», «Телба дунё», «Жодугарнинг эри», «Икки жаҳон овораси» каби қисса ва романлари бор. Ўз энц. 9- ж. – 682- б.)

Йўлдош Шамшаров

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970).

Йўлдош Шамшаров 1907 йили Чуст туманида таваллуд топган. 1987 йилда Тошкентда вафот этган. Ёзувчи, таржимон. Фарғона педагогика институтини битирган.

«Пахтақайнар», «Қахрамонлик йўли», «Ғурумсаройликлар», «Ошиқлар», «Инсон қалби» каби очерклар тўпламлари, «Чирок» романи, «Ҳаёт тақозоси», «Навбахор қиссаси», «Ишк ўти», китоблар муаллифи. (Ўз. энц. 9- ж. – 690- б.)

Жуманиёз Шарипов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1971).

Шарипов Жуманиёз 1911 йили Хивада таваллуд топган. Ёзувчи, таржимашунос олим. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Самарқанд педагогика академиясини тугатган.

Филология фанлари доктори (1968). Унинг «Ёлқинли шеърлар», «Адабиёт дарслиги» номли китоблари, «Саодат» қиссаси нашр этилган. (Ўз. энц. 9- ж. – 697- б.)

Мақсуд Қориев

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968).

Мақсуд Қориев 1926 йили Тошкентда таваллуд топган. 2011 йилда вафот этган. Ёзувчи, журналист. Тошкент юридик институтини битирган. Унинг «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Ой тutilган кеча», «Қиз узатиб борганда», «Афросиёб гўзали», «Турналар баланд учади» номли қисса ва ҳикоялар тўпламлари нашр этилган.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган (1998). (Ўз. энц. 11- ж. – 107- б.)

Султон Акбарий

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968).

Султон Акбарий – Акбаров Султон, 1923 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1997 йилда Тошкентда вафот этган. Шоир, журналист. Тошкент педагогика институтини битирган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. У – «Имоним, эътиқодим», «Яраланган кўшиқлар», «Сулув сулув эмас», «Шукрона», «Меҳриғиё», «Довон ва девон», «Кўнгил оҳанглари» ва бошқа шеърий тўпламлар муаллифи. (Ўз. энц. 8- ж. – 123- б.)

Саъдулла Ҳаким

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (2002).

Саъдулла Ҳаким 1951 йили Жиззах вилоятининг Фориш туманида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Ҳамал тонглари», «Сен кутган баҳор», «Ёз оқшоми», «Она сўз», «Сайланма», «Кўнгил юзи» каби тўпламлари нашр этилган.

УНВОНСИЗ МУМТОЗ АДИБЛАР РАВЗАСИ

Мискин

Мискин – Ғуломхалил Тошмуҳаммад ўғли, 1880 йилда Тошкентда таваллуд топиб, 1937 йили Тошкентда оламдан ўтган. Шоир Кўкалдош мадрасасида таълим олган. Шоир икки девон тузган экан, бироқ ҳозир қаердалиги номаълум. (11- ж. – 14- б.)

Шеърятидан намуна:

Мураббаъ

Кўрдим хатингиз, зебо санамлар,
Қатлимга эркан ёзган рақамлар.
Бераҳм айлаб бизга ситамлар,
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар.

Қош узра фарқни эгри кўярсиз,
Ошиқларингиз бетиғ сўярсиз,
Сокий бўлибон майлар куярсиз,
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар,

Ошиқлар ичра дилхаста, Мискин,
Ишқ булбулидир, вобаста Мискин,
Ғам доми бирла побаста Мискин,
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар.

Абдураззоқ Фақирий

Абдураззоқ Абдужаббор ўғли Фақирий 1884 йилда Хивада туғилган. 1925 йилда вафот этган. У бошланғич маълумотни олгач, Хива мадрасасида ўқиди ва 1898 йилдан ижод қила бошлади. Фақирий ғазаллар, мухаммас, мусаддас, рубоий, маснавий ва қасидалар ёзган. Ундан бизга иккита девон етиб келган.

Шеърятидан намуна:

Билингким, тоза даврон жарчисидур янги мактаблар,
Жаҳолат касрини ҳам бузғусидур янги мактаблар.

Агарчи мадрасалар фисқу бидъатга макон эрди,
Вале илму ҳунарлар партавидур янги мактаблар.

Ўн-ўн беш йил ўқубон ҳам ёзолмас эрди ўз исмин,
Ўн ойда, бас, саводхон этгусидур янги мактаблар.

Мирабдуллаҳўжа Абдий

Абдий Мирабдуллаҳўжа 1870 йили Бухорода таваллуд топиб, 1922 йилда Бухорода оламдан ўтган. Шоир ва тазкиранавис. Шоирнинг «Тазкираи Абдий» (ёки «Тазкират уш-шуарои мутааххирини Бухоро») асарида Амир Абдулахад даврида яшаб ижод қилган 168 шоир ҳақида маълумот ва асарларидан намуналар берилган. Асар ўзбек ва тожик адабий алоқаларини ўрганишда муҳим манбалардандир.

Баёний

Муҳаммад Юсуфбек Бобожонбек ўғли 1858 йили Хива шаҳрида таваллуд топиб, 1923 йилда Хивада оламдан ўтган. Ўзбек шоири, тарихчи, таржимон, мусиқашунос, хаттот. Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил кўрган. Ундан «Девони Баёний» шеърӣ тўплами ҳамда «Хоразм тарихи» ва «Шажараи Хоразмшоҳӣ» номли икки тарихӣ асар қолган. Бир қанча араб ва форс муаллифларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. (6- ж. — 589- б.)

Махмур Коризий

Абдулкарим Баргот ўғли Махмур Коризий 1820 йили Жиззахда таваллуд топган. У 1876 йили вафот этган. Унинг айтишича, ёшлигида Фарғона водийсига таълим олгани боради ва 25 ёшида Жиззахга қайтиб келади. Махмур Коризийнинг ягона қўлёма девони мавжуд бўлиб, ундан шоирнинг ғазал, соқийнома, мухаммаслари ва хатлари ўрин олган.

Шеърларидан намуна:

Ғазал

Паришон хотиримға бир ширин махваш хаёли бас,
Вале бу ғам туни ҳамдам бўлурга хатту холи бас.

Не деб ман лолаю гулни тамошасини айларман,
Боқиб гоҳ кўз билан кўрмоққа ул жонон жамоли бас.

Жаҳонда ҳар киши ўз матлабиға бўлса гар восил,
Чекиб кўп ранжу меҳнат борсаму кўрсам висоли бас.

Кўринса моҳи нав, олам эли боқиб дуо айлар,
Қадимни ҳам қилиб қилсам дуо, икки ҳилоли бас.

Ҳама эл сарв ила шамшод васфи айлаюр иншо,
Манга ёзмокка умримча анинг қадди ниҳоли бас.

Муяссар айласа ётсам анинг кўйида боримча,
Тирикликдин насибам бўлса шунча моҳу соде бас.

Жаҳонни лаззатиға майлсиз, бўлсам ажаб эрмас,
Қилурга тўғи жон тўғман лаълида боли бас.

Қоронғу даҳр ичинда топсалар ҳар кимса бир Хизре,
Манга ул Мавлавийдек содику соҳибкамоле бас.

Бу Махмурни ҳалок бўлди, деманг муҳлик хумор ичра,
Мунга хайвон суви янглиг майи ширин зилоли бас. (А-н. – 210- б.)

Маҳдий

Мулло Аҳмад ўғли – Маҳдий, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи ярмида Каттакўрғонда яшаб ижод қилган адиб. Шоир Бухородаги Жаъфархўжа мадрасасида таълим олган. Мадрасадан сўнг қишлоғига қайтиб, мактабларда муаллимлик қилган. «Баёзи Маҳдий» номли асар ёзиб унда ўзининг шеърларидан бўлак яна Ҳофиз, Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Ғозий, Амир, Шавқий, Вола ва бошқалар ҳақида қисқа маълумот ва шеърларидан намуналар берган. (Ўз. энц. 7- ж. – 554- б.)

Маҳмуд Ҳаким

Маҳмуд Ҳаким Қатағон тахминан XVII асрнинг иккинчи ярмида ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Қўқойда яшаб ижод қилган адиблардан. Ҳакимий тахаллуси билан шеърлар ёзган. У – «Девони Ҳакимий», «Абу Али ибни Сино қиссаси», «Маъдан ул-адвия», «Қонун ул-илож», «Мужарработи Маҳмудий», «Хуллас ут-таворих» каби асарлар муаллифи. (Ўз. энц. 7- ж. 558- б.)

Рожий

Рожий – Сулаймонкул уста Суяркул ўғли, 1871 йили Қўқонда таваллуд топиб, 1924 йилда Қўқонда вафот этган. Шоир ва хаттот. У Қўқондаги мадрасаи Мирда таълим олган. Ўз даврининг истеъдодли, ўқимишли кишиси бўлиб етишган. Шоир Қўқон мадрасаларида таълим берган. Рожийдан бизгача девон етиб келган. (А-н. – 188- б.)

Ундан бизга мерос қолган «Зарбулмасал» асари 880 мисра шеър, 400 ортиқ мақол ва ҳикматли сўзлардан таркиб топган. (Ўз. энц. 7- ж. – 346- б.)

Рушдий

Рушдий – Муҳаммад Сиддик, XVII асрда Қўқонда яшаган адиб. Таваллуд тошган ва вафот этган йили аниқ эмас. Умрининг охирларида Қашқадарёда яшаган. Рушдийнинг бизгача ихчамгина ахлокий-таълимий мазмундаги достони ва катта ҳажмдаги «Газкират ул-авлиёи туркий» номли асари етиб келган. (Ўз. энц. 7- ж. – 398- б.)

Садойй

Мирҳасан Садоййнинг таваллуд тошган йили аниқ эмас, 1820 йилда Фарғонада вафот этган. Ҳаёти ва ижодига оид айрим маълумотлар Дилшод Отиннинг «Тарихи муҳожирон» асарида учрайди. Шеърларида дунёвий севги, дўстлик, ахлокий фазилатлар, илм, фазилат куйланган. У Ҳувайдонинг шогирди бўлган. Ҳофиз, Навоий адабий анъаналарини давом эттирган. (Ўз. энц. 7- ж. – 415- б.)

Тавалло

Тўлаган Хўжамёров 1883 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1937 йилда Тошкентда вафот этган. Шоир, публицист. Бекларбеги ва рус-тузем мактабларида ўқиган. Ўзбек ва тожик адабиёти классикларининг ижодини, шунингдек, араб ва форс тилларини ўрганган. Унинг «Равнақ ул-ислом» номли шеърый тўплами чиққан. 1937 йилда НКВД қошидаги учлик ҳукми билан отиб ташланган. 1968 йили оқланган. (Ўз. энц. 8- ж. – 219- б.)

Умар Боқий

Умар Боқий XVIII асрнинг иккинчи ярмида Хивада таваллуд топиб, XIX асрнинг биринчи ярмида вафот этган. Ёзувчи. Алишер Навоийнинг «Хамса»сига кирган «Фарҳод ва Ширин», «Лай-

ли ва Мажнун» дostonларининг насрий вариантларини яратган. «Фарход ва Шириш»ни асл матнига жуда якин ифодалаган бўлса, «Лайли ва Мажнун» баёнида матндан бирмунча четга чиққан. (Ўз. энц. 9- ж. – 86- б.)

Хўжандий

Хўжандий XIV асрнинг иккинчи ярмида Хўжандда таваллуд топиб, XV асрнинг биринчи ярмида вафот этган адиблардан. У ҳақида тўлиқ маълумотлар етиб келмаган. Унинг «Латофатнома» асари Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарига назира тарзида ёзилган. Асарда севги тараннум этилиб, висол иштиёки ва ҳижрон изтироблари тасвирланган:

Шеърятидан намуна:

Тилар бўлсанг жаҳон ичра аморат,
Факирлар кўнглини килгин иморат.

Бу асар ўзбек адабиётида номанавислик жанрига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. (Ўз. энц. 9- ж. – 537- б.)

Сулаймон Боқирғоний

Боқирғоний Сулаймон 1186 йили Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида таваллуд топган. Тасаввуфнинг йирик намоён-даси. Аҳмад Ясавий тарикатининг давомчиси. Шоир «Ҳақимота» тахаллуси билан машхур. Боқирғоний Сулаймон шеърлари «Боқирғон китоби» номин билан машхур. У «Биби Марям китоби», «Охирзамон китоби» каби дostonлари билан ҳам машхур. Боқирғоний Сулаймон туркий шеърятининг бошловчиларидандир. Адибнинг вафот этган йили аниқ эмас. (7- ж. – 193- б.)

Боқихон Тўра

Боқихон Тўра XIX асрнинг биринчи ярмида таваллуд топган. 1888 йили Қўқонда оламдан ўтган. Ўзбек шоири. Мумтоз шеърининг турли жанрларида ижод қилган. Қўқонлик машҳур шахслар вафотига оид тарихлар ёзган. (7- ж. – 194- б.)

Бурҳониддин

Бурҳониддин XV асрда Ҳирот шаҳрида тугилиб, ижод қилган ўзбек шоири. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Бурҳониддин ҳақида: «Ҳирий шаҳрининг бузургзодагонларидандур, донишманд ва хуштабъ ва сабукруҳ кишидир», – деб баҳо берган.

У Шоҳруҳмирзо мадрасасида дарс берган. Абулқосим Бобур Мирзога бағишлаб «Жавоҳир ул-асмо» муаммо рисоласини ёзган. (7- ж. – 268- б.)

Сайёдий

Сайёдий ўғли Харобий (асл исми Сайид Муҳаммад) – XVII асрнинг иккинчи ярмида Балх шаҳрида таваллуд топиб, ижод қилган адиб.

Шоир овчи онласида туғилган, шунинг учун ҳам Сайёд тахаллусини таппаган. Ўзи ҳам овчилик қилган. Шоирнинг бизгача айрим шеърлари ва «Тоҳир ва Зухро» достони етиб келган. Достонга 50 дан ортиқ газал шаклидаги шеърлар киритилган. Достон асосида драма ва кинофильм яратилган. (Ўз. энц. 7- ж. – 424- б.)

Қутб Хоразмий

Қутб Хоразмийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XIV асрда Хоразмда яшаб ижод

қилган. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи ягона манба унинг «Хусрав ва Ширин» достонидир. (Ўз. энц. 11- ж. – 172- б.)

Нишотий

Мухаммадниёз – Нишотий, XVIII асрда Хоразмда яшаб ижод қилган адиблардан бири. Унинг «Хусну дил» достони етиб келган. Яқинда «Қушлар мунозараси» номли достони борлиги маълум бўлди. Ушбу дoston Агторнинг «Мантик ут-тайр» ва Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonларига назира сифатида ёзилган.

Шеърларидан намуна:

Қушлар мунозараси

Дўстлар, таъзим имтиҳон қилайин,
Қушларнинг баҳсини баён қилайин.
Қиш чикиб, хут этти чун тахвил,
Бўлди Лаклак тамом қушға далил.
Қагъ этиб йўлни шаҳри Кеш келди,
Севунуб халқ деди: «Хуш келди!»
Қилибон ғусл ила таҳоратни,
Тавф қилди юруб мазоратни.
Дилбон бўлубон минора чикиб,
Ўз боши узра шодиена қокиб.
Деди: «Инак етишти фасли баҳор,
Мўътадилдур хавоий лайлу наҳор».
Тикди чодар шукуфа бўстонда,
Битди юз навъ гул гулистонда.
Бўлди тонгнинг ели Масиҳ нафас,
Уйкудин очди кўзларин наркас.
Чунки Лаклак бу навъ килди нидо,
Тушти юз гуфтугўй қушлар аро.
Ул кун эрдим фақир гулшанда,
Кўзларим эрди сарву савсанда. (А-н. – 84- б.)

Аламкаш

Убайдулло Ислом ўгли Аламкаш 1846 йилда Жиззахда таваллуд топган. Вафот этган йили номаълум. У аввал Жиззахда, сўнг Самарқанд ва Бухорода таҳсил олган. Кейинчалик хаттотлик ва махсидўзлик касби билан кун кечирган.

Аламкашдан икки девон қолган. (А-н. – 289- б.)

Шеърларидан намуна:

Нотавонларга бўлур ҳар дамда афзун эҳтиёж,
Айлади ҳолимни кун-кундин дигаргун эҳтиёж.

Арзи матлаб тийра хотирларни равшан айлади,
Чирки жома кетмади, то бўлди собун эҳтиёж.

Ҳажр арода васли уммиди билан андоқки мен,
Фахр элини вожгун этмакда ҳамчун эҳтиёж.

Эй кўнгул, сен кўрмагил ҳожатни андак, негаким
Ағниёларга бўлибдур Нуҳу Ҳомун эҳтиёж.

Демангиз ёлғиз Аламкаш кўнгли ҳожатдин малул,
Не диловарларни ҳам қилди жигархун эҳтиёж.

Муҳаммад Раҳим Роғиб

Муҳаммад Раҳим Роғиб 1865 йили Урганчда таваллуд топган. 1934 йили Урганчда вафот этган. Дастлабки маълумотни Урганчда, кейинроқ Хивадаги мадрасада олади. У ёшлигидан шеър ёзишга қизиққан ва Роғиб таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Роғибнинг истеъдодини кўрган Феруз уни саройга чақирган. Роғиб саройда ҳам камтарона умр кечирган.

Шеърларидан намуна:

Тилар ҳар ким жаҳон ичра фароғат,
Ким эггай Тангри берса не қаноат.

Қаноат аҳли кўргайму жаҳонда
Ғаму, кайғу, балою дарду меҳнат.

Замона ағниёси килғусидур,
Риёю, ужбу кизб ила саховат.

Ҳам ул зоҳидда йўқдур лукмаи пок,
Нечук бўлғай дуосида ижобат.

Биров бўлса жаҳон ичра ғанирок,
Қилур олимлар анго истигоат.

Булар бирла нечук хилт айлагунгдир,
Бу ёнглиғ хаста кўнглим қилма рағбат.

Тамаъ бозориға майл этма Роғиб,
Қаноат масканида айла роҳат.

Юсуфқори Мунтазир

Юсуфқори Мунтазир 1831 йили Қўқонда таваллуд топиб, асрнинг охирларида оламдан ўтган. У аввал маҳалла мадрасасида, сўнгра Мадрасаи Олийда таҳсил олган. Ёшлигидан адабиётга кизиккан. Андижонга кўчиб бориб, умрининг охиригача ўша ерда қолган. (А. н. — 476- б.)

Шеърларидан намуна:

Ғазал

То кўзим ўлди дучор ул сарви гулрухсорға,
Келмади тил хайрон этиб кўнглими гуфторға.

Ер улким воқиф ўлғай хўблик ойннидин,
Йўқ не лозими таашшук сурати деворға.

Қолмади бир зарра тоқат зулми жавринг ҳукмиға,
Мунча мойилдир нигорим хотиринг озорға.

Поймолинг ўлди жисмим, қилмадинг бир йўл нигоҳ,
Йўқму охир бир назар мен нотавони зорға.

Яхши лутф эттингки, қаҳр айлаб, ёмон дединг мени.
Талх сўз зебо эмишдур лаъли шаккарборға.

Бир тараҳҳум айла, ё Раб, Мунтазир янглиғ мудом,
Умр зоеъ айлаган бадқору бадқирдорға.

Ноқис

Абдуқодир Муҳаммадшокир ўғли Ноқис 1860 йили Каттақўрғонда таваллуд топиб, 1929 йилда вафот этган. Дастлаб Каттақўрғон мадрасасида, сўнгра Бухородаги Мир Араб мадрасасида таълим олган. Мадрасадан сўнг ўз шаҳрига қайтиб келиб, деҳқончилик билан шуғулланган. Унинг асарлари «Армуғони Хислат», «Баёзи Мадҳий», «Василаи жонон», «Баёзи Жўрабек» номли босма ва қўлёзма баёзларга киритилган. (А. н. – 483- б.)

Шеърларидан намуна:

Даҳр аро, эй нозанин, хўблар сароси сизмусиз?
Ё магар ойнаи оламнамоси сизмусиз?

Сиздин ўзга маҳлиқоларни кўнгул ёд айламас,
Ё жаҳон зеболарин нашъу намоси сизмусиз?

Ғамзадин хуммор кўзлар ўлдуруб, гаҳ тиргузур,
Ишқ аҳлини бошиға можароси сизмусиз?

Оллоҳ-оллоҳ, ушбу зеболиғда мумтоз ўлдингиз,
Ё Самарқанд ўлкасини подшоси сизмусиз?

Ё малаксиз, ё башарсиз, ё пари, ё хурсиз,
Аҳли оламни талабда мудлаоши сизмусиз?

Акл хайрон, сийна бирён, дил паришон, эй пари,
Рост айтинг, эй санам, жонлар балоси сизмусиз?

Жумла махрўлар ичида гавҳари якдона сиз,
Ё карам баҳрини дурри бебахоси сизмусиз?

Мархаматни бу гадолар бошидин тутманг дариғ,
Меҳрингиз дилда магар меҳри гиёси сизмусиз?

Кулди, айди: «Мунча кўйманг пойим узра бошингиз»,
Нокисо, танҳо бу йўлни мубталоси сизмусиз?

Абдураззоқ Бимий Андижоний

Бимий Абдураззоқ 1850 йили Андижон вилоятида таваллуд топган. Шоир Бимий 1926 йилда вафот қилган. Бимий тожик, араб ва ўзбек тиларини мукамал билган. Шунингдек, мусиқа, хат-тотлик илмини ҳам яхши билган. Бимий ҳаётлигида шеърларини тўплаб девон тузган, бироқ ҳалигача бу девон топилгани йўқ. (А. н. – 492- б.)

Шеърларидан намуна:

Ишк ичра у Мажнун ҳам парвона экан мендек,
Лайлини фирокида афсона экан мендек.

Ғам тоғида кон йнглаб, Ширин ғамида Фарход,
Ҳасратда ўшал ошиқ хайрона экан мендек.

Ўртанди Зулайхо кўп Юсуфни фирокида,
Ҳар баллада дилдори бегона экан мендек.

Овораи ҳижронлар сахрои маломатда,
Муштоки висоли ул жонона экан мендек.

Эй махваши барнолар, жон куйдириб ошиқлар,
Рухсорини шамъиға парвона экан мендек.

Майхоналара келмиш махмура дарег этма,
Май сун, кечалар муҳтож паймона экан мендек.

Узрони ғами бирла Вомиқни дилу кўнгли,
Ишқ офатида Бимий вайрона экан мендек.

Бақоий

Бақоий – теурийлар саройидаги адабий муҳит намояндаси. Таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Бухорода яшаб ижод қилган.

Шеърларидан намуна:

Юз шукрки, ҳар беғам ила ҳамдам эмасмен,
Ишқинг ғамидин шодмен-у, беғам эмасмен.

Тангрики мени айлади масжуди малойик,
Бу қадрни гар англамасам, одам эмасмен.

Ўзумни жунун силсиласидин десам, ул йўқ,
В-ар аҳли хираддин санасам, ул ҳам эмасмен.

Дайр ичра мени пири муғон айлади маҳрам,
Зоҳид каби ул базмда номаҳрам эмасмен.

Мажнунга менинг телбалиғим бор, Бақоий,
Ортукроқ агар бўлмаса, андин кам эмасмен. (А. н. 173- б.)

Дилафгор

Абдулборий Шермухаммад Хожи ўгли – Дилафгор, XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг биринчи ярмида Тошкент вилоятининг Пискент туманида туғилиб, яшаб ижод этган. Дастлабки таълимни Пискент ва Тошкентда олган. Кейинроқ Андижонда яшаб, мадрасада ўқиган пайтларида Саъдий, Ҳофиз, Камоли Хўжандий, Лутфий, Жомий, Навоий, Бедил ва Фузилийлар шеърятидан баҳра олган. Шоирдан бизга «Гулшани Дилафгор» номли мажмуа қолган.

Шеърларидан намуна:

Ғазал

Қонга тўлди юрагим, бир дилрабодин айрилиб,
Эзилиб оқди жигарлар, ошнодин айрилиб.

Ох, ул Мажнун каби ғам даштида қон йиғладим,
Сабру оромим кетиб Лайлиузодин айрилиб.

Йиғламайму ғам чекиб, қаддим дуто, ахбоблар,
Толеимни камлиғи ул маҳлуқодин айрилиб.

Неча муддат бодан хусни билан саршор эдим,
Эй, бу кунлар ташнаман, дорушифодин айрилиб.

Тийра кўнглимга фарахлик ғайбдин ўлмас зухур,
То ҳануз ғамзодаман, қоши кародин айрилиб.

Эй, менга даркор эмас, ушбу тирикликни нетай,
Рўзгорим тийра бўлса рўшнодин айрилиб.
Варна кесмас, деб Дилафгор риштаи уммедияни,
Келса бир кун, не ажаб, ул ошнодин айрилиб. (А. н. – 242- б.)

Ниёзий

Отаниёз Ниёзий 1844 йили Хоразмда деҳқон оиласида таваллуд топган. Шоир 1928 йилда вафот этган. Оилавий шароити унга мадрасада таълим олишга имкон бермагани боис Хивада бир оилага хизмат қилишга мажбур бўлади. Ушбу оила сарвари маърифатли киши бўлгани сабабли унга ёрдам беради. У 18 йил Арабмуҳаммадхон мадрасасида яшаб, форс тили ва классик адабиётни чуқур ўрганади.

Шеърларидан намуна:

Жамолин орзу айлаб, боқиб ҳар ёна, ҳар ёна,
Кўзум келмиш фироқи дардидин гирёна, гирёна.

Агарчи ўлмаким бўлмиш муайян дарди ишқидин,
Урарман билмасун деб эл қадам мардона, мардона.

Висолин фикр этарман кеча-кундуз тинмайин эмди,
Тахайюр даштида овораман ҳайрона, ҳайрона.

Муяссар бўлса умри Нух йўқ андин ҳеч парвое,
На дунё жойи шоди, балки бир ғамхона, ғамхона.

Вужуди касридин чиксун Ниёзий гар фароғ истар,
Вагарна солғусидур худ ўзин зиндона, зиндона. (А.-п. – 256- б.)

Ҳаримий Қаландар

Ҳаримий Қаландарнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга қараганда, XIV–XV асрларда яшаб ижод қилган. Асли Самарқанддан.

Шеърларидан намуна:

Неча йиғлай шамъдек ҳажрингда, ёрим, кечалар,
Оҳким куйдурди доғи интизорим кечалар. (Нав. 9- ж. – 322- б.)

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1976.

Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. – Тошкент: «Фан», 1978.

Ўзбек адабиёти. 4 томлик. – Тошкент: «Бадий адабиёт», 1959.

Хасанхожа Нисорий. Музакир ул-аҳбоб. – Тошкент, 1993.

Минг бир рубой. – Тошкент: «Фан», 2009.

Ўзбек шеърляти антологияси. 5 томлик. – Тошкент: «Бадий адабиёт», 1962.

С. Мирвалиев. Ўзбек адиблари. – Тошкент: «Фан», 1993.

Асрлар нидоси. Тил ва адабиёт институти. – Тошкент: «Ғафур Ғулом», 1982.

XX аср ўзбек шеърляти антологияси. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2007.

Р. Ж. Воҳидов, Ҳ. П. Эшонқулов. Ўзбек мумғоз адабиёти тарихи. – Тошкент, 2006.

Адабиётимиз автобиографияси. – Тошкент: «Ғафур Ғулом», 1973.

Иброҳим Ҳаққул. Абадият фарзандлари. – Тошкент, 1990.

Ўз мулкининг хазинабонлари. (XX–XXI). – Тошкент, 2008.

Сайфиддин Сайфуллох. Буюклар ҳалқаси. – Тошкент: «Ноширлик юғдуси», 2011.

Ўзбек миллий энциклопедияси. 11 томлик. – Тошкент: «Ўзб. Давл. Энци.» нашриёти, 2003–2005.

Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд. «Насоим ул-муҳаббат». – Тошкент, 2001.

Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9-жилд. «Маҷолис ун-нафоис». – Тошкент, 2011.

Энциклопедияи Адабиёт ва санъати тожик. 3 томлик. – Душанбе, 1988–1990.

Н. Маъсумий. Адабиёти тожик дар асрҳои XVIII–XIX. – Душанбе, 1962.

Ганжи Зарафшон. – Душанбе: «Адиб», 1991.

Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. Нашри Махмуд Обидий. – Техрон, 1375 х.ш.

Фариддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Техрон, 1376 х. ш.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
ҲАЗРАТЛАР РАВЗАСИ	6
Ҳазрат	6
Ҳазрат Алишер Навоий	6
Ҳазрат Юсуф Хос Ҳожиб	9
Ҳазрат Сайид Аҳмад	10
Ҳазрат Захириддин Бобур	11
ШАЙХЛАР РАВЗАСИ	13
Шайх	13
Шайх Тарозий	13
Шайх Убайдуллоҳон	14
Шайх Абдулатиф	14
Сўфи Аллоҳёр	15
Сулаймон Бухорий	16
Ҳазиний Хўқандий	16
Шайх Пошохожа	17
АЛЛОМАЛАР РАВЗАСИ	18
Аллома Маҳмуд Кошғарий	18
Аллома Аҳмад Югнакий	18
Аллома Улугбек	19
Аллома Олтинхон Тўра	20
Аллома Алихонтўра	21
Абдурауф Фитрат	22
МАЛИК УШ-ШУАРОЛАР РАВЗАСИ	23
Малик уш-шуаро	23
Малик уш-шуаро Балри Чочий	23
Малик уш-шуаро Муҳаммад Солих	24
Малик уш-шуаро Нисорий	24
Малик уш-шуаро Фазлий Намангоний	25
АМИРЛАР РАВЗАСИ	27
Юсуф Амирий	27
Амир Азизий	28
Амир Байрамхон	29
Амир Умархон	30

Амир Феруз.....	32
Мир Саъид	32
Амир Шайхам Суҳайлий	33
Амир Хон	34
Амир Убайдий	35
МИРЗОЛАР РАВЗАСИ	36
Мирзо Хусайн Байқаро.....	36
Мирзо Аскарӣй.....	36
Мирзо Сулаймон	37
Мирзо Абубакр.....	37
Мирзо Султон Искандар Шерозӣй.....	38
Мирзо Халил Султон	38
Мирзо Султон Аҳмад.....	39
Мирзо Султон Бадиуззамон	39
Мирзо Шоҳ Ғариб.....	40
Мирзо Фаридун Хусайн	40
Мирзо Султон Масъуд	41
Мирзо Султон Али.....	42
Мирзобек.....	42
Мирзо Ҳожи Суғдий	43
Мирзо Хумоюн.....	43
Мирзо Ҳайдар.....	43
Мирзо Огаҳӣй.....	44
Мирзо Комил Хоразмӣй	46
Мирзо Оразӣй.....	47
Мирзо Мурассаъ.....	48
Мирзо Муқимӣй.....	49
Мирзо Надимӣй.....	50
Мирзо Девонӣй	50
Мирзо Ҳайрат Тӯрақўргонӣй.....	51
Мирзо Ҳодӣй	52
Мирзо Масиҳо Бойсуний	53
САЙИДЛАР РАВЗАСИ	54
Сайид Ҳасан Ардашер.....	54
Сайид Киромӣй	55
Саидшоҳ Касбӣй	55
Сайид Подшоҳхожа бин Абдулваҳҳобхожа	56
Сайид Бобожонхожа бини Абдулваҳҳобхожа	56
Сайид Бобохожа бин Подшоҳхожа.....	57

ХОЖАЛАР РАВЗАСИ	58
Хожа	58
Хожа Ахмад Яссавий	58
Хожа Абдулқодир Мароғний	59
Хожа Калонбек	59
Хожа Абдуссалом	60
Хожа Абдулвахҳоб	61
ҲОЖИЛАР РАВЗАСИ	62
Муҳаммадризо Охунд Мухйи	62
ҚОРИЛАР РАВЗАСИ	63
Қори Қундузий	63
Қори Хўқандий	64
Қори Зуфунун	64
ҚОЗИЛАР РАВЗАСИ	65
Қози Носириддин Рабғузий	65
Қози Солеҳ	67
Қози Хумулий	67
Қози Сомий	68
Қози Бурҳониддин	69
Қози Муҳиддинхўжа	70
Қозий Мирий	70
Қози Бехбудий	71
Қози Рожий Марғиноний	71
Қози Ғозий	72
МАВЛОНО (МАВЛАВИЙ)ЛАР РАВЗАСИ	73
Мавлоно Лутфий	73
Мавлоно Саккокий	74
Мавлоно Атоий	75
Мавлоно Ҳайдар Хоразмий	76
Мавлоно Мажлисий	78
Мавлоно Ҳожи Абулҳасан	78
Мавлоно Қутбий	79
Мавлоно Наимий	79
Мавлоно Тархоний	79
Мавлоно Яқиний	80
Мавлоно Муқимий	80
Мавлоно Камолий	81

Мавлоно Латифий.....	81
Мавлоно Билол.....	82
Мавлоно Осафий.....	82
Мавлоно Шавкий.....	83
Мавлоно Зиё.....	84
Мавлоно Мажнуний.....	84
Мавлоно Гадоий.....	85
Мавлоно Ҳофиз Хоразмий.....	85
Ҳувайдо.....	85
Мавлоно Воқифий.....	86
Мавлоно Бокий.....	87
Мавлоно Фазоий.....	87
Мавлоно Фуркат.....	88
Мавлоно Умидий.....	90
МУЛЛОЛАР РАВЗАСИ.....	91
Мулла Мусо Сайрамий.....	91
Мулло Жоний.....	91
Мулло Маъдан.....	92
Мулла Акмал.....	94
Мулло Салоҳиддин Тошкандий.....	95
Мулло Сўфи.....	95
Мулло Шавкий.....	96
Мулло Васлий.....	97
Мулло Афқар.....	97
Мулло Мискин.....	97
Мулло Ҳайратий.....	98
Мулло Юсуф Сарёмий.....	100
Мулло Ғарибий.....	100
Мулло Исомиддин.....	101
Мулло Азизий.....	102
ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ.....	103
Хоразмий.....	103
Шерам.....	104
Али Муҳаммад.....	105
Нодирбек Садр.....	105
Ҳайдар Хоразмий.....	105
Муҳаммад Солиҳ.....	106
Турди.....	106
Али Шоший.....	106

Гулханий	107
Махмур.....	108
Мужрим Обид.....	109
Мунис Хоразмий	110
Нодир Узлат	111
Нозил.....	112
Муҳаммад Ёқуб Чингий	112
Вафойй	113
Вола	114
Писандий	115
Ғурбат.....	116
Мажзуб Намангоний.....	117
Азфарий	117
Боқий	118
Шавкий Каттақўргоний	118
Мирий.....	119
Ноил Шерзода	120
Дабириий.....	120
Равнақ.....	120
Рашидхон	121
Имомуддин Риёзий.....	121
Саид Аҳмад.....	121
Иншойй	122
Абдуллатиф.....	122
Абдулқодирхожа Савдо.....	122
Ҳозик	123
Адо.....	123
Айний	123
Сидкий Хондаликий	124
Рожий	124
Чустий	124
Акмал	125
Бобожон Санойй.....	125
Муҳсиний.....	126
Васфий	126
Мунирхон Муинзода.....	126
Муҳий Хўқандий.....	127
Қутбиддин Муҳиддинов.....	127
Жаъфар Муҳаммад Термизий	127

АДИБАЛАР РАВЗАСИ.....	130
Нодира.....	130
Махзуна.....	131
Увайсий.....	133
Муштарий.....	134
Анбар Отин.....	134
Муаззамхон.....	134
Нозимахоним.....	135
Ойдин.....	136
Зулфия.....	137
Саида Зунунова.....	138
Гулчехра Жўрасва.....	138
Ойдин Ҳожиева.....	140
Ҳалима Худойбердиева.....	142
Уллибиби Отаева.....	143
Кутлибека Раҳимбоева.....	144
Фарида Бўтаева.....	145
Зулфия Мўминова.....	146
Фароғат Камолова.....	147
Ҳалима Аҳмедова.....	148
Зебо Мирзаева.....	149
Хосият Рустамова.....	150
ОЛИМЛАР РАВЗАСИ.....	152
Озод Шарофиддинов.....	152
Нажмиддин Комилов.....	152
Зокир Маъруфов.....	153
Ҳошимжон Раззоков.....	153
Ғози Юнусов.....	153
Иброҳим Ғафуров.....	154
Айюб Ғулломов.....	154
Ҳасан Қудратуллоев.....	155
ДОСТОННАВИСЛАР РАВЗАСИ.....	156
Дурбек.....	156
Саидмурод Панох ўғли.....	157
Раҳматулло Юсуф ўғли.....	157
Нурмон Абдувой ўғли.....	158
Умир Сафар ўғли.....	158
Усмон Маматкул ўғли.....	158
Ғозил Йўлдош.....	158

Шоберди Бахши	159
Эгамберди Олломурод ўгли	159
Эргаш Жуманбулбул ўгли	160
Эшчон Бахши	160
Юсуф Ўтаган ўгли	160
Қахҳор Бахши	161
Шерна Бахши	161
Кодир Бахши	161
Курбонбой	162
Ҳазратқул Бахши	162

МАЪРИФАТПАРВАР АДИБЛАР РАВЗАСИ	163
Мўминжон Муҳаммадҷонов	163
Муҳаммадрасул Расулий	163
Аваз Ўтар	163
Завқий	164
Мирмуҳсин	165
Наим Саид	166
Исмоил Обидий	166
Авлоний	166
Ажзий	167
Ашурали Зоҳирий	167
Исҳоқхон Ибрат	167
Абдулла Қодирий	168
Чўлпон	169
Ғулом Зафарий	169
Ҳабибий	170
Иброҳим Даврон	170
Камий	170
Раҳимий Шоқиржон	171
Раҳмат Мажидий	171
Исматулла Раҳматуллаев	171
Саидрасул Саидазизов	172
Мусожон Саидҷонов	172
Саидризо Ализода	173
Сирож Ҳаким	173
Муҳаммадамин Фаҳруддинов	173
Муҳаммадҷон Холиқий	174
Пўлатжон Қаюмов	174
Ғойибий Абдурахмон	174
Ҳожи Муин	175

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРЛАРИ РАВЗАСИ	176
Мир Обид.....	176
Муҳаммадшариф Сўфизода	177
Ғайратий.....	178
Ғафур Ғулом	179
Ҳабиб Саъдулла.....	180
Миртемир.....	181
Уйғун.....	183
Собир Абдулла	184
Чархий.....	185
Рамз Бобожон	185
Шукрулло.....	187
Ибраим Юсупов	188
Жуманиёз Жабборов	189
Нормурод Нарзуллаев	190
Тўра Сулаймон	191
Охунжон Ҳаким.....	192
Эркин Воҳидов.....	193
Барот Бойқобилов	195
Жамол Камол	196
Тўлан Низом	197
Абдулла Орипов	199
Омон Матжон	200
Рауф Парфи.....	201
Анвар Обиджон.....	202
Усмон Азим.....	203
Хуршид Даврон	204
Маҳмуд Тоиров.....	205
Муҳаммад Юсуф	207
Сироҷиддин Саййид.....	208
Иқбол Мирзо	209
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИЛАРИ РАВЗАСИ	211
Одил Ёқубов	211
Мирмуҳсин	211
Қуддус Муҳаммадий.....	212
Шуҳрат.....	212
Ҳамид Ғулом.....	212
Асқад Мухтор	214
Жўлмурза Оймурзаев	215
Ойбек.....	216

Муҳаммад Али	217
Неъмат Аминов	219
Назир Сафаров	219
Ҳақим Назир	219
Иброҳим Раҳим	220
Пўлат Мўмин	220
Раҳмат Файзий	220
Саид Аҳмад	221
Тоғай Мурод	221
Тохир Малик	222
Ҳудойберди Тўхтабоев	222
Ўлмас Умарбеков	223
Шукур Холмирзаев	223
Тўлепберген Қайипбергенов	223
Пиримкул Қодиров	224
Ўткир Ҳошнмов	224

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ

АКАДЕМИКЛАРИ РАВЗАСИ	225
Ҳамид Олимжон	225
Бахтиёр Назаров	226
Олим Шарафиддинов	226
Шоназар Шоҳабдурахмонов	226
Азизхон Қаюмов	227
Матёқуб Қўшжонов	227

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАН АРБОБЛАРИ РАВЗАСИ	228
Малик Муродов	228
Умарали Норматов	228
Ҳафиз Абдусаматов	229
Абдурашид Абдугафуров	229
Сарвар Азимов	229
Ботурхон Валихожаев	230
Иzzат Султон	230
Ҳомил Ёқубов	230
Воҳид Зоҳидов	231
Ғуллом Каримов	231
Файзулло Кароматли	232
Салохиддин Мамажонов	232
Ҳамид Сулаймонов	233

Юсуф Султонов	233
Холид Расул	233
Ғайбулла ас-Салом	233

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН

САНЪАТ АРБОБЛАРИ РАВЗАСИ	234
Собиржон Иброҳимов	234
Порсо Шамсиев	234
Маҳмудали Юнусов	235
Бегали Қосимов	235
Абдуқодир Ҳайитметов	235
Уйғун	236
Омон Мухтор	236
Мақсуд Шайхзода	236
Абдуқаҳҳор Иброҳимов	238
Наим Каримов	238
Носир Фозилов	238
Матқосуф Харратов	239
Шукур Саъдулла	239

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ РАВЗАСИ	240
Миркарим Осим	240
Ҳусниддин Шаришов	240
Азим Суюн	241
Матназар Абдулҳаким	243
Муҳаммад Раҳмон	244
Мирпўлат Мирзо	245
Шавкат Раҳмон	246
Тоҳир Қаҳҳор	247
Жонибек Кувноқ	248
Саъдулла Кароматов	249
Ваҳоб Рўзиматов	250
Ҳожиакбар Шайхов	250
Йўлдош Шамширов	251
Жуманиёз Шаришов	251
Мақсуд Қориев	251
Султон Акбарий	252
Саъдулла Ҳаким	252

УНВОНСИЗ МУМТОЗ АДИБЛАР РАВЗАСИ.....	253
Мискин.....	253
Абдураззок Факирий.....	253
Мирабдуллахўжа Абдий.....	254
Баёний.....	254
Махмур Коризий.....	255
Махдий.....	256
Махмуд Ҳаким.....	256
Рожий.....	256
Рушдий.....	257
Садойий.....	257
Тавалло.....	257
Умар Бокий.....	257
Хўжандий.....	258
Сулаймон Бокирғоний.....	258
Боқихон Тўра.....	259
Бурхониддин.....	259
Сайёдий.....	259
Қутб Хоразмий.....	259
Нишотий.....	260
Аламқаш.....	261
Муҳаммад Раҳим Роғиб.....	261
Юсуфкори Мунтазир.....	262
Нокис.....	263
Абдураззок Бимий Андижоний.....	264
Бақойий.....	265
Дилафгор.....	266
Ниёзий.....	267
Ҳаримий Қаландар.....	267
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	268

ИЛМИЙ-АДАБИЙ НАШР

Фарҳод Исомиддинов
Жонмирзо Мирзаев

ЎЗБЕК
АДИБЛАРИНИНГ
УНВОНЛАРИ

Мухаррир Ж. Муҳаммад
Бадий муҳаррир А. Ақилов
Техник муҳаррир У. Ким
Мусаххих З. Ирисбоева
Саҳифаловчи Б. Усмонов

Лиц. АИ № 111. Босишга 28. 06. 2013 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Шартли босма табағи 17,5 б. т. Нашр табағи 14,0.
Адади 700 нусха. Шартнома № 30/08-13.
Буюртма № 44.

«YANGI NASHR» нашриёти,
100115 Тошкент, Чилонзор кўчаси, 1-уй.
Тел.: (99890) 998-60-96

Оригинал макет «Bilik-Print» МЧЖ корхонасида тайёрланди.
100115 Тошкент, Чилонзор кўчаси, 1-уй.

«Al-Alkom Trade» МЧЖ босмахонаси.
100115. Тошкент ш. Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 1^а- уй.